

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

РУСТАМ ШАРИПОВ

БАДИИЙ ТАРЖИМА

**“Таржима назарияси ва амалиёти” йўналиши
талабалари учун ўқув қўлланма**

Тошкент – 2022

Рустам Шарипов. Бадий таржима. – Т., 2022. – 120 бет.

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент давлат шарқшунослик институти “Таржима назарияси ва амалиёти” бакалавриат йўналиши 3-курс талабалари учун “Бадий таржима” фани ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, унда бадий таржима билан боғлиқ масалалар қамраб олинган. Қўлланма бадий таржиманинг энг муҳим муаммолари, асосий принциплари, талаб-қоидалари, усуллари ҳақида мухтасар маълумот беришга йўналтирилганлиги учун ундан магистратура мутахассислигида ўқитиладиган таржимашунослик ва таржима маҳорати билан боғлиқ фанларни ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Мазкур ўқув қўлланмани тайёрлашда Э.Очиловнинг “Бадий таржима асослари” ўқув қўлланмаси (-Т., ТДШУ, 2014), абхаз ёзувчиси Михаил Лакербай ҳикояларининг ўзбек тилига Рустам Шарипов томонидан амалга оширилган таржималаридан (“Меҳмон”. –Т., Истиқлол нури, 2014) ҳамда бошқа адабий манбалардан фойдаланилган.

Масъул муҳаррир:

*ТДШУ “Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедраси
доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Хайрулла Ҳамидов*

Такризчилар:

Ўзбекистон давлат хореография Академиясининг катта
ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

Хулкар Ҳамроева

*ТДШУ “Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедраси
мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Нилуфар Ходжаева

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги 538-сон буйруғи
билан нашрга тавсия этилган.

© Р.Х.Шарипов, 2022.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2022.

КИРИШ

Ушбу қўлланма бадий таржиманинг ана шундай энг муҳим масалаларини имкон қадар ёритиб беришга йўналтирилган.

“Бадий таржима” фани “Таржима назарияси ва амалиёти” йўналишида таҳсил олаётган талабаларда бадий таржима тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиш мақсадида соҳанинг энг муҳим масала ва муаммолари, асосий принцип ва қоидалари, ҳар бир таржимон риоя қилиши зарур бўлган шарт ва талаблари, асрлар тажрибасидан ўтган йўриқ ва усуллари ҳақида мухтасар маълумот беришни кўзда тутди.

Қўлланма 8 та маъруза ва 9 та амалий машғулот мавзуларини, шунингдек 28 соатга мўлжалланган мустақил таълим учун топшириқларни ўз ичига олган бўлиб, у талабаларнинг таржима йўналиши бўйича олган назарий билимларини янада чуқурроқ ўзлаштиришга, таржиманинг турли услубларини қўллаб, таржима қилинган асарларни аслият билан солиштириб таҳлил қилиш, таржимонлик малакаларини ривожлантиришга қаратилган.

Қўлланманинг мустақил таълим учун топшириқлар билан бир қаторда соҳага оид бўлган асосий терминларнинг изоҳи ҳам берилган.

1- мавзу. БАДИЙ ТАРЖИМАНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

1. Бадиий таржима – ёзма таржиманинг ўзига хос тури.
2. Бадиий таржиманинг бошқа турли таржималардан фарқи.
3. Бадиий матннинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Бадиий таржиманинг эмоционал хусусиятлари.
5. Бадиий матн таржимаси таҳлили

Бадиий таржима ижодий жараён сифатида аслият мазмунини бошқа тилда қайта яратиш учун муқобил воситалар излаб топиш ва улар орасидан энг мувофиғини танлаш демакдир. Ёзма таржиманинг бундай тури аслият тилининг ифодавийлиги билан боғлиқлиги, турли адабий усуллар ва бадиий санъатлар асосига қурилганлиги сабабли санъат ҳисобланади. Агар илмий, ижтимоий, сиёсий, публицистик матнлар таржимаси билан тил билган ҳар қандай киши шуғулланиши мумкин бўлса, бадиий таржимага фақат ёзувчилик ва шоирлик қобилиятига эга, ижодкорликдан хабардор кишигина қўл урмоғи керак.

Бадиий таржима ҳар жиҳатдан бадиий ижод билан деярли бир хил даражада туради. Чунки адиб ёки шоирнинг истеъдоди ва маҳорати маҳсули бўлган бадиий асарни бадиий асар таржимони бошқа тил воситалари билан аслиятга мувофиқ тарзда қайта яратади. Ушбу жараёнда бадиий асар таржимонининг шеърни таржима қилиш учун унинг вазни, қофияси, радифи, наср таржимаси учун эса бадиий санъатлар, тасвир ва ифода воситалари, ритм, оҳанг, муаллиф услуби, миллий ва тарихий колорит, персонажлар нутқи, асарнинг грамматик-услубий қурилиши, фразеологик бирликлар, асарнинг шакл ва мазмун бирлиги сингари қатор муаммоларга ечим топишига тўғри келади. Таржимашунослик терминларининг изохли луғатларида бадиий таржимага қуйидагича таъриф берилади:

Бадиий таржима. 1. Бадиий адабиёт таржимаси. Бу дунёни маданий жиҳатдан ўзлаштириш ва инсониятнинг жамоавий хотирасини кенгайтириш воситаси, маданиятнинг омилидир. Унинг назарий асосини адабий таржима назарияси ташкил этади. 2. Бадиий адабиётларни таржима қилиш. Бадиий таржиманинг қоидаси битта – таржима қилинаётган асарнинг руҳини бериш.

Асар шундай таржима қилиниши керакки, ўқувчи уни аслият муаллифи қандай ёзган бўлса, таржимаси ҳам худди шундай ўқилиши керак. 3. Ҳар бир таржима ўз ўқувчисига аслиятни ўқиган китобхонда қолдирганчалик таассурот қолдириши керак. 4. Бадиий таржимада ҳеч қандай қўшимча қилиш, қисқартириш, ўзгаришларга йўл қўйилмайди. Агар аслиятда камчиликлар бўлса, у ҳам таржимада тўғри етказилиши керак. 5. Таржимоннинг тажрибаси, қобилиятлари қанчалик кам бўлса, у ўзига шунчалик кўп эрк беради ва муваффақиятга даъво қилади. Тажрибали таржимон эса ўзининг ижодий фантазиясини аслиятга садоқатга бўйсундиради. Ёмон таржимон яхши нарсани ўзига қараб тортса, яхши таржимон муаллифга қараб тортади. 6. Бадиий таржимада асарнинг эстетик идрок этилиш хусусияти ҳам сақланади. 7. Унда маданиятлараро, маданий-етник мулоқот ҳукмронлик қилади.

Маълумки, ҳар қандай таржима муайян даражада ижодий иш ҳисобланади. Бадиий асарлар таржимаси эса алоҳида ёндашувни талаб этиши, маҳорат ва санъаткорликни тақозо қилиши жиҳатидан санъат иқлимидир. Бу масалани ўзбек олими Ғ.Саломов шундай асослайди: “Таржима жараёнининг моҳияти асл нусхада акс этган шакл билан мазмуннинг бирлигини, яхлитлигини сақлаш учун бўлак тилдан муқобил воситалар қидириб топишдан иборат. Бундан ташқари, асл нусха мазмунини бошқа тилда беришнинг мавжуд бир нечта имкониятлари орасида энг муқобил ва мувофиқ вариантыни танлаш ҳам адекват таржиманинг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Ана шу муқобил тил воситаларини қидириб топиш ва мувофиқ вариант танлаш ижодий характерга эга бўлиб, таржима қилувчи киши, яъни таржимондан онгли меҳнатни талаб этади. Тилнинг ифодавийлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий адабиётлар таржимасида ҳам муайян бадиий-ижодий масалаларни ечишга тўғри келади. Бу таржимондан адабий маҳоратни талаб қилади. Бундай таржима санъат жумласига киради”¹.

Назорат учун саволлар:

1. Бадиий таржима тушунчасининг мазмун-моҳияти.
2. Бадиий таржиманинг шеърӣ ва насрий турлари.
3. Бадиий таржиманинг бошқа тур таржималардан фарқи.
4. Бадиий таржима – ёзма таржиманинг ўзига хос тури.

¹ Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1978. 149-бет.

5. Бадиий матннинг ўзига хос хусусиятлари.
6. Бадиий таржиманинг эмоционал хусусиятлари.

Адабиётлар:

1. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1978.
2. Очилов Э.З. Таржимашунослик терминлари изоҳли луғати. – Т.: 2014.
3. Ҳамидов Х.Х., Ҳасанова Ш.А., Русча синхрон таржима терминларининг ўзбекча изоҳли луғати. – Т., 2020. – 184 б.

2- мавзу. БАДИЙ ТАРЖИМАДА СЎЗ ТАНЛАШ

Режа:

1. Бадиий матн таржимасини таҳлил қилиш ва шарҳлаш.
2. Бадиий матн услуби ва жанрий хусусиятларини аниқлаш.
3. Бадиий асар таржимонларига қўйиладиган талаблар.
4. Бадиий асарлар таржимасида эквивалентлик ва адекватлик.

Таржима жараёни икки ёки ундан ортиқ бир-биридан фарқли бўлган тилни пухта билиш мажбурияти билан боғлиқ бўлиб, таржимондан асл матн тили билан бир қаторда матн таржима қилинаётган тилни мукаммал ва чуқур эгаллаган бўлишни талаб этади. Шу билан бирга, таржимон ўзга халқ адабиётининг ўзбек китобхони учун қизиқарли ва фойдали бўлган дурдона асарларини кўра олиш дидига ҳам эга бўлиши керак.

Таржима халқаро дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик манфаатларига, халқлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, илмий, маданий ва адабий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилиш билан бирга, одамларнинг бир-бирини тушунишига кўмаклашади ва уларни маънавий-руҳий жиҳатдан яқинлаштиради. У турли халқлар адабиётларининг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири жараёнини ҳам тезлаштиради.

Таржима асарлари туфайли китобхонлар жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўладилар. Шу билан бирга, таржима тилларнинг ривожланиш суръатини жадаллаштирувчи, луғат бойлигини оширадиган ва такомиллаштирадиган восита сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жиҳатлар таржимани инсон маънавий ҳаётини бойитувчи,

она тилининг бор бисотини рўёбга чиқарувчи, айти пайтда, унинг сержило бўлишини таъминловчи, китобхоннинг тафаккурини чархлаб, янги ғоялар, тушунчалар билан бойитувчи хусусиятга эга эканлигини намоён этади.

Шунингдек, таржима асарлар жамиятда янгича муносабатлар, қарашлар қарор топишига хизмат қилади. Таржима туфайли миллий адабиётларга янги ғоявий йўналиш, янгича сюжет, жанр, янги образ ва бадиий тасвир воситалари кириб келади. Шу маънода, таржимани аслиятни қайта яратиш, талқин этиш санъати деб ҳам таърифлаш мумкин. Таржиманинг мақсади у ёки бу тилда яратилган матнни иккинчи бир тил воситасида қайта яратишдан иборат. Бунинг учун таржимондан, биринчи навбатда, аслият матни мазмун-моҳиятини тўла-тўқис идрок этиш, уни ўгирилаётган тилда беками кўст қайта ифодалашга эришиш талаб қилинади.

Бу масалага лингвистик нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, таржимани бир тилда яратилган матнни унинг шакл ва мазмун бирлигини сақлаб қолган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратиш мақсад қилиб қўйилган ҳамда илмий жиҳатдан асосланган ижодий-адабий жараён сифатида таърифлаш мумкин. Демак, таржима жараёнида аслият тили воситалари ёрдамида яратилган асар таржима тили қонуниятлари ва имкониятларига мос равишда қайта яратилади ва бунинг натижасида аслият ҳамда таржима матнларининг мазмуний-услубий муқобиллиги юзага келади. Бу эса ўз навбатида лингвомаданий қатламларнинг яқинлашувига замин яратади.

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳеч бир миллий маданият бошқа маънавий-маърифий қатламлардан, шунингдек тамаддун ривожланиш жараёнларидан ажралган ҳолда юксак тараққиёт босқичига кўтарилганини кўрмаймиз. Аксинча, дунёдаги барча маданиятлар бир-бирларига у ёки бу даражада таъсир ўтказиб, ўзига хос ривожланиш йўлини бошидан ўтказиб келган. Шунинг учун турли миллатлар маданиятларида умумийлик ва хусусийлик борлигини ҳисобга олиб, таржимани халқлар ўртасидаги лингвомаданий кўприк, таржимонларни эса маданият элчилари дейишга тўла асосимиз бор.

Элчи мақомига эришишга даъвогар бўлган таржимон зиммасига ниҳоятда жиддий масъулият юкланади. Юқорида таъкидланганидек, у асл матн тилини мукамал эгаллаган бўлиши,

ўша тилда сўзлашувчи халқнинг миллий руҳий ҳолати, тарихи, маданияти, менталитети, қолаверса мамлакатшуносликка оид маълумотлардан хабардор бўлиши ҳамда энг асосийси, матн таржима қилинаётган тилнинг (бизнинг ҳолатимизда ўзбек адабий тилининг) барча қонун-қоидаларини пухта эгаллаган бўлиши шарт. Шунингдек, таржимон ўзга халқ маданияти намунасининг ўқувчи учун қизиқарли ва фойдали бўлиш-бўлмаслигини аввалдан кўра билиш хусусиятига, адабиёт ва санъатнинг асосий шарти бўлган бадиий-эстетик дидга ҳам эга бўлиши керак. Бунинг учун эса таржимон чуқур билим ва тажрибага эга бўлиши керак. Хуллас, таржима – бу жиддий тайёргарлик талаб этадиган оғир ва машаққатли меҳнат.

Лингвوماданий қатламларнинг таржима воситасида ўзаро яқинлашуви шак-шубҳасиз ҳар икки маданиятнинг ҳам бойишига хизмат қилади. Сабаби, ўзга тилда яратилган бадиий асарнинг мукамал таржима натижасида янгича қирралари ва жилolari кўз олдимизда намоён бўлса, биз ўқувчилар ўз она тилимизда ундан маънавий-эстетик озуқа олиш имкониятига эга бўламиз. Демак, бу жараёнда таржимон шахсияти ва унинг бадиий маҳорати ниҳоятда катта аҳамият эга бўлади.

Таржиманинг тур ва хиллари кўп. Улар орасида бадиий таржима ўзининг қийинлиги, мураккаблиги, талабларининг юксаклиги билан алоҳида ажралиб туради. Бадиий таржимада мутаржим муаллиф билан ҳуқуқ талашар даражадаги мавқега эга бўлади.

Бадиий таржима оригинал ижоддан тайёр объектнинг мавжудлиги билан фарқ қилади. Таржимон мавжуд асарга янги ижтимоий, адабий ва миллий муҳит шароитида янги ҳаёт бағишловчидир. Реалистик таржима талабларига кўра, таржимон асл нусханинг санъат асари сифатида шакл ва мазмун бирлигини қайта яратиши, миллий ва индивидуал хусусиятларини сақлаши лозим.

Қуйида абхаз ёзувчиси Михаил Лакербай қаламига мансуб бир ҳикоянинг рус тилидан таржимасини кўриб чиқамиз:

ГОСТЬ

Старый Ханашв Цугба сидел под чинарой во дворе своей пацхи [1] и шил из сыромятной кожи

МЕҲМОН

Кекса Ханаша Цугба ҳовлининг тўрида қад кўтарган чинор остида ўтирганича энди балоғат ёшига

чувяки своему единственному сыну - юноше Темуру.

Залаяла собака. Старик поднял голову и увидел молодого незнакомого ему человека; тот, не добежав до калитки, перескочил через забор: видно, очень спешил. Увидев старика, он бросился к нему и, на ломаном абхазском языке стал умолять спрятать его. Произношение выдавало в нем черкеса.

- Погоня, - волнуясь сказал он.
- Спаси меня, укрой! Если нагонят, меня убьют.

- Заходи в дом! - быстро ответил Ханашв и ввел гостя в пацху. Приставив к стене лесенку, он указал на чердак.

- Полезай, дад! [2] Устройся в углу на куче шерсти. Будь спокоен: у меня ты в безопасности.

- Да будет безмятежна твоя старость! - благодарно пробормотал гость и поспешно влез на чердак.

Старик вышел во двор и, убедившись, что там никого нет, вернулся в пацху. Стоя внизу, он сказал:

- Ты не бойся, дад! Никого не видно. Наверное, никто не заметил, как ты ко мне забежал. Но скажи - кто за тобой гонится и почему?

- Я убил человека. Его друзья погнались за мной, чтобы отомстить за него.

- За что же ты убил?

- Он оскорбил меня: он хлестнул нагайкой моего коня на джигитовке!

кадам кўйган ёлғиз ўғли Темур учун ошланган теридан чориқ тикарди.

Итнинг акиллашидан бошини кўтариб, нотаниш йигитчага кўзи тушди; у жуда шошарди чоғи, кўча эшикка ҳам етиб келмай панжарадан сакраб ўтди. Чолни кўриб, ёнига келди-да, бузилган абхазчада яширинишга жой сўради. Талаффузидан унинг черкеслиги аён эди.

- Ортимдан кувиб келишяпти, - хаяжон билан деди у. - Ўтинаман, кутқаринг! Ушлаб олишса, соғ кўйишмайди.

- Уйга кир! - деди Ханаша ҳозиржавоблик билан ва кутилмаган меҳмонни пацха² томон бошлади. Нарвонни деворга тираб, чордоқни кўрсатди.

- Чикақол, дад³ Бурчакдаги бир уюм жунни тагингга ёйиб ол. Хотиринг жам бўлсин: менинг уйимда сен хавф-хатардан холисан.

- Илоё, умринг фароғатда ўтсин! - дея меҳмон миннатдорчилик билдириб, чордоққа чиқиб кетди.

Қария ҳовлига чиқиб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, меҳмон ёнига қайтиб келди.

- Хавотир олма, дад, ҳеч ким кўринмайди. Балки бу ерга кирганингни ҳеч ким кўрмагандир. Менга айт-чи, ортингдан ким кувиб келаяпти? Нима айб иш қилдинг?

- Одам ўлдирдим. Дўстлари унинг қасдини олиш учун ортимдан кувиб келишяпти.

- Нима учун бундай қилдинг?

- У мени ҳақоратлади: от пойгаси чоғида отимни савалади!

- Ким экан ўзи, оти нима?

² П а ц х а – абхазларнинг қадимги тўқима кулбаси.

³ Д а д – абхазларда ёши улуг одам ўзидан ёшроғига шундай мурожаат этади.

- Кого же ты убил? Как его имя?

- Не знаю. Я ведь впервые в вашем селении...

В этот миг опять неистово залаяла собака, и оба они застыли в испуге.

- Тише! Я пойду посмотрю, - негромко предупредил старик и вышел во двор.

Вдалеке из-за бугра показались несколько человек, вслед за ними двигалась толпа. Старик заслонил ладонью глаза от солнца и начал всматриваться. Теперь уже была ясно видна вереница приближающихся к его дому людей. Они двигались медленно, не спешили.

"Это не за ним ли, за убийцей?" — подумал старик и приготовился грудью защищать гостя.

Но вот несколько человек, опередив других, отворили калитку и вошли во двор. Вслед за ними хлынула толпа.

И тут Ханашв увидел, что на руках у людей лежала тяжелая, завернутая в бурку ноша, поддерживаемая со всех сторон.

При виде знакомой бурки у старика потемнело в глазах. Точно полоснули его по сердцу кинжалом.

Из толпы выступил убеленный сединами старик Ашвю Абидж, его сверстник и друг, и сказал:

- Крепись, Ханашв! Тебя постигло сегодня великое горе. Но нет ничего на свете, что с течением времени не ослабевало бы. Не ты ли всегда учил нас: чем сильнее у человека характер, тем крепче выдержка, - особенно в

- Билмасам. Ахир мен кишлоғингизга энди келишим...

Сухбат шу ерга келганида итнинг вовиллаши эшитилди.

- Секинроқ! Мен бориб, хабар олиб келай, - деди қария ва аста ҳовлига чикди.

Узоқдаги тепалик ортидан бир неча кишининг қораси кўринди, уларнинг ортидан оломон келарди. Мўйсафид кафтини соябон қилиб пешонасига тираганича одамлар келаётган томонга тикилди. Бир оздан сўнг у келаётган кишиларни яққол ажрата бошлади. Улар аста-секин шу уй томон келишарди. "Булар қотилни излаб келаётган бўлишмасин, тагин!" — деган ўй билан қария меҳмонни кўкси билан ҳимоя қилмоққа чоғланди.

Бир неча киши бошқаларни ортда қолдириб, кўча эшикни очиб ҳовлига кирди. Кетидан бошқалар ҳам кириб келишди. Бир зумда ҳовлини тумонат одам босди.

Шундагина унинг кўзи одамлар кўтариб олган оғир ва даҳшатли юкка тушди.

Эрталаб ўғли кийиб чиқиб кетган кийимларини кўрган қариянинг кўз олди хиралашиб, юрагини ханжар тилгандай бўлди.

Оломон ичидан соч-соқоли оппоқ тенгдош дўсти Ашвю Абидж чикди, унга юзланди.

- Бардам бўл, Ханаша! Бугун бошингга оғир мусибат тушди. Вақти билан унитилмайдиган мусибатнинг ўзи бўлмайди. Нақадар оғир бўлмасин, бу ҳам ўтар-кетар. Ахир, одам қанчалик кучли бўлса, унинг иродаси, айникса, мусибат бошига тушган чоғда шунчалик мустаҳкам бўлади, деб ўзинг айтмасмидинг?

горе? Сегодня неизвестным черкесом убит твой Темыр!

У старика подкосились ноги. Он схватился за сердце и, наверное, упал бы, если бы люди не поддержали.

Плач и крики женщин огласили двор.

Двое суток пролежало бездыханное тело его сына на тахте в пацхе.

И двое суток под разными предложениями поднимался старик на чердак, чтобы отнести еду гостю черкесу.

На третьи сутки, похоронив убитого, товарищи Темыра возвратились вместе с Ханашвом во двор. До позднего вечера они сидели со стариком.

- Мы знаем, - сказал один из юношей, самый любимый сверстник Темыра и неразлучный его друг, - все вместе мы не сможем заменить тебе сына. Но мы разделим с тобой горе. Каждый день мы будем тебя навещать, как будто все еще жив наш Темыр, и во всем будем тебе помогать.

- Даем тебе слово, - добавил другой, - что отомстим убийце. Черкес ловко прячется. Он ускользнул от нас в лесу, и, наверное, здесь, где-то рядом, кто-то его умело укрывает. Но мы разыщем его и убьем. Скоро, очень скоро ты об этом узнаешь. Может быть, хоть это немного успокоит тебя.

Слова их, произнесенные торжественно и решительно, громко прозвучали в пацхе.

И друзья Темыра ушли.

Безутешный старик огляделся,

Бугун бир номаълум черкес ўғлинг Темурни нобуд қилди! Бардам бўл!

Одамлар суяб қолмаганида борми, мўйсафид, шубҳасиз, юрагини чангаллаганича хушидан айрилиб, чалқанча йиқиларди.

Аёлларнинг дод-фарёди ҳовлини тутиб кетди.

Ўғлининг жонсиз жасади таомилга кўра икки кун уйда сақланди.

Икки кун қария ҳар хил баҳоналар билан чордоққа, қақирилмаган меҳмонга егулик бериш учун чиқиб турди.

Учинчи кун Темур ерга қўйилди. Маросимдан сўнг ўғлининг дўстлари ҳам ҳовлига қайтиб келишди ва кечгача қариянинг мусибатига шерик бўлишди.

- Тушунамиз, - деди Темурнинг энг яқин дўстларидан бири, - ҳаммамиз бир бўлсак ҳам Темурнинг ўрнини босолмаймиз. Қайғунгизга шерикмиз. Бу мусибат ҳаммамизнинг юрагимизни ларзага келтирди. Тез-тез ҳолингиздан хабар олиб, ўғлингизнинг йўқлигини билдирмасликка ҳаракат қиламиз. Бардам бўлинг, ота!

- Дўстимиз учун қотилдан албатта қасд оламиз, - дея қўшимча қилди яна бирови. — Черкес усталик билан яшириниб юрибди, Аммо, барибир унинг куни битган. Қўлимизга тушган захоти жони узилади. Тез орада бундан хабардор бўлиб, ҳеч бўлмаса шундан юрагингиз таскин топар.

Шу сўзларни айтиб, Темурнинг дўстлари тарқалишди.

Мусибат қаддини дол этган мўйсафид атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, хуржунга

нет ли кого поблизости, наполнил дорожную сумку едой, приставил лесенку к чердаку и позвал черкеса.

- Сойди, мой гость! Сойди! Здесь нет никого. Все ушли.

И когда черкес спустился, старик дрожащей рукой протянул ему сумку.

- Возьми, — сказал он. - Здесь еды на два дня. Поспешి домой, дад! Лесом ближе пройти к перевалу. Ночь темна, тебя никто не увидит.

Низко-низко склонился перед стариком гость и приложил к губам край его черкески. Потом выпрямился и, не сказав ни слова, вышел из пацхи.

егулик солди, деворга нарвонни тираб, черкесни чақирди.

- Пастга туш, меҳмон! Тушавер! Бу ерда ҳеч ким йўқ. Ҳамма кетди.

Черкес пастга тушгач титроқ босган қўллари билан унга хуржунни узатди.

- Манавини ол, - деди у. — Бунда икки кунга етадиган овқат бор. Энди уйингга кет! Ўрмон билан борсанг, йўлинг анча яқин бўлади. Тун қоронғуси сени бегона кўздан асрайди.

Меҳмон қария олдида тиз чўкиб, бошини эгди ва чакмони этагини лабига босди. Унинг вужудини ҳаяжон ва қилиб қўйган иши учун пушаймонлик туйғуси қамраб олган эди. Кейин қадини ростлаб, лом-мим демай уйдан чиқиб кетди.

Назорат учун саволлар:

1. Бадиий матн таржимасини таҳлил қилиш ва шарҳлашда нималарга эътибор қаратилади?
2. Бадиий асар таржимонларига қандай талаблар қўйилади?
3. Бадиий асарлар таржимасида эквивалентлик ва адекватликка қандай эришилади?
4. Юқорида келтирилган таржимадаги аслият матни билан таржима матнини солиштиринг.
5. Аслият ва таржима матнидаги фразеологик бирликларни аниқланг ва уларга ўз муносабатингизни билдиринг. Уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини изоҳланг.
6. Лингвомаданий қатламнинг бир тилдан иккинчи тилга кўчиши ҳодисасини матн мисолида тушунтиринг.
7. Аслиятдаги хос сўзларнинг таржимада берилиши юзасидан тушунтириш беринг (масалан, пацха, дад).
8. Аслиятдаги “сен” олмошининг таржимада “сиз” шаклида берилганига изоҳ беринг.
9. Муаллиф услубига хос хусусиятларнинг таржима матнида сақланиб қолишининг сабабини тушунтиринг.
10. Матнни бевосита аслиятдан ёки воситачи — ўзбек тилидан ўрганилаётган шарқ тилига таржима қилинг.

Адабиётлар:

1. М.Лакербай. Меҳмон. –Т., Истиклол нури, 2014. – 6 б.
2. Очилов Э.З. Таржимашунослик терминлари изоҳли луғати. – Т., 2014.
3. Ҳамидов Х.Х., Ҳасанова Ш.А., Русча синхрон таржима терминларининг ўзбекча изоҳли луғати. – Т., 2020. – 184 б.
4. Ҳамидов Х.Х. Мақол ва идиомалар таржимаси муаммолари. – Тошкент: ТошДШИ, 2017. –128 б.

3-мавзу. БАДИЙ ТАРЖИМА ЁЗМА ТАРЖИМАНИНГ ЎЗИГА ХОС ТУРИ

Режа:

1. Бадиий таржима – ёзма таржиманинг ўзига хос тури.
2. Бадиий матннинг асосий белгилари.
3. Таржимада сўз қўшиш ва тушириб қолдириш.
4. Бадиий таржиманинг ўзига хос хусусиятлари.

Таржима ўз табиати билан ҳам оригинал ижод жараёнидан фарқ қилади. Ёзувчи ҳаёт воқеаларидан олган мушоҳадаларини тилда бадиий ифодаласа, таржимон асл нусха матнини янги тил воситасида қайта гавдалантиради. Таржимон муаллифнинг ғоявий-эстетик дунёси, китобхонни ром этган жозибани янги ўқувчиларга етказишга бел боғлаган киши. Бунинг учун у муаллиф даражасида предметни пухта билиши даркор. Бундан ташқари, муаллифнинг бошқа адиблардан фарқ қиладиган жиҳатлари, бадиий услубини чуқур идрок қилиши лозим”⁴.

Маълум бўладики, бадиий асарлар таржимасига қўл урадиган таржимон ҳар икки – аслият ва таржима тилини чуқур билиши, ижодкорлик истеъдодига эга бўлиши билан бирга бадиият қонуниятларига ҳам “тиши ўтиши” тақозо қилинади. Чунки адабиёт турли адабий приёмлар, бадиий тасвир воситалари билан иш кўради. Шеърый таржимада эса яна вазн, қофия, радиф, оҳангдорлик муаммолари кўндаланг бўлади. Бугина эмас. Бадиий таржиманинг яна муаллиф услубини қайта яратиш, асар ритми ва интонатсиясини сақлаш, персонажлар

⁴ Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1978. 97-98-бетлар.

нутқини аслиятдаги табиийлиги билан акс эттириш, миллий колоритни бериш, фразеологизмларнинг муқобил вариантларини топиш, шева хусусиятларини ифодалаш каби кўплаб катта-кичик талаб-шартлари мавжудки, улар таржимоннинг чиндан ҳам ҳал қилувчи мақомга эга эканлигини кўрсатади. Асарнинг бошқа тилдаги нашъу намоси, муаллифнинг бошқа халқ ўртасидаги шухрати айнан таржимон хизмати билан боғлиқ. Бунинг учун таржимон муаллиф ўз асарининг ўқишлилиги, жозибаси, таъсирчанлигини таъминлаш учун қўллаган барча усул ва воситаларни бошқа тилда аслиятга мувофиқ қайта ярата олиши керак.

Бадий матн – насрий, шеърий, драматик ва публицистик асарлар матни. У бошқа матнлардан тасвирийлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Бадий матн – санъат намунаси. Бадий матнда ҳар бир сўз узукка қўйилган кўздек чертиб танланади ва кўпинча бир неча маъно қирраларига эга бўлади ҳамда бир неча бадий вазифани бажаради. Шеърий асарларда-ку ҳатто ҳарфлар такрорию уларининг жарангли-жарангсизлигигача ҳисобга олинади. Бадий матннинг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) образлиликка асосланади; 2) бадий тасвир воситаларига бой бўлади; 3) турли услубда яратилади; 4) тилнинг барча бойликларидан кенг фойдаланади; 5) таъсирчанлик касб этади.

Шеърий матн яна қўшимча хусусиятларга эга бўлади. Жумладан: 1) муайян вазнда яратилади; 2) қофияли бўлади; 3) радиф қўлланади; 4) бадий санъатлар кенг ишлатилади; 5) ҳар бир сўз, ҳар бир ҳарфга муайян эстетик вазифа юкланади; 6) равон, жарангдор, таъсирчан бўлиши талаб этилади.

Драматик асарлар матни ҳам насрий ва шеърий асарлар матнига ўхшайди, чунки улар ё насрий, ё шеърий, ё аралаш усулда яратилади. Лекин асосан ҳаракатга асослангани учун драматик асарлар ортиқча тасвирлар, баёнлардан холи бўлади, улардаги ҳар бир сўз бирор воқеага ишора қилади, бирор мазмунни очишга йўналтирилади, қаҳрамонларнинг характери очишга хизмат қилади.

Таржимоннинг бутун ижодкорлиги сўз соҳасида – у бир тилда яратилган асарни ҳеч нарса қўшмай ва олиб ташламай иккинчи тил воситалари ёрдамида қайта аслига монанд жаранглата олиши керак. Бу йўлда у худди муаллиф каби машаққатли изланишлар олиб боради, ҳар бир сўз устида

ишлайди, маънони тушунарли қилиб акс эттириш учун гоҳ ўзидан сўз қўшса, шеърий таржимада вазн талаби билан гоҳ сўзни тушириб қолдиради. “Тажриба шуни кўрсатадики, аслиятни бошқа тилга ҳар доим ҳам ўзига мос сўз билан таржима қилиб бўлмайди (агар шундай бўлганда эди, таржима санъат эмас, осонгина ҳунар бўлиб қоларди). Ана шундай ҳолларда таржимон ўзининг бор маҳоратини, билим савиясини, тил бойлигини ишга солади. Яъни “таржима қилиб бўлмайдиган” сўзларнинг маъносини очиб бериш, шу маънода ишлатиладиган бошқа сўз (ибора, жумла)лар билан алмаштириш, қиёслаш каби бир қатор усулларни аъло даражада қўллай олган бўлсагина, қилинган таржимани адекват таржима деб аташ мумкин”⁵.

Бадиий матн – насрий, шеърий, драматик ва публицистик асарлар матни. У бошқа матнлардан тасвирийлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Бадиий матн – санъат намунаси. Бадиий матнда ҳар бир сўз узукка қўйилган кўздек чертиб танланади ва кўпинча бир неча маъно қирраларига эга бўлади ҳамда бир неча бадиий вазифани бажаради. Шеърий асарларда ҳатто ҳарфлар такрорию уларининг жарангли-жарангсизлигига ҳисобга олинади. Бадиий матннинг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) образлиликка асосланади;
- 2) бадиий тасвир воситаларига бой бўлади;
- 3) турли услубда яратилади;
- 4) тилнинг барча бойликларидан кенг фойдаланади;
- 5) таъсирчанлик касб этади.

Шеърий матн яна қўшимча хусусиятларга эга бўлади. Жумладан:

- 1) муайян вазнда яратилади;
- 2) қофияли бўлади;
- 3) радиф қўлланади;
- 4) бадиий санъатлар кенг ишлатилади;
- 5) ҳар бир сўз, ҳар бир ҳарфга муайян эстетик вазифа юкланади;
- 6) равон, жарангдор, таъсирчан бўлиши талаб этилади.

Драматик асарлар матни ҳам насрий ва шеърий асарлар матнига ўхшайди, чунки улар ё насрий, ё шеърий, ё аралаш

⁵ Қосимова З. Русчадан ўзбекчага адекват таржима қилиш хусусида//Бадиий таржиманинг актуал масалалари (Мақолалар тўплами). – Тошкент: “Фан”, 1977. 212–213-бетлар.

усулда яратилади. Лекин асосан ҳаракатга асослангани учун драматик асарлар ортиқча тасвирлар, баёнлардан холи бўлади, улардаги ҳар бир сўз бирор воқеага ишора этади, бирор мазмунни очишга йўналтирилади, қаҳрамонларнинг характериани очишга хизмат қилади.

Маълумки, таржимоннинг бутун ижодкорлиги сўз соҳасида – у бир тилда яратилган асарни ҳеч нарса қўшмай ва олиб ташламай иккинчи тил воситалари ёрдамида қайта аслига монанд жаранглата олиши керак. Бу йўлда у худди муаллиф каби машаққатли изланишлар олиб боради, ҳар бир сўз устида заргар каби ишлайди, маънони тушунарли қилиб акс эттириш учун гоҳ ўзидан сўз қўшса, шеърий таржимада вазн талаби билан гоҳ сўз тушириб қолдиради.

Қуйида абхаз ёзувчиси Михаил Лакербай қаламига мансуб бир ҳикоянинг рус тилидан таржимасини кўриб чиқамиз:

БРАТЯ

В тот день, когда все это случилось, с утра лил дождь. Горы были окутаны тучами. Только к вечеру они рассеялись.

После дождей горы становятся до того ясными и четкими, что кажется, будто они рядом - рукой до них подать, и будто они только что возникли. Воздух чист и прозрачен, как голубой алмаз. В такой час в горах каждый зверь радуется жизни, и косули выходят из лесных тайников на открытые поляны и скалы, чтобы оттуда посмотреть вниз, в долины. Об этом хорошо знают охотники и не теряют времени зря. Братя Кязым и Шарах слыли страстными охотниками. Не успело просохнуть крыльцо их дома, как они уже вышли с ружьями за плечами.

- Не ходите далеко, нан, скоро

ЖИГАРГЎШАЛАР

Бу воқеа содир бўлган кун эрталабдан ёмғир ёғди. Тоғларни ўраб олган булутлар кечга борибгина тарқалди.

Ёмғирдан сўнг атроф шундай тиниклашдики, узоқдаги тоққа қўл чўзсанг, етгудек. Ҳаво тоза ва шаффоф. Бундай пайтда тоғдаги ҳар бир жонзод ҳаётдан завқланади, кийиклар ўзларининг кўз илғамас гўшаларини тарк этиб, пастда ястанган водийга кўз ташлаш илинжида баланд-баланд қоялар томон шошадилар. Бундан хабардор овчилар ҳам вақтни бой бермасликка ҳаракат қилишади.

Узоқ-яқинга донғи кетган овчи оға-инилар Козим ва Шарах кўк юзини сўнгги булут парчаси тарк этмасиданоқ елкаларига милтиқларини илиб, йўлга равона бўлдилар.

вечер! - крикнула им из окна мать.

Но разве знает охотник, надолго ли он идет и какой дорогой вернется домой? — Мы притащим тебе самую жирную косулю, мать, пожелай нам удачи! — откликнулся младший, Шарах, скрываясь за поворотом.

- Да сопутствует вам удача, нан!
- сказала мать вдогонку сыновьям, но они уже не слышали ее.

Прямым путем, через лес, братья шли к скалистой горе Коначхир, самой высокой и самой отвесной во всей горной Абхазии. Много там дичи, но только хороший ходок, природный горец, сможет пройти по ее кручам.

Быстро добрались братья до подножия горы и узкой, козьей тропой, пренебрегая длинными, более отлогими обходами, начали подъем. Часто тропа обрывалась, возникала голая отвесная скала, и приходилось то ползти, то прыгать с выступа на выступ. Скоро охотники достигли тех мест, которых любят касаться облака и редко - нога человека.

Дикие кручи вздымались над ними, круто падали стены пропастей. Братья карабкались по карнизу над ущельем, и, если кто-нибудь из них случайно сталкивал камень, шум падения замирал внизу, не достигая слуха. Наконец они добрались до небольшой каменной площадки, образовавшейся после обвала. Узенькая тропинка вела отсюда вдоль отвесной скалы к лесистому склону — излюбленному месту косуль.

- Узоққа кетиб қолманглар, нан⁶.
Кеч тушиб қолди! — дея хитоб қилди она ўғиллари ортидан.

Аммо овчи зоти қизикқон эмасми: қанча вақтга кетаётганини ва қайси йўлдан қайтишини билар эканми?

- Биз сизга энг семиз кийикни отиб келамиз, онажон. Бизга омад тилаб қолинг! — деб жавоб қилди кичик ўғли Шарах, муюлиш ортидан қораси ўчар экан.

- Омад сизларга ёр бўлсин, нан! — деган онанинг сўзлари ўғиллари қулоғига етиб бормади. Улар анча йироқлаб кетишган эди.

Оға-инилар ўрмон оралаб ўтган йўлдан Абхаз ўлкасининг энг баланд ва тикка тоғларидан бўлмиш Қоначхир томон боришарди. У ер қушга мўл, аммо шу билан бирга хатарли жой саналарди.

Овчилар тоғ этагига тез етиб келишди. Айланма ва анча узоқ, аммо беҳатар йўлдан юрмай, тикка йўлдан тоққа кўтарила бошлашди. Бир неча бор хатарли сўқмоқ узилиб, қоядан-қояга сакрашга тўғри келди. Тез орада овчилар одам оёғи етмаган, парқу булутлар ўзига макон қурган баланд қояга етишди.

Ваҳимали қоялар яна ҳам баландга виқор билан бўй чўзган, оёқ остида эса даҳшатли жарлик ястаниб ётарди. Овчилар энсизгина сўқмоқ бўйлаб эҳтиёткорлик билан ўта бошлашди. Оёқлари остидан сирпаниб чиққан тошлар жарликка ўқдай учиб, кўздан ғойиб бўларди. Ахири улар тош кўчиш натижасида пайдо бўлган кичик майдончага етиб келишди. Тикка қоя бўйлаб

⁶ Н а н – болам (абхаз аёллари ўзларидан ёш эркакларга шундай мурожаат этадилар).

- Камень чист, - сказал Шарах, глядя вперед. - Значит, косули еще не приходили.

- Ты прав, - откликнулся Кязым. - Но они скоро здесь будут, мы опередили их.

- Они выйдут из лесу, - сказал Шарах и вновь посмотрел вверх.

Но впереди, кроме стройных высокогорных елей, казавшихся издалека синими, ничего не было видно. Шарах поднял глаза - над тропею кое-где среди неглубоких трещин скалы угадывались легкие выступы. Шарах бросил взгляд вниз - там, в далекой глубине, лежала голубоватая дымка да яростно пенился омывающий скалу Коначхир горный поток Кодор. Площадка висела над глубокой пропастью.

"На этом самом месте погиб Шоуа Маф, - вспомнил Шарах. - Он карабкался за косулей по этой тропинке и сорвался. Даже костей его не нашли".

Братья наклонились над пропастью. Ветер рвал их башлыки и подолы архалуков.

- Тише! - насторожился Кязым.

Сквозь посвист ветра и шуршание ящериц до него донесся легкий топот. Он приложил ухо к земле.

- Идут! - прошептал он, указывая в сторону леса.

Охотники залегли за ближайшей скалой. Пронеслось несколько мгновений томительного ожидания. Кому из охотников не знакомо это чувство?! Кровь кипит, но рассудок и воля укрощают дрожь твоей руки. Чем крепче держишься, тем вернее добыча...

Ўтган тор сўқмоқ йўл бу майдончани кийикларнинг севимли манзилгоҳи - тоғ ёнбағридаги ўрмон билан туташтириб турарди.

- Излар кўринмайди, - деди Шарах ён-верисини кўздан кечириб. - Демак, кийиклар ҳали келишмабди.

- Шунга ўхшайди, - деди Козим. - Аммо улар тез орада келиб қолишади.

- Ўрмондан чиқишса керак, - деди Шарах ва яна бир бор ўша томон кўз ташлади.

Аммо у ерда кўм-кўк баланд тоғ арчаларидан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Олдинда сўқмоқ йўл узра қиррадор тошлар элас-элас кўзга ташланар, оёқ остида эса тикка Қоначхир қояси этагини ювганича Кадар дарёсининг оппоқ булутни эслатувчи шовқинли сувлари важоҳат билан оқарди. Овчилар турган майдонча даҳшатли жарлик устида осилиб турарди.

"Худди шу ерда Шоуа Маф ҳалок бўлган эди, - хаёлидан ўтказди Шарах. - У кийик ортидан қувиб, худди шу тор сўқмоқдан жарга қулаб тушган, шу билан ном-нишонсиз кетганди".

Ака-ука энкайганича жарга тикилдилар.

- Жим! - хушёр тортди Козим.

Шамолнинг гувиллашию калтакесак-ларнинг шитирлаши билан бирга кийикларнинг аста юриб келаётгани эшитилгандай бўлди. Козим қулоғини ерга бериб, бир дақиқа жим қолди.

- Келишяпти, - шивирлади у ўрмон томонга имо қилиб.

Овчилар қоятош ортига бекинишди. Бир неча дақиқага

Легкий топот козых копытцев слышался совсем рядом, а затем пять косуль, одна красивее другой, выбежали на площадку. Коричневые, с белой линией вдоль спины, они отчетливо выделялись на фоне чистого неба.

Косули сгруппировались на краю площадки.

Шарах, который лежал ближе к ним, хорошо видел, как одна из косуль стала к нему боком, словно испытывая его выдержку. Но он помнил непреложный закон охоты - первый выстрел принадлежит старшему.

Первым и выстрелил Кязым в ту самую косулю, которую наметил себе Шарах. Косуля подпрыгнула и исчезла за краем пропасти. Тотчас выстрелил и Шарах; но выбирать цель теперь было некогда; испугнутые выстрелом Кязыма, косули шарахнулись назад, в сторону леса. Поэтому выстрел Шараха был неудачен, как и выстрел старшего брата. Вторая подбитая косуля пробежала по самому краю обрыва и также исчезла. Шарах мгновенно нагнулся к краю пропасти и увидел, как обе косули, кувыркаясь в воздухе и ударяясь о выступы скал, падали вниз. Они быстро уменьшались и исчезли в горном потоке Кодора, над которым уже носились клочья вечернего тумана.

Шарах оглянулся. Кязым гнался за убежавшими косулями по карнизу в сторону леса. Не пробежав и половины пути, косули кинулись вверх по крутому склону, цепляясь за его выступы так, как это умеют делать, только горные козы. Кязым

орага оғир сукунат чўкди. Ов олдидан бўладиган бундай бир лахзалик сукунат қайси овчининг юрагида ҳаяжон уйғотмаган дейсиз?! Шундай вақтда томирдаги қон қайнаб, юракнинг зарби мияда акс-садо беради, овчи ўзини ортиқча ҳаракатдан аранг тияди...

Шу лаҳза майдончада бир-биридан кўркам беш нафар кийик пайдо бўлди. Улар офтобда товланаётган жигарранг терилари билан елкаларидаги оқ доғларини осмонга кўз-кўз қилишаёт-гандай эди.

Бир пайт кийиклар майдоннинг бир четида ғуж бўлиб йиғилиб олишди.

У ерга яқинроқ бўлган Шарах ўқ узиб юборишдан ўзини аранг тийди. Чунки абхаз одатига кўри биринчи ўқни ёши катта одам отиши кераклигини у яхши биларди.

Козим ўзининг биринчи ўқини укаси Шарах мўлжалга олиб турган кийикка қараб отди. Кийик бир сакрадию жар ёқасидан ғойиб бўлди. Шарах отган ўқ ҳам мўлжалга тегмади – кийиклар ўзларини ўрмонга уришди.

Козим ўзи уролмаган кийик ортидан чопиб кетди. Бир оздан кейин кийиклар тўғри йўл қолиб, ёввойи эчкилар сингари тикка қояга қараб чопишди. Козим ҳам уларнинг изидан югарди. Бошқалардан орқада қола бошлаган кийикка етай деганида, Шарах куннинг ботиб, тоғларга хос зимистон кечанинг яқинлашиб келаётганини пайкаб: - Козим, орқага қайт, кеч тушаяпти! – дея огоҳлантирди.

не отставал, и Шарах был готов поверить, что брат загонит одну из косуль. Она отбилась от стада и теперь металась от одной отвесной Щели к другой, стараясь избавиться от своего преследователя. Шарах с возрастающим азартом следил за нею. И вдруг он заметил, что видимость резко ухудшилась, что стремительно набегаёт горная ночь.

- Кязым, вернись! - крикнул он.

Брат, не оглядываясь, продолжал карабкаться вслед за косулей.

- Вернись, Кязым! - крикнул вновь Шарах. — Пора спускаться!

Ответа не последовало.

Но до слуха Шараха долетел голос брата:

- Проклятая косуля, скрылась, как шайтан, в расщелине.

Голос доносился издалека, и Шарах с трудом разглядел темное пятно, еле видимое в сгустившихся сумерках. И тут все скрылось с глаз — поднявшийся туман сразу окутал скалу непроницаемым покрывалом. - Не торопись, Кязым! - кричал теперь Шарах. - Подожди, пока рассеется туман. Не оступись в темноте.

Осторожно вдоль скалы он пробирался поближе к тому месту, где последний раз видел брата. Мелкие камешки, по временам сыпавшиеся сверху, остановили его. Он догадался, что Кязым, нащупывая путь, ползет вниз. Вскоре падение камешков прекратилось... Туман стал как будто рассеиваться, над головой проступили звезды. Но глаза по-прежнему не различали ничего - кругом стояла горная ночь.

- Кязым, а Кязым! Видишь ли ты

Аммо акаси унинг сўзларига эътибор бермай кийикни кувишда давом этди.

- Қайт, Козим! — яна қичқирди Шарах. — Уйга қайтиш вақти бўлди.

Яна жавоб бўлмади.

Лекин узоқдан акасининг:

- Лаънати кийик, шайтонга ўхшайди, кўздан ғойиб бўлди, - деган сўзлари қулоғига чалинди.

Товуш узоқдан келар, Шарах йироқдаги кўланкани базўр кўраётган эди. Бир оздан сўнг у ҳам кўздан ғойиб бўлди — кўтарилган туман бир лаҳзада қоялар узра ўзининг сирли чойшабини тўшади.

- Шошмайтур, Козим! — товушининг борича қичқирди Шарах. — Туман тарқашини кут. Йўқса, тойиб кетиш ҳеч гап эмас.

У қоя узра акасининг шарпаси охирги марта кўринган жой томон аста-секин юра бошлади. Тепадан майда тошлар тушаётганини сезиб тўхтади. Козим тимирскиланиб тушаётганди. Лекин бир оздан сўнг у ҳам тўхтади... Туман тарқала бошлади чоғи, бошлари узра юлдузлар кўринди. Аммо кўзларининг олди ҳамон қоронғу, ҳеч нарсани кўриб бўлмасди.

- Козим, ҳой Козим! Оёқ қўйишга жой борми? — деб қичқирди Шарах.

- Ҳеч нарса кўринмаяпти...- деган жавоб келди.

- Энди нима қилдик?

Жавоб бўлмади.

- Қандай қилиб пастга тушасан? — яна ҳам баландроқ товушда қичқирди Шарах.

- Билмадим.

Шарахнинг юрагига кўрқув

выступы? — кричал Шарах, припадая к скале.

- Ничего не вижу... — глухо донеслось сверху.

- Как же сойдешь теперь? Ответа не последовало.

- Как спустишься вниз? - громче повторил Шарах. Сверху упали слова — еще глуше и отдаленнее:

- Не знаю.

Сердце Шараха сжалось в тревоге за брата.

- А крепко ли ты держишься? - крикнул он, и голос его дрогнул.

Опять долгое молчание. Шарах подумал было, что слова его унесло ветром. Но вот сверху послышался голос Кязыма:

- Под ногой небольшой выступ... Только для одной ноги... другая в воздухе...

Слова долетали медленно, отрывисто. Казалось, они отделены одно от другого бездонной пропастью.

- Ну, а руки? — спрашивал Шарах. - Крепко ли держишься руками?

- Держусь пальцами одной руки...

И Шарах как бы почувствовал в эту минуту прерывистое дыхание брата, его тяжкие усилия...

- Кязым! - крикнул он умоляюще. - Сумеешь ли продержаться до утра?

- Не знаю... хватит ли сил...

- Надо найти силы, иначе...

Шарах не договорил.

- Постараюсь, - еле-еле расслышал он. - Спой мне песню... Мою любимую...

Шарах понял брата с полуслова. Кязым хотел, чтобы в эти часы,

оралади.

- Маҳкам турибсанми? — кичкирди у. Бу товушда кўрқув ва ҳаяжон якқол сезилиб турарди.

Орага яна узоқ жимлик чўкди. Шарах сўзларини шамол учуриб кетди деган хаёлга келган ҳам эдики, тепадан Козимнинг товуши келди:

- Оёғим остида кичик бир дўнглик... фақат битта оёқни қўйиш мумкин... иккинчиси осилиб турибди.

Сўзлар узуқ-юлуқ ҳолда етиб келарди. Уларни ҳам бир-биридан тубсиз жар ажратиб тургандай.

- Қўлларинг-чи? — сўради Шарах. — Маҳкам ушлаб турибсанми?

- Фақат бир қўл билан ...

Шу лаҳзада Шарах акасининг оғир нафасини ҳис қилгандай бўлди.

- Козим, - деб сўради у. — Эрталабгача туриб берасанми?

- Билмадим ... кучим етармикин..

- Куч топиш керак, акс ҳолда ...

Шарах гапини тугатиш учун ўзида куч топмади — кўзининг олди хиралашди.

- Ҳаракат қиламан, - деди акаси. — Фақат қўшиқ айтиб бергин ... Менинг севимли қўшиғимни ...

Шарах уни тушунди. Козим ҳаёти қил устида турган бир вақтда кўнгли ўзининг севимли ашуласи — омадли овчи Ўзбакя ҳақидаги қўшиқни тусаган эди. Қўшиқда айтилишича, кунлардан бир кун омад овчидан юз ўгиради. Унинг ўқидан яраланган ўн олти шохли буғу қоядан йиқила туриб, ўлимни ҳаёлига ҳам келтиришга улгурмаган

когда жизнь его висит на волоске, зазвучала песня о славном охотнике Озбакье, которому всегда сопутствовала удача. Но однажды он подстрелил шестнад-цатирогого оленя, и тот, катясь с кручи, упал на Озбакья и увлек его с собой в пропасть. В пылу охоты Озбакья даже не успел и подумать о смерти.

Этой песней Кязым хотел, видимо, поддержать в себе дух отваги. Шарах запел и скоро услышал, как брат подпевает ему наверху.

В то время, когда братья пели, гору Коначхир облетала ночная птица, которая видит в темноте. Услышав голоса охотников, она на мгновение застыла на месте и увидела все, как было: на смертельной высоте над пропастью прижались к скале два человека. Один стоит на узком карнизе, другой висит над ним, обнимая скользкий камень. Оба поют - младший, подняв кверху тревожный взгляд, старший - прижавшись щекой к скале, словно ласкаясь к ней. Черный ветер играет концами их башлыков, полами архалуков и уносит песню вдаль.

Долго пел Шарах, пока не заметил, что Кязым замолк. Тогда Шарах запел песню героев.

И снова подтянул Кязым, и еще раньше, чем прежде, смолк. Понял тогда Шарах, что брата охватывает усталость, что сердце его просит отдыха, а это теперь - хуже всего.

- Кязым, не спеть ли нам еще песню? - крикнул он, но не услышал ответа.

Долго стоял Шарах и ждал, прислушиваясь. Наконец сверху

овчи йигитни ўзи билан бирга тубсиз жарга тортиб кетади.

Бу кўшиқ билан Козим ўз руҳини кўтармоқчи эди. Шарах кўшиқни айта бошлаши билан акаси унга жўр бўлди.

Ака-укалар кўшиқ айтар эканлар, Қоначхир тоғи устидан тун куши учиб ўтди. Овчиларнинг товушини эшитган куш бир лаҳза тўхтаб, ғаройиб манзаранинг гувоҳи бўлди: тубсиз жарлик узра қад кўтарган тоғнинг энг баланд ерида икки киши бағрини қояга бериб ётарди. Бири қоя туртиб чиққан энсизгина ёлғизоёқ сўқмоқда турар, иккинчиси эса худди унинг тепасида тошни маҳкам ушлаганича осилиб қолган эди. Кичиги хавотирли кўзларини тепага тикканича, каттаси эса қоя тошига бетини эркалангандек босиб, иккиси ҳам кўшиқ айтиш билан банд. Шамол кийимларини тортқилаб, кўшиқларини узоқ-узоқларга олиб кетарди.

Шарах кўшиқни узоқ айтди. Бир маҳал Козим жимиб қолган эди, Шарах қахрамонлар кўшиғини бошлаб юборди.

Козим унга яна жўр бўлди, аммо аввалгидан ҳам тезроқ жимиб қолди. Шу заҳоти Шарах акасининг вужудини кучли чарчоқ ва холсизлик чулғаб олганини сизди – бу ўлим билан баробар эди.

- Козим, яна бир кўшиқ айтмаймизми? – акасини чалғитмоқчи бўлди у, аммо жавоб бўлмади.

Шарахнинг бутун вужуди кулоққа айланиб, узоқ жавоб кутди. Охир-оқибатда тепадан мадорсиз, кўпроқ ингроқни эслатувчи товуш

послышался слабый голос, как бы стон:

- Шарах!.. Шарах... Если я погибну - береги мать... она стара... Ты один ей будешь опорой...

- Не сдавайся, Кязым! - прервал его младший брат. — Надо напрячь все силы и продержаться до рассвета. А на рассвете я срежу лозу и спущу ее тебе сверху.

- Да, если бы выдержать... Уже онемели пальцы, и я даже не в силах сменить ногу...

- Продержись как-нибудь!.. Вот показалась утренняя звезда! Мужайся, Кязым!

В это время ночная птица второй раз облетела гору Коначхир. Полет этой птицы не слышен, она всегда появляется там, где грозит смерть, и криком своим предостерегает о ней все живое. Облетая гору первый раз, она бросила братьям свой печальный крик, но тогда они заглушили его песней. Теперь в голосе птицы слышалось последнее предостережение.

Но недолго мог Шарах раздумывать о ночной птице. До него снова донесся голос Кязыма — на этот раз он прозвучал как предсмертный вопль:

- Все, Шарах, все кончено!.. Не могу больше... Я держусь на двух пальцах... Все усилия бесполезны... Стоит ли цепляться за жизнь, которой мне уже не видать?..

Кто может объяснить, что тут произошло с Шарахом? Чужая душа, говорят, потемки, и даже душу брата может окутать тьма, в которой ничего не прочтешь.

Шарах откликнулся во весь свой звонкий голос, и смысл его слов

келди:

- Шарах! Шарах ... Агар мен ҳалок бўлсам, онамизни эҳтиёт қил ... анча мункайиб қолган ... Энди ёлғиз сен уларга суянчиқ бўласан...

- Козим, сен бўш келмаслигинг керак, - гапни бўлди укаси. — Ҳамма куч ва иродани тўплаб, албатта, эшитяпсанми, албатта, тонггача чидашинг керак. Тонг отиши билан мен дарахт кесиб келиб, сенга узатаман.

- Эҳ, қанийди... Қўлларим қотиб қолди, ҳатто оёқларимни ҳам алмаштиришга мажолим йўқ.

- Чидаш керак!.. Ана тонг юлдузи ҳам кўринди. Бардам бўл, Козим!

Шу вақтда тун куши иккинчи бор Қоначхир тоғи устидан учиб ўтди, Бу ўлим даракчиси бўлажак мудҳиш фожа ҳақида атрофга хабар бераётгандек эди. Биринчи марта уни ака-уканинг қўшиғи босиб кетганди. Энди эса унинг товушида охирги огоҳлантириш оҳанглари яққол сезилиб турарди.

Шарахнинг тунги куш ҳақидаги ўйларини Козимнинг товуши бўлди:

- Тамом, Шарах, ҳаммаси тугади... Бошқа кучим қолмади. Икки бармоғимда осилиб турибман... Энди фойдаси йўқ...

Шунда Шарах бирдан ўзгарди. Бунинг сабабини ким билсин дейсиз. Ўзганинг кўнглидагини уқиш қийин. Нима бўлганда ҳам, Шарах ўзгарди-қолди.

- Шу гап ростми? — хитоб билан қичқирди у. — Худога минг қатла шукур. Демак, сен жарга қулаб тушасану суяқларингни ҳам топа олишмайди! Жуда соз. Энди бахтимга эришадиган бўлдим.

был столь неожидан, как если бы человека подменили.

- Я не ослышался? - кричал он. - Все кончено? Ты сейчас упадешь? Верно ли это? Ну, наконец-то! Как я рад!..

Ветер утих, и Кязым слышал даже стук приплясывавших ног Шараха.

- Значит, ты сорвешься и погибнешь, как Озбакъ, и даже костей твоих не найдут?.. Вот хорошо, наконец-то я дождался своего счастья!..

Шарах кричал так громко и так торопливо сыпал слова, что Кязым с трудом перекричал его:

- Эй, постой, что ты там мелешь? С ума, что ли, сошел? Чему ты радуешься?..

- Чему радуюсь? Твоей гибели! Я радуюсь ей, потому что она принесет мне счастье. Я ждал и не смел надеяться, все ободрял тебя. Но теперь, когда ты сам говоришь, что не сможешь удержаться, теперь мне нечего скрывать мою радость. Ты погибнешь, а Хабиба достанется мне! Да, она будет моей, Кязым, моей!..

- Что?! - взревел Кязым. - Повтори, что ты сказал!.. Может быть, я ослышался...

- Нет, ты не ослышался. Твоя невеста Хабиба будет моей женой. Ты стоял между нами, ты нам мешал. Ты старший брат, я должен был таить свое горе. И вот наконец сбываются мои надежды...

- Замолчи!.. — прервал его Кязым. - Ты заговариваешься, ты, я вижу, потерял от страха рассудок...

Братья ругались до рассвета. Рассеивался туман, и все явственнее

- Хой, тўхта, бу нима деганинг? Ақлдан оздингми? Нимага хурсанд бўлаяпсан?

- Нимага дейсанми? Сенинг ўлимингга! Энди умидим рўёбга чиқадиган бўлди. Ўзинг кучим қолмади дединг-ку, демак, яширишга ҳожат йўқ. Сен ҳалок бўлсанг, Ҳабиба меники бўлади, ҳа, меники!..

- Нима?! — қичқириб юборди Козим. Унинг товуши йўлбарснинг хайқириғини эслатарди. — Нима дединг? Қани қайтар-чи! Гапингни янглиш эшитганга ўхшайман.

- Йўқ, ҳаммасини тўғри тушундинг. Қаллиғинг Ҳабиба менинг хотиним бўлади. Сен доимо орамизда ғов бўлиб турардинг. Катта бўлганинг сабабли муҳаббатимни яширишимга тўғри келарди. Мана энди умидларим рўёбга чиқадиган бўлди...

- Жим бўл! — хайқириб юборди Козим. — Бир кечада ақлдан оздингми?

Шу тариқа ака-ука тонгга қадар сўкишиб чиқишда. Туман тарқаб, тоғдаги сўқмоқлар кўрина бошлагач, Козим укасининг:

- Ушла, Козим, - деган овозини эшитди.

Бошини кўтариб, Шарахни кўрди: укаси сўқмоқ йўлдан юқорига кўтарилиб, хавфсиз ерда туриб, бир учи катта тошга боғланган узун новдани акасига узатарди.

Козим новдани итариб юбориб, бошқа йўл қидира бошлади. Аммо бошқа йўл йўқ эди.

- Ушла, Козим, - қайтарди Шарах.

Иккинчи марта ҳам рад жавоби

выступали контуры гор, выступы и тропы на серой скале. А затем Кязым услышал голос над собой:

- Держи, Кязым!

Он поднял глаза и увидел Шараха - тот протягивал ему лозу, другой конец которой был привязан к большому камню.

Кязым оттолкнул лозу и стал высматривать, как бы ему выбраться. Но выхода не было.

- Держи, Кязым, - повторил Шарах.

И второй раз оттолкнул старший брат лозу. И лишь когда третий раз Шарах подал лозу, Кязым ухватился за нее и выбрался на тропу.

Встретились братья лицом к лицу.

- Кязым, я думаю, ты понял меня по-настоящему, - сказал Шарах. - Я видел, что ты слабеешь... Вспомнил поговорку Адзин Хаджарата. И я решил обозлить тебя...

Но не понял Кязым брата.

- Бессовестный ты! - закричал он. - Молчи! И слышать тебя не хочу!

- Хорошо, хорошо, я молчу, - безропотно сказал Шарах и умолк.

Кязым стал спускаться по тропинке вниз. Шарах шел за ним следом, как подобает младшему брату. Кязым остановился, снял чувяк, чтобы вытряхнуть из него камешки. Шарах прошел вперед. Вот он увидел свое селение, дымок над родным домом и большую чинару, под которой они с братом играли когда-то. Первые лучи солнца упали на его лицо, и он с улыбкой обернулся к брату.

Заметив его улыбку, Кязым вспомнил прошедшую ночь. Гнев

бўлди. Шарах учинчи бор новдани узатганидагина Козим унга тирмашиб, юқорига чиқиб олди.

Ака-ука юзма-юз келганида Шарах акасига шундай деди:

- Козим, гапларимни тўғри тушунган-дирсан. Мадордан қолаётганингни кўриб, Адзин Хожарат айтган сўзлар ёдимга тушди. Жаҳлингни чиқариш кераклигини тушундим...

Аммо Козим укасининг гапларига кулоқ солмади – унинг назарида иззат-нафси қаттиқ ҳақоратланган эди.

- Инсофинг йўқ экан, - деди у. – Жим бўл! Гапларингни тушунишни ҳам истамайман. Тушингни сувга айт.

- Яхши, яхши, жим бўлдим, - оғир тин олди Шарах.

Козим сўқмоқ бўйлаб пастга туша бошлади. Шарах унинг ортидан эргашиди. Козим тўхтаб, оёғига ботаётган майда тошларни олиб ташлаш учун чориғини ечишга тутинди. Шарах олдинга ўтиб, йўлида давом этди. У пастда ястаниб ётган қишлоғини, кадрдон уйи узра кўтарилаётган тутунни, ховлисидаги катта чинор дарахтини кўрди. Шу чинор остида ёшлик чоғларида ака-ука ўйин билан ўтказган вақтлари кўз олдига келди. Қуёшнинг илк нурлари кўзларини қамаштириб, дилини яйратди. Шарах қайрилиб, акасига қаради.

Козим унинг чехрасидаги қувончни ўзича йўйиб, кечаси рўй берган воқеани эслади. Қаҳр ва ғазабдан бўғилаёзди... бир дақиқада милтиғини ўқлаб, укасига тўғирлади... Тутун тарқалгач, Шарахнинг юрагини чангал-

душил его. И он вскинул ружье... Когда рассвелся дым, он увидел только, как Шарах схватился за сердце и скатился в пропасть.

"Все обман, — думал Кязым, идя домой. - Хабиба клялась и обманула. Был брат, и нет его. И сам я легко мог погибнуть. Такова жизнь".

Будто перед чужим местом остановился он у своего дома.

- Нан Кязым, почему ты стоишь там и не входишь в дом? - спросила его старая мать.

Дрогнув Кязым и вошел в дом тяжелым шагом.

- Где Шарах? Разве он не с тобой был? - спросила мать.

Молчал Кязым. Мать закружилась вокруг него, и каждое ее слово терзало потемневшее сердце Кязыма.

- Он разбился? Упал? Говори!

- Он - махагья! *(нечестивец)* Я сделал с ним то, что делают с махагья.

Упала старая мать на скамейку под чинарой и в кровь исцарапала свое лицо.

Во двор сбежались соседи. Пришла и Хабиба. Кязым поведал все, как было.

- Я не знаю, почему так сказал тебе Шарах, - молвила Хабиба, - но вижу теперь, что ты плохо обо мне думал. Не бывать нашей свадьбе! - И она ушла.

Мать задыхалась от гнева:

- Ты сам махагья! Ты - братоубийца! Уходи прочь!

У нее потемнело в глазах, и она упала.

Кязым увидел в толпе старика Адзин Хаджарата. И тут в его

лаганича жарга кулаётганини кўрди.

"Ҳаёт бўхтондан иборат, - деб ўйлади Козим уйи томон йўл олар экан. — Ҳабиба севаман дерди — алдади. Укам бор эди, энди йўқ, Ўзим ҳам нобуд бўлишимга оз қолди. Ҳаёт деганлари шу экан".

Уй остонасини ҳатлаб ўтишга Козимнинг юраги дов бермади.

Козим, нега уйга кирмай туриб қолдинг? — деди уни кўрган онаси.

Бу сўзлардан Козим сесканиб кетди. Оғир қадамлар билан у уйга кирди.

- Шарах қани? Бирга эмасмидинглар? — сўради она.

Козим бошини қуйи солганича жим туриб қолди. Онанинг ҳар бир сўзи юрагини ханжардек тиларди.

- Унга нима бўлди? Нобуд бўлдимиз? Гапирсанг-чи!

- У хароми кўрнамак экан. Мен уни ўлдирдим.

Она юзларини тимдалаб фарёд чекди. Унинг овозига қўни-қўшнилари йиғилишди. Ҳабиба ҳам келди.

Козим кечаси бўлиб ўтган воқеани рўй-рост гапириб берди.

- Шарах нима сабабдан бундай деганини билмайман-ку, - деди Ҳабиба шашт билан, - аммо мен ҳақимда ёмон фикрда экансан. Энди тўйимиз бўлмайди!

У шундай деди-ю ҳовлидан югуриб чиқиб кетди.

- Сен ўзинг хароми кўрнамаксан! Қотил! Йўқол бу ердан! — деди ғазабдан бўғилган она. Унинг кўз олди қоронғилашиб, хушидан айрилди.

Шунда Козимнинг кўзи тумонат ичида турган Адзин Хожаратга тушди. Унинг эсига Шарахнинг

памяти ожили последние слова Шараха, и он подумал: "Почему брат упомянул имя этого старика?"

И словно в ответ на этот вопрос выступил вперед старик Адзин Хаджарат и сказал: - Бедная Ханжаж! Большое несчастье тебя постигло. - И, обращаясь ко всем, повторил часто произносимую им поговорку: - "От большого горя человек лишается сил, а от большой злобы силы его удваиваются".

И от этих слов будто что-то зажглось в голове Кязыма. Только теперь понял он настоящую и страшную правду. Кязым поднялся и побрел со двора. Никто не проводил его.

Он ушел в горы, к тому самому месту, где убил Шараха.

Пастухи пасли неподалеку овец. Они слышали выстрел. Что-то тяжело свалилось в пропасть. Они подошли и увидели внизу мертвое тело Кязыма. Из ствола его ружья еще полз дым.

охирги сўзлари келиб, “Укам нима учун унинг номини эсга олди экан?” – деб ўйлади.

Шу заҳоти мўйсафид Адзин Хожарат одамлар орасидан ажраб чиқиб, шундай деди:

- Бечора Ханжаж! Шўринг қуриб қолибди. – Кейин ҳаммага юзланиб, Шарах назарда тутган мақолни қайтарди: “Қатта қайғу одамни кучдан қолдирса, ғазаб унга тенгсиз куч бахш этади”.

Бу сўзлардан Козим сесканиб кетди. Ҳақиқатни у эндигина тушуниб етганди. Козим ўрнидан туриб, ҳовлидан чиқиб кетаётганида уни ҳеч ким кузатиб қолмади.

Шу кетганича у тоққа, Шараж ҳалок бўлган жойга борди...

Шу атрофда эчки боқиб юрган чўпонлар ўқ овозини эшитиб, тепадан нимадир қулаганини кўришди. Югуриб келишганида Козим жонсиз ётар, ёнидаги милтиқ эса ҳали совиб улгурмаганди...

Назорат учун саволлар:

1. Бадиий матннинг асосий белгилари нимадан иборат?
2. Келтирилган таржимадаги аслият матни билан таржима матнини солиштиринг.
3. Аслият ва таржима матнидаги фразеологик бирликларни аниқланг ва уларга муносабат билдилинг. Уларнинг ўзаро фарқли жиҳатларини изоҳланг.
4. Бадиий матн таржимасида “эркин ёндашув” заруратига нисбатан муносабат билдилинг. Русчадан ўзбекчага матн таржимасида юзага келадиган синтактик муаммолар хусусида ўз муносабатингизни билдилинг.
5. Аслият матнидаги мақол ва маталларни таржима матнидаги муқобиллари билан солиштиринг, бу хусусда изоҳ беринг. Мақол ва маталларнинг асар ғоясини очиб беришдаги ўрнини тушунтиринг

("От большого горя человек лишается сил, а от большой злобы силы его удваиваются" – "Катта қайғу одамни кучдан қолдирса, ғазаб унга тенгсиз куч бахш этади").

6. Лингвомаданий қатламнинг бир тилдан иккинчи тилга кўчиши ходисасини мазкур матн мисолида тушунтиринг.

7. Таржима жараёнида таржимон шахсиятининг ўрни масаласини берилган матн мисолида шарҳланг.

8. Матнни бевосита аслиятдан ёки воситачи – ўзбек тилидан ўрганилаётган шарқ тилига таржима қилинг.

Адабиётлар:

1. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1978.

2. Очилов Э.З. Таржимашунослик терминлари изоҳли луғати. – Тошкент: 2014.

3. Қосимова З. Русчадан ўзбекчага адекват таржима қилиш хусусида // Бадий таржиманинг актуал масалалари (Мақолалар тўплами). – Тошкент: "Фан", 1977. 208–220-бетлар.

4. "Таржима санъати" тўпламлари. 1-6-китоблар. – Тошкент, 1961–1985.

4- мавзу. ТАРЖИМАДА ШАКЛ ВА МАЗМУН БИРЛИГИНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ

Режа:

1. Шакл ва мазмун ҳақида тушунча.
2. Таржимада шакл ва мазмунни қайта яратиш.
3. Мазмуний мослик ва шаклий номувофиқлик муаммоси.
4. Бадий таржимада шакл ва мазмун тенглигини таъминлаш.

Мазмун бадий асарнинг моҳиятини ифодаласа, шакл шу моҳиятнинг намоён бўлиши, яъни ифодаланиш усулидир. Мазмунсиз шакл, шаклсиз мазмун бўлмайди. Албатта, мазмун бирламчи, лекин у шаклсиз рўёбга чиқолмайди, шакл мазмуннинг ифодаланишидир.

"Бадий асарнинг мазмуни унда акс этган ҳаёт фактларидан иборат бўлади, унда ёзувчининг ғоявий позицияси ифодаланади. Асар мавзуси ҳам унинг мазмунидан келиб чиқади. Ёзувчи ҳаёт

материалини ўз дунёқарашига, ўз манфаатларига мувофиқ танлагани учун унинг шу ҳаёт воқеа-ҳодисаларига бўлган муносабати ва уларни тасвирлашдаги нуқтаи назари адабий асарнинг ғоявий мазмунини, яъни ёзувчининг бадиий умумлашмалар асосидаги етакчи фикрини, воқеликка берган ғоявий баҳосини белгилайди. Бу ғоявий мазмун ёзувчи танлаган ҳаётий воқеа ва лавҳалар тасвирида, асарда иштирок этадиган образлар хатти-ҳаракати, ўй-фикрлари, кечинмалари ва характерида мужассамлашади, шу тарзда мазмун шаклга эга бўлиб, ўз моҳиятини бутун тўлалиги билан намоён қилади”⁷.

Маълум бўладики, шакл ва мазмун бирлиги бадиийликнинг зарурий шарти, бадиий асар яхлитлиги, мукаммалигининг қатъий талабидир. Шунинг учун ҳам таниқли рус мунаққиди В.Г. Белинский: “Шакл мазмуннинг ифодаси бўлганидан, у мазмун билан шунчалик мустаҳкам боғланганки, шаклни мазмундан ажратиш – мазмуннинг ўзини йўқ қилиш демакдир ва, аксинча, мазмунни шаклдан ажратиш – шаклни йўқ қилиш демакдир”, – деган эди.

Шакл асар мазмунига мос бўлмаса, асарнинг ғояси бузилади. Масалан, ёзувчи ҳикояда айтиш мумкин бўлган фикрни романга айлантирса, у ўқувчини зериктиради ёки шеърий асар мазмуни насрда ифодаланса, унинг таъсир кучи сусаяди.

Шакл ва мазмун бирлигини сақлаш талаби турли тур ва жанрдаги асарлардан тортиб, жумла ва иборалар таржимасигача бирдай тааллуқли ҳисобланади. Айтайлик, С.Баруздиннинг “Само собой” (“Ойдек равшан”) қиссаси таржимасида “Катюше тридцать пять. Сходится, расходится” деган бешта сўздан иборат гап “Катюша ўттиз бешга кирди. Нуқул эрга тегиб, эрдан чиқиш билан овора” тарзида кенгайтирилиб таржима қилинар экан, мазмунни кенгайтириш ўрнига ихчам шакл бой берилган. “Чунки фикр ўз қолипи билан фикр. Қолип ўзгариши, фикрда ҳам озми-кўпми, ўзгариш юз бериши табиий”⁸.

Ҳар қандай бадиий асар шакл ва мазмуннинг ажралмас бирлигидан иборат экан, таржимада ҳам бу яхлитликни сақлаб қолиш талаб этилади. Ҳолбуки, кўпчилик таржимонлар асосий эътиборни мазмунни қайта яратишга қаратиб, шакл билан

⁷ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1983. 304-бет.

⁸ Олимов С. Илмий таржима мураккабликлари // Таржима санъати. 6-китоб. 110-бет.

ҳисоблашмайдилар. Натижада уларнинг таржималари мазмун жиҳатидан ҳар қанча аслиятга қойилмақом бўлмасин, шакл томонидан номувофиқ бўлади.

Тўғри, мазмун бирламчи – у ўзига мувофиқ шаклни тақозо қилганидан, шакл қайсидир даражада мазмунга тобе бўлади. Лекин бу шакл иккинчи даражали нарса дегани эмас. Мазмунни гўзал ва таъсирчан шаклда ифодалаш учун хизмат қиладиган вазн, қофия, радиф, бадий тасвир воситалари, композиция, муаллиф услуби, жумла қурилиши, сўз танлаш кабиларнинг барчаси шаклий воситаларга киради.

Қуйида абхаз ёзувчиси Михаил Лакербай қаламига мансуб бир ҳикоянинг рус тилидан таржимасини кўриб чиқамиз:

АРГУН СЕЙДЫК

Была темная осенняя ночь, и за стенами пацхи неумолчно барабанил дождь. Внезапно во дворе раздался яростный лай собак, и, перекрывая его, до Джарназа донесся крик:

- Эй, хозяин!

Эш Джарназ поспешил навстречу гостю и, к великой радости, узнал в нем своего старого закадычного друга.

- Это ты, Кучита? Вот обрадовал! Добро пожаловать! Заходи, заходи сюда! - суетился Джарназ. - Наконец-то ты вспомнил обо мне.

Он ввел друга в дом и познакомил со своей молоденькой женой.

- Принимай гостя! — сказал он жене. - Мы с ним друзья детства, вместе воспитывались у нашего учителя, уважаемого всеми Аргуна Сейдыка.

Женщина принялась готовить ужин, а друзья, уютно

АРГУН САЙДИҚ

Тим қоронғу куз оқшомлари-дан бирида ёмғир шаррос қуяр эди. Бехосдан ташқаридан кучукнинг вовуллагани ва кимнингдир:

- Ҳой, хўжайин! – деган товуши келди.

Эш Жарноз чақирилмаган меҳмонга пешвоз чиқди, ўзининг эски кадрдон дўстини таниб, уни кучоқ очиб кутиб олди.

- Кучита, сенмисан? Бошим осмонга етди. Хуш келибсан, дўстим! Киравер, киравер. Бизни эслайдиган кунинг ҳам бор экан-ку.

Уй соҳиби дўстини уйга бошлаб кириб, уни ёшгина хотинига таништирди.

- Меҳмонни кутиб ол, - деди у. – Ёшликдан бирга ўсган дўстим. У билан устоз Аргун Сайдиқ кўлида ҳам бирга таҳсил олганмиз.

Аёл овқатга унади, дўстлар эса қулайгина жойлашиб олиб, ёшлик йилларини, кекса Сайдиқ ўғитларини эслай кетишди.

устроившись, начали вспоминать свое детство, советы и наставления старого Сейдыка. Сладко им было поговорить о былом.

- А как живет Сейдык? - спросил Кучита. - Давно я его не видел, не меньше восьми лет.

- Нехорошо! - заметил Джарназ. - Совсем забросил старика. А он каждый раз спрашивает, все интересуется тобой. Я его часто навещаю.

- Ну, тебе ближе, - оправдывался Кучита. - А я ведь живу от него так далеко! Редко приходится приезжать в эти места. Да и теперь, если бы не важное дело...

- Если бы не это важное дело, ты бы и не вспомнил обо мне? — упрекнул друга Джарназ. - Что же это за дело? Кстати, как твоя женитьба на Назире?

- В том-то все и дело, Джарназ. Родители дали наконец согласие, а она сама, понимаешь, упрямится!

- Почему же? Раздумала, что ли?

- Нет. Но она требует от меня почти невозможного.

- Чего же?

- Джарназ, ты видел вороного коня Арыша Хабуга?

- Ну, конечно, видел. Ведь это лучший конь в нашей округе.

- Да, Джарназ. И надо было, чтоб на чьих-то поминках во время джигитовки Назира увидела этого коня. Чего только ей не наговорили о его достоинствах!

И с тех пор Назира вбила себе в

- Устоз яхши юрибдиларми? Саломатмилар? — сўради Кучита. — Кўрмаганимга ҳам саккиз йилдан ошди.

- Шу ишинг яхши эмас! — деди Жарноз. — Қарияни тамоман унутиб юбординг. У эса ҳар борганимда сени сўрайди. Олдига тез-тез бориб тураман.

- Албатта, сен шу ердасан-да, - ўзини оқлай бошлади Кучита. — Мен эса анча узоқда. Бу ерга келишим осон эмас. Мана бугун ҳам, зарур ишим бўлмаганида...

- Ўша зарур ишинг бўлмаганида мени йўқлаб келмасмидинг? — унинг сўзини бўлди Жарноз. — Бу қандай иш экан ўзи? Айтгандай, Назирага уйланмоқчи эдинг. Нима бўлди?

- Ҳамма гап шунда-да, дўстим Жарноз. Ота-онаси охири тўйимизга розилик берди, аммо ўзининг қайсар-лиги тутиб қолди.

- Нима учун? Фикридан қайтибдими?

- Йўқ. Аммо олдимга жуда қийин бир шартни қўйди.

- Қандай шарт экан?

- Жарноз, дўстим, сен қўшнинг Ариш Хобугнинг учқур отини кўрганмисан?

- Ҳа, кўрганман. Ахир у овулимизнинг энг сара отларидан саналади-ку.

- Ҳамма гап шунда-да, дўстим. Кимнингдир маърака-сида Назира ўша отни кўрган экан. Шундан бери унинг фикру ёди фақат унда: от меники бўлмагунча тўйимиз бўлмас эмиш.

- Шундай отнинг тизгинини сенинг қўлингда кўришни мен ҳам истардим, - деди ҳамдард оҳангда

голову только одно: не выйдет за меня замуж, пока конь не станет моим.

- Вот если б этот конь достался тебе, - сказал сочувственно Джарназ, - хотел бы я посмотреть, как ты гарцуешь на нем. Но ведь Хабуг его ни за что не уступит!

- Знаю, - подтвердил Кучита. - Чего я только не предлагал ему! Не берет. "Не продам, говорит, ни за что на свете". Так уж он гордится своим конем...

- И правильно гордится. В жизни не знал я чувства зависти, а Хабугу, поверишь, завидую. До чего хорош конь! Что и говорить!.. Ну, и что же ты решил? - спросил Джарназ.

- Увести коня! - твердо произнес Кучита.

- Хабуг лишится рассудка, - сказал Джарназ. - Он обрыщет весь белый свет и не успокоится, пока не найдет свое сокровище.

- У меня-то не найдет, - уверил Кучита. - Так упрячу, что сам черт не отыщет! Погарцую тайком - только перед Назирой. А потом я так изменю коня, что никто его не узнает: сделаю другое тавро, срежу роскошную гриву.

- Да, не такое уж это, в конце концов, невыполнимое дело, - согласился Джарназ. - Только раньше надо заполучить коня.

- Затем-то я к тебе и приехал, Джарназ, - сказал Кучита и, придвинувшись к другу, продолжал тоном заговорщика: - Вы соседи с Хабугом, ты, наверное, знаешь все ходы и выходы в его усадьбе. Проведи меня. Я сделаю все, что ты

Жарноз. - Аммо Хобуг уни пулга сотмайди, хеч нарасага алмашмайди-да.

- Биламан, - деди Кучита. - Харакат қилиб кўрдим. Ялиндим, ёлвордим. Бир талай пул ҳам ваъда қилдим. Хеч иш чиқмади. "Сотмайман", деб оёғини тираб туриб олди, қайсар. Гердайишини-чи!

- Гердаиганича ҳам бор-да. Умрим бино бўлиб бировга ҳавас қилган одам эмасман, аммо Хобугнинг отига, ишонасанми, ҳавасим келади, ажойиб тулпор! Нимасини айтасан!.. Хўш, энди нима қилмоқчисан? - сўради Жарноз.

- Олиб қочмоқчиман! - жавоб берди Кучита қатъий оҳангда.

- Хобуг эсини йўқотиб қўяди-ку, - деди Жарноз. - Шундай қилган тақдирингда ҳам у дунёни остин-устун қилса қиладики, аммо жавоҳирини топмай қўймайди.

- Менда тополмайди, - деди Кучита. - Уни шундай яшириб қўяманки, Азроил ҳам тополмайди! Фақат бир бор Назирага кўз-кўз қиламану ундан сўнг қиёфасини бутунлай ўзгартираман: эгар-жабдуғини алмаштираман, ёллари кесиб ташлайман.

- Ҳа, шундай қилса ҳам бўлади, - деди Жарноз. - Аммо энг аввал тулпорни қўлга киритишинг керак.

- Шу ишда сендан ёрдам сўраб келган эдим, - деди Кучита ва Жарноз томон сурилиб сўзида давом этди. - Хобуг билан қўшнисизлар, уйдаги ҳамма кириш-чиқиш йўллари яхши биласан. Мени ўша ерга бошлаб боргин. Ундан кейин нима

скажешь. Жизни не пожалею, а своего добьюсь!

Долго молчал Джарназ.

- Нет, придется идти мне самому, без тебя, - решил он. - В таком деле чем меньше людей, тем лучше. Хабуг надежно охраняет своего коня. Псы у него злые, никого ко двору не подпустят.

- Тебе видней, Джарназ. Я во всем тебе повинуюсь.

Ужин тем временем поспел, и друзья сели к столу. Они пили и ели, один за другим поднимали тосты за молодую хозяйку Асию, за упрямицу Назиру, за учителя, старика Сейдыка, за успех предстоящего дела.

После ужина Джарназ обратился к жене: - Постели постель, Асия! Устрой хорошо нашего дорогого гостя. Я уезжаю по неотложному делу, постараюсь вернуться к утру. А ты, - сказал он гостю, - ложись и отдыхай спокойно.

Джарназ плотно завернулся в бурку и, выйдя из пацхи, бесшумно скрылся в темноте.

Нелегким оказалось дело, затеянное Джарназом! Мы не станем сейчас рассказывать, с каким трудом в непогоду пробрался он незамеченным в село, где жил Арыш Хабуг, как обманул псов и проник в его двор и конюшню. Заметим лишь: если уж брался за что-нибудь Джарназ, то непременно доводил начатое до конца. Таков был у него характер. Это был смелый, ловкий и удачливый джигит.

Рассветало, когда Джарназ

истасанг, хаммасини бажо келтираман. Керак бўлса, жонимни ҳам аямайман.

Бу сўзларни эшитиб, Жарноз бир зум жим қолди.

- Йўқ, у ерга мен бир ўзим бораман, - деди у. - Бундай ишда одам қанча кам бўлса, шунча яхши. Хобуг тулпорини кўз қорачиғидай асрайди. Қопағон итлари бегона одамни ҳовлига йўлатмайди.

- Ўзинг биласан, Жарноз. Ихтиёр сенда..

Шу пайт уй соҳибаси дўстларни овқатга чорлади. Ноз-неъматга тўлган дастурхон узра уйнинг ёш бекаси соғлиғи учун, қайсар Назира, кекса Сайдиқ шарафига, бўлажак тадбир муваффақияти учун қадах сўзлари янгради.

Овқатдан сўнг Жарноз хотинига қарата шундай деди:

- Меҳмонга жой сол, Осиё! Дамини олсин. Мен эса зарур бир иш билан кетаяпман, эрталабгача қайтишга ҳаракат қиламан. Сен эса, - деди у меҳмонга юзланиб, - ётиб дамингни ол. Хотиринг жам бўлсин.

Шундай деб, Жарноз кийиндию эшикдан чиқиб, кеча қоронғусига сингиб кетди.

Жарноз бел боғлаган иш енгил кўчмади. Ҳозир у бошидан кечирган кийин-чиликлар ҳақида батафсил гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо шуни айтиш керакки, Ариш Хобуг ҳовлисига кириб олиш, қопағон итларни алдаб, огилхонага сездирмай ўтиш осон бўлмади. Умуман, Жарнознинг табиати шундай эди: бир киришган ишини охирига етказмаса қўймасди. Ботир, чакқон

вернулся домой.

Но едва он раскрыл двери и переступил порог пацхи, как его поразила неожиданная картина: на кровати, развалясь, храпел Кучита, а у окна в углу робко жалась Асия; длинные ее волосы были распущены, одежда разорвана... Обнажен-ные плечи Асии судорожно вздрагивали, по щекам катились слезы.

Сердце Джарназа мучительно жалось: он понял все, что произошло в эту долгую тяжелую ночь. Но он не проронил ни слова. Подошел к кровати и энергично толкнул гостя в плечо. Кучита открыл глаза - и обомлел от испуга.

- Вставай, Кучита! - услышал он недобрый голос Джарназа.

Кучита вскочил и начал торопливо одеваться. В комнате их было трое - и сколько бы мог сказать каждый из них! Но они молчали.

Джарназ протянул гостю его нагайку.

- Возьми, - холодно бросил он. - Конь Арыша Хабуга, оседланный, ждет тебя в хлеву. Там же и твой конь.

Терзаемый стыдом, взял Кучита протянутую нагайку и вышел из пацхи. Когда он выезжал уже со двора, Джарназ неожиданно крикнул:

- Стой, Кучита! - Он подошел к нему вплотную. - Я ничего не сделаю с тобой - ты мой гость. Только прошу об одном: поезжай к нашему старому учителю Аргуну Сейдыку и Расскажи ему все, что произошло в эту ночь.

ва омадли йигит эди.

Тонгга яқин Жарноз уйига қайтди. Кулбаси эшигини очиб, остонада донг қотганча туриб қолди, кўз олди қоронғулашди. Не кўз билан кўрсинки, тўшагида Кучита бамайлихотир хуррак тортиб ётар, ёш хотини Осий эса бир бурчакка тикилиб олиб дағ-дағ титрар, харир матодан тикил-ган ички кўйлаги йиртилган эди. Эрини кўриб, Осиё йиғидан кизариб кетган кўзларини юзи аралиш кўллари билан тўсиб, хўнграб юборди.

Жарноз аламдан инграб юборди: ўтган кеча бўлиб ўтган даҳшатли воқеа тафсилотлари унинг кўз олдида яққол гавдаланган эди. Аммо бирор сўз айтмай, тўшак ёнига келиб, меҳмоннинг елкасини шашт билан туртди. Кучита кўзини очиб, қўрқув-дан бақрайиб қолди.

- Тур, Кучита, - деди Жарноз ғазабнок оҳангда.

Кучита шошганча ўрнидан туриб, апил-тапил кийина бошлади. Хонада уч киши эди – ҳар бири қанча гапни айтиши мумкин эди. Аммо бир оғиз ҳам сўз айтилмади.

Жарноз меҳмонга кўлидаги қамчини узатди.

- Ма, ол, - ғазаб билан деди у. – Араш Хобугнинг тулпори эшик олдидаги устунга боғланган. Олгину жўна.

Кучита қамчини қўлига олди. Ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади. Ҳовлидан чиқиб кетаётганида Жарноз унинг ортидан шундай деди:

- Тўхта, Кучита! Сен менинг меҳмонимсан. Шунинг учун сенга зарар етказмайман. Аммо, ҳозир

Это единственное, о чем я тебя прошу. Исполнишь?

- Исполню, - глухо ответил Кучита.

И они расстались.

Вернувшись домой, Кучита укрыл в надежном месте коня Хабуга и снова отправился в путь: он ехал к старому Аргуну Сейдыку.

...Внимательно слушал учитель своего бывшего воспитанника. Трубка давно погасла в его руках. Он слушал и думал.

- Да-а, - наконец вымолвил он. - Правильно поступил Джарназ, послав тебя ко мне, - ко мне, тебя воспитавшему. В том, что ты оказался способным совершить подлый, бесчестный поступок, виноват не только ты. В этом прежде всего виноват я. Видно, не сумел воспитать из тебя благородного человека!

Кучита стоял опустив голову. Он еле держался на ногах.

- Да, правильно поступил Джарназ, послав тебя ко мне! - повторил старик, и расслабленный голос его окреп. - Это я, я виноват, и я должен ответить за твой подлый поступок!

И, достав пистолет, Аргун Сейдык решительно приставил дуло к своему виску.

Юноша бросился к учителю, но было уже поздно...

тўғри кекса Аргун Сайдиқнинг олдиға бораса. Борасану бугун кечаси бўлган воқеани унга айтиб берасан. Сендан сўнгги илтимосим шу. Бажарасанми?

- Бажараман, - деди Кучита.

Шу билан уларнинг йўллари икки томонга бурилиб кетди..

Кучита уйига қайтиб, Хобугнинг тулпорини ишончли жойга яшириб, яна йўлга равона бўлди. Бу сафар у кекса Аргун Сайиқ уйи томон йўл олган эди.

...Кекса устоз собиқ шогирдининг ҳикоясини кунт билан тинглади. Маъюс тинглади...

- Ҳа-а, - деди у ҳикоя тамом бўлгач. – Жарноз сени менинг олдимга жўнатиб тўғри қилибди. Сенга тарбия берган одамнинг олдиға юбориб тўғри қилибди. Бу қилми-шингда фақат сен эмас, балки мен ҳам айбдорман. Сенга тўғри тарбия беролмабман!

Кучита устози қошида бошини куйи эгганча туриб қолди. Оёқлари уни зўрға ушлаб турарди.

- Ҳа, Жарноз сени менга йўллаб тўғри қилибди! – дея сўзларини такрорлади кекса Сайдиқ. – Бунга биринчи галда мен айбдорман, жазосини ҳам ўзим тортишим керак.

Шундай деди-ю ёнидан тўппончани чиқариб, пешона-сига тиради.

Йигит устозини ушлаб қолиш ниятида унга талпинди, аммо кечиккан эди.

Назорат учун саволлар:

1. Аслият матни билан таржима матнини солиштиринг.
2. Аслият ва таржима матнидаги фразеологик бирликларни аниқланг ва уларга ўз муносабатингизни билдириг. Уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини изоҳланг.
3. Аслият ва таржима матнларида номларнинг берилишига эътибор беринг. Улардаги фарқларни шарҳланг (Аргун Сейдик – Арғун Сайдик, Жарназ – Жарноз, Арыш Хабуг – Ариш Хобуг, Асия - Осиё).
4. Лингвомаданий қатламнинг бир тилдан иккинчи тилга кўчиши ҳодисасини матн мисолида тушунтиринг.
5. Муаллиф услубига хос хусусиятларнинг таржима матнида сақланиб қолишини сабабини тушунтиринг.
6. Матнни бевосита аслиятдан ёки воситачи – ўзбек тилидан ўрганилаётган шарқ тилига таржима қилинг.

Адабиётлар:

1. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1983.
2. Мусаев Қ. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. – Тошкент, 1976.
3. Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари (Поэзия ва таржима) – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
4. Умаров Ҳ. Шакл ва мазмун бирлигини қайта тиклаш // Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1982. 54–37-бетлар.
5. Очилов Э. Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги. Номзодлик диссертациси. – Тошкент, 1994.
6. Очилов Э. “Маснавийи маънавий” таржимасида шакл ва мазмун бирлиги // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2010-йил, 6-сон, 29–37-бетлар.

5- мавзу. ТАРЖИМАДА МУАЛЛИФ УСЛУБИНИ АКС ЭТТИРИШ

Режа:

1. Услуб ҳақида умумий тушунча.
2. Индивидуал услуб ва таржима.

3. Муаллиф услуби ва таржима муаммолари.

4. Муаллиф услубига хос бўлган хусусиятларнинг таржима асарларда акс этиши.

Услуб – бадий таржиманинг ўзак масалаларидан бири ҳисобланади. “Бадий таржимада аниқликка эришиш фақат ёзувчининг индивидуал услубини акс эттириш орқали амалга ошади. Услубни беролмаган таржимон аниқликни даъво қила олмайди”⁹.

Услуб арабча сўз бўлиб, усул, тартиб, йўсин, шакл каби маъноларни билдиради. Адабиётшуносликда у ҳар бир ижодкорнинг ёзиш усули, баён тарзи, тасвир манераси мазмунида қўлланади.

Услуб тор ва кенг маъно доирасига эга. Тор маънода услуб умуман тасвирлаш, баён этиш, сўзлаш усули. Кенг маънода эса бирор-бир ижодкорнинг (А.Қодирий, А.Қахҳор), асарнинг (“Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз”), ёзувчилар гуруҳининг (жадидлар, маърифатпарварлар), адабиётнинг (Шарқ, Ғарб, ўзбек, рус), даврнинг (XV, XIX), оқимнинг (романтизм, реализм) услуби ва ҳоказо.

Ҳар бир ижодкорнинг ўз услуби бор экан, ўз-ўзидан, таржимада ҳам уни сақлаб қолиш керак бўлади. Акс ҳолда, инкубатордан чиққан жўжалардек, барча ёзувчилар таржимада бир хил бўлиб қолади. Ҳолбуки, буюк сўз санъаткорлари нафақат истеъдод даражасига кўра, балки услубан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бу тафовут таржимада ҳам ўз аксини топиши керак. Шунинг учун ҳам муаллиф услубини акс эттириш бадий таржиманинг муҳим муаммолари сирасига киради.

“Индивидуал услуб деганда бирон муаллифнинг муайян даврда яратган асарларида доим учраб турадиган ёки унинг бутун ижодига хос асосий услубий унсурлар мажмуаси тушунилади”¹⁰.

Кўпчилик услубни тилшунослик нуқтаи назаридан текширмоқчи бўлади. “Бироқ услубни фақат тил билан чегаралаб қўйиш услубшуносликда бирёқламаликка олиб келади. Ёзувчининг дунёқараши, бадий тафаккур йўсини, тасвирлаш маҳорати, луғат бойлиги, ҳаётга, воқеаларга эстетик

⁹ С а л о м о в Ғ., К о м и л о в Н. Дўстлик кўприклари (Поэзия ва таржима). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 113-бет.

¹⁰ С а л о м о в Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент, 1983. 66-бет.

муносабатини инобатга олмасдан услуб ҳақида гапириб бўлмайди”¹¹.

Бошқача айтганда, “услуб – бу кенг маънодаги ёзувчининг шахсидир. Унинг асарларидаги ҳар бир компонентни – тил, сюжет, композиция, шакл, ифода усули, деталь, образлар, табиат манзараларининг тасвирланиш йўсини, персонажлар нутқи, портрет чизиш усули, конфликт, муаллифнинг ғоявий позицияси, дунёқараши, тафаккур доираси, маҳорати, асарни қайта-қайта ишлаш жараёни ва ҳоказоларни қўшиб қарагандагина ёзувчининг индивидуал услуби табиатини аниқлаш мумкин. Бу жиҳатдан услуб бадиий-эстетик категориядир”¹².

Услуб бу – инсон дейдилар. Ҳар бир кишининг ўз феъл-атвори, юриш-туриши бўлганидек, ҳар бир қалам аҳлининг ҳам воқеликка ўз муносабати, инсонга ўз қараши, ўз адабий принциплари ва тасвирлаш усули мавжуд. Ким эпикликка мойил, ким лирикликка. Ким жиддий асарлар яратади, ким ҳажвий. Сўз танлаш, жумла қуришидан тортиб, тасвир усулигача фарқланади. Масалан, Лев Толстой бир-бир ярим саҳифага чўзиладиган гаплар тузади, манзаралар яратади – жумлалар ўзаро бир-бирига уланиб, “минди-минди” бўлиб кетади. А.Чехов ва А.Қаҳҳор эса жуда қисқа жумлалар тузишади – баъзида бир қаторга ҳам етмайди. Тоғай Муроднинг баъзи гаплари эса бор-йўғи бир сўздан иборат. Ҳатто бутун бир бобни баъзан биргина гапдан иборат қилиб тузади.

Аксинча, баъзи ёзувчилар ўти зерикарли ёзишади – ўта кетган “китобхўр” ўқувчи ҳам ичи қисилиб, китобни отиб юборади.

Абдулла Қодирий, Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст каби ёзувчилар ўта миллий ёзишади. Айтайлик, Қодирий халқ диди ва савиясини ҳисобга олиб, “Ўткан кунлар” романини атай романтик усулда ёзган. Ҳолбуки, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи реалистик усулда ёзилган. Демак, ёзувчи ўқувчини ҳам ҳисобга олади, чунки китоб ўқиш учун ёзилади.

Қуйида абхаз ёзувчиси Михаил Лакербай қаламига мансуб бир ҳикоянинг рус тилидан таржимасини кўриб чиқамиз:

¹¹ Ҳ а з р а т қ у л о в М. Услуб ва таржима ҳақида баъзи кузатишлар // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 4-китоб. – Тошкент, 1978. 266-бет.

¹² Ўша ерда. 267-бет.

У немолодых уже супругов Джегима и Аримсады Шлар долго не было детей. Немало печалились они по этому поводу. Но наконец родилась у них дочь, которую называли Анифой. Отец и мать лелеяли свою дочурку и не могли налюбоваться ею. И то сказать, была она очень красива. Девочку оберегали от малейших забот. Целыми днями она только танцевала и пела песенки, но делать что-нибудь в доме и не думала.

Когда Анифа подросла, родители с ужасом убедились, что их дочь ничего не умеет делать. Незаметно прошли годы и настало время подумать о ее замужестве. Но как Анифе выйти замуж? Все в округе знали, что дочь Джегима на редкость красива, но ничего не умеет делать в доме и, несомненно, будет никудышной хозяйкой. Никто из юношей даже не решался сделать ей предложение.

Родители судили-рядили как быть и все же отыскивали в дальней местности, в другом конце Абхазии, жениха для своей дочери. Быстро сыграли свадьбу и отослали дочь в семью мужа.

Но, выдав Анифу замуж, Джегим и Аримсада продол-

Эр-хотин Джегим ва Аримсаданинг ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, уларга фарзанд кўриш бахти насиб этмади. Кўринмаган дўхтир-лари-ю табиблари қолмади. Йиллар ўтгани сайин юракларидаги умид учқунлари сўниб борарди. Охири, “Пешонамизга шу ёзилган экан”, - деб, тақдирларига тан беришди. Аммо, тангрининг раҳми келдими, кунлардан бир кун оилада фарзанд туғилди. Кўпдан орзиқиб қутилган қизчага Анифа деб исм берилди. Табиийки, ота-она қизини кўз қорачиғидай эҳтиётлаб, ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмай, меҳр бериб, кўнглига қараб катта қилишди. Оилада унинг айтгани айтган, дегани деган эди. Ҳамма истаклари бир зумда мухайё қилинар, эркатой қизчанинг кунлари ўйин-кулгида ўтарди. Уй юмушлари эса ёши ўтиб бораётган ота-онанинг зим-масида эди.

Йиллар шу зайлда ўтиб борарди... Балоғат ёши остона-сида Анифа сарвиқомад ва оҳу кўзли гўзал қиз бўлиб етишди. Аммо, уй юмушларидан беҳабар ва ялқовлиги ҳақидаги овоза етти маҳаллага етди. Буни кўрган Джегим ва Аримсада бошларини чангал-ладилар – қизларининг оила курадиган вақти келиб қолган эди-да. Бу аҳволда уни ким хотин қилади? Бутун маҳалла, маҳалла нимаси,.. бутун овул Джегимнинг қизи жуда чиройли бўлишига қарамай, рўзғор ишларида уқувсиз эканлигидан, ҳеч қачон яхши уй бекаси бўла олмаслигидан хабардор эди. Шунинг учун овулдаги йигитлардан ҳеч бири у томонга қиё ҳам боқмасди.

Бечора ота-она нима қила-рини билмай, бу масаланинг ечимини узоқ қидиришди. Охири, бу гаплар хали етиб боришга улгурмаган узоқ бир овулдан куёв топиб,

¹³ Ажиқ - овқатни хушхўр қилиш учун одатда қизил гаримдори, туз ва турли хил хушбўй ўтлардан тайёрланадиган доривор.

жали с замиранием сердца думать о ее будущем. Ведь она наверняка не управляется с хозяйством. Как бы не вернули им ленивицу дочь со скандалом...

Наконец отец решил отправиться провести Анифу. Приехал он без предупреждения. Случилось так, что при его приезде во дворе никого не оказалось. Джегим тихонько, с трудом преодолев мрачные предчувствия, вошел в дом. Представившаяся глазам картина приятно изумила его: в доме все было в полнейшем порядке. Анифа горячо приветствовала отца и тут же пустилась в хлопоты по хозяйству. Она так расторопно вела дело, что это буквально потрясло Джегима. Как преобразилась его ленивая дочь! Словно подменили ее. Но спрашивать, как произошла такая перемена, он никого не хотел, решив, что разгадка не заставит себя ждать.

И вот, когда родные мужа вышли из комнаты, Анифа подбежала к отцу, протянула ему ступку с насыпанными в нее солью, стручками перца и всяческими травами и тихо, как сообщнику, шепнула:

- Отец, родной мой, толки все это, да поживее и погромче, делай аджику. В этом доме не дают есть тому, кто не трудится. Толки, отец!

И Джегим покорно начал

тезгина тўй қилиб, қизларини куёвнинг уйига узатишди.

Узатишга узатишди-ю: “Энди нима бўлар экан, борган жойида тиниб-тинчиб кетармикин?” - деб юрак-ларини чангаллаб ўтиришди. Чунки, қизлари рўзгор ишларини эпложмай, эридан дашном эшитиб, уйга қайтиб келиши ҳеч гап эмас эди-да...

Кунлар кетидан кунлар ўтибди. Аммо, қизидан дарак бўлавермагач, отанинг юрагида безовталик пайдо бўлиб, қизидан хабар олиш баҳонасида йўлга равона бўлибди.

Отанинг юраги безовта эмасми, келиши ҳақида қудаларга аввалдан хабар бермади. Шунинг учун ховлида уни ҳеч ким кутиб олмади. Кўнгилсиз воқеалар-нинг шохиди бўлишдан қўрққандек остонада оғир тин олди ва бироздан кейин аста ичкарига кирди. Уй ичидаги тинч ва осуда вазият, асосийси, рўзгордаги тартиб унинг юрагида умид учқунларини ёқди.

Ичкари хонадан чиқиб келган Анифа отасини кўриб, хурсанд-лигини яширмай уни кучиб олди, бир дақиқа салом-алик қилиб, яна уй юмушларига киришиб кетди. Кизининг уй ишларини шу қадар куйиб-пишиб ва усталик билан олиб бориши отани хайратга солди. Кўз ўнгида ялқов қизи Анифа эмас, балки умр бўйи уй ишидан боши чикмай, суяги меҳнатда қотган бошқа нотаниш бир аёл куймаланаётгандек эди. Ҳа, бу тамоман бошқа аёл – бутун вужуди билан рўзгор ташвиш-ларига киришиб кетган уй бекаси эди. Бундай ўзгариш-нинг сабабини сўрашга ботинолмай турган ҳам эдики, жумбоқ табиий равишда ўз ечимини топди...

Қудалар ичкари уйдан чиқиб келишганида, Анифа отаси-нинг олдига югуриб келиб, унга туз, қизил гаримдори ва турли хил тоғ ўтлари солинган мис ҳовончани узатиб, қулоғига сирли товушда шивирлади:

- Отажон, буларнинг ҳаммасини ҳовончада янчиш керак. Тезроқ янчиб, ажиқ қилиш

толочь в ступке аджику, керак. Бу уйда меҳнат қилмаган одамга овқат
поняв наконец весь смысл беришмас экан. Янчинг, отажон!
этой премудрости.

Ота қизидаги ўзгаришнинг сабаби ва
айтилган ҳикматнинг маъносини тушуниб
[1] *Аджика — приправа к еде* етди, айбдор боладек бошини итоаткорона
из перца, соли и разных эгиб, ҳовончада ажиқ янча бошлади...
ароматных трав.

Назорат учун саволлар:

1. Таржимада муаллифнинг индивидуал услубини сақлаб қолиш масаласига доир фикрларингизни айтинг.
2. Аслият матни билан таржима матнини солиштиринг.
3. Аслият ва таржима матнидаги фразеологик бирликларни аниқланг ва уларга ўз муносабатингизни билдириг. Уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини изоҳланг.
4. Аслият ва таржима матнларида номларнинг берилишига эътибор беринг. Улардаги фарқларни шарҳланг (Аргун Сейдик – Аргун Сайдиқ, Жарназ – Жарноз, Арыш Хабуг – Ариш Хобуг, Асия - Осиё).
5. Лингвомаданий қатламнинг бир тилдан иккинчи тилга кўчиши ҳодисасини матн мисолида тушунтиринг.
6. Муаллиф услубига хос хусусиятларнинг таржима матнида сақланиб қолишини сабабини тушунтиринг.
7. Матнни бевосита аслиятдан ёки воситачи – ўзбек тилидан ўрганилаётган шарқ тилига таржима қилинг.

Адабиётлар:

1. Виноградов В.В. Проблема авторства и теория стилей. – Москва, 1961.
2. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: “Фан”, 1966.
3. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
4. Ҳазратқулов М. Услуб ва таржима ҳақида баъзи мулоҳазалар // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 4-китоб. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 265–272-бетлар.

6-мавзу. МИЛЛИЙЛИКНИНГ ТАРЖИМАДА АКС ЭТИШИ

Режа:

1. Миллийлик ҳақида умумий тушунча.
2. Миллийлик ва таржима муаммолари.
3. Миллий хос сўзлар таржимаси қийинчиликлари.
4. Таржима асарларида миллийликнинг акс этиши.

Миллийлик – ҳар бир миллатнинг бошқалардан ажралиб турадиган, ўзигагина хос хусусиятлари мажмуи. Уларни у ёки бу миллатнинг маънавий фаолияти ва моддий ҳаётидаги ўзига хосликлар деб, иккига ажратиб қараш мумкин.

Маънавий фаолият кишиларнинг характери, тафаккур тарзи, руҳияти, юмор хусусиятлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Моддий ҳаёт эса урф-одат, расм-русум, маросимлар, кийимлар, уй-рўзгор анжомлари, пазандачилик, исмлар кабилардан иборат.

Ҳар бир халқ муайян муҳит (водий, тоғ, саҳро)да яшайди. Ўзи ҳаёт кечираётган жойнинг табиатига кўра тирикчилик қилади. Ҳар ернинг ўз иқлими, шунга мувофиқ равишда ҳайвонот ва наботот олами мавжуд. Ўзига хос хўжалик юритиш тарзи шаклланган, ишлаб чиқариш соҳалари ривожланган. Яна ҳар бир халқнинг ўз тарихи, дини, маданият, санъати, адабиёти, урф-одати, расм-русумлари, анъана ва қадриятлари; кийим-кечаклари, пазандачилиги ва бошқалар бор. Ўз-ўзидан, буларнинг барчасини ифодаладиган сўзлари, бу сўзлар асосида вужудга келган иборалари бор. Буларнинг барчаси миллийлик белгилари, унинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Миллий колорит деб бадиий асарда акс этган миллий хусусиятлар йиғиндисига айтилади.

Колорит лотинча колор сўзидан келиб чиққан бўлиб, ранг, бўёқ, манзара маъносини билдиради.

Колорит деганда тасвирий санъатда реал ҳаётни ҳаққоний акс эттириш учун ишлатиладиган рангларнинг ўзаро мутаносиблиги тушунилади.

Адабиётда эса бадиий асарнинг ўзига хос характерли хусусияти: миллийлик, давр, маълум жойнинг ўзига хос жиҳатлари ифодаси кўзда тутилади.

Адабиётшуносликда миллий колоритдан ташқари маҳаллий колорит деган тушунча ҳам мавжуд. Маҳаллий колорит – бирор маҳаллий шароит, урф-одат ёки жойга хос турмуш, пейзаж ва тил хусусиятларини бадиий адабиётда акс эттириш¹⁴.

Ана шу миллий колорит билан боғлиқ бўлган сўз ва атамалар реалиялар, бошқача айтганда, миллий хос сўзлар дейилади. Реалия лотинча сўз бўлиб, буюмга, нарсага оид деган маънони билдиради.

“Реалиялар асар тилининг ажралмас қисми бўлиб, улар ёрдамида муаллиф қаҳрамон образини яратади, халқнинг миллий хусусиятини тасвирлаб беради. Улар бадиий асарнинг миллий колоритини ифода этади, турли услубий вазифаларни бажаради, ҳодиса ва предметларнинг хусусиятини ҳаққоний, тўғри тасвирлашга ёрдам беради”¹⁵. Шунинг учун ҳам реалиялар бадиий таржиманинг таржимонни қийнаб қўядиган, таржимани мураккаблаштирадиган, кўпинча уни чалғитадиган жиҳатларини ташкил этади.

“Реалияларга миллий таомлар, кийим-кечаклар, миллий чолғу асбоблари, рўзғор анжомлари, номлар, таҳаллуслар, лақаблар, шаҳар, қишлоқ хусусиятлари, меъморчилик, географик номлар, табиат манзаралари, ҳайвон ва ўсимликларнинг номлари, даража, унвон, табақа ва бошқа бўлинишларни ифодаловчи сўзлар, муассасалар, ташкилотлар, диний маросимлар ва бошқа этнографик белгиларни билдирувчи сўз ва иборалар киради”¹⁶.

Бадиий асарда тасвирланган миллий хусусиятларни таржимада ҳам айнан сақлаб қолиш керакми ёки ўзгартириш – таржима тили мансуб халқ яшаётган заминга кўчириш керакми деган масала ҳали-ҳануз ўзининг узил-кесил ечимини топмаган. Бундай дейишимизнинг сабаби реалистик таржима назарияси у ёки бу халқнинг миллий обидаси эканлиги нуқтаи назаридан ҳар қандай асарда ўз тасвирини топган миллий хусусиятлар таржимада ҳам акс этиши шарт дея бу борада қатъий хулоса чиқариб қўйган бўлса-да, таржима амалиётида ҳануз

¹⁴ Бу ҳақда қаранг: С о и п о в а М. Таржимада миллий ўзига хосликни қайта яратиш // Таржима муаммолари. 2-китоб. – Тошкент, 1991. 72-бет.

¹⁵ Ҳ а м р о е в Х. Миллий хос сўзлар – реалиялар ва бадиий таржима // Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). – Тошкент, 1982. 158-бет.

¹⁶ Ф а й з у л л а е в Р. Йўллар йироқ, кўнгишлар яқин // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). – Тошкент, 1973. 257-бет.

ўзбошимчаликлар, ўз хоҳишига қараб иш тутишлар, аллақачон воз кечилганига қарамай, миллийлаштириб таржима қилишлар оз бўлса-да, учраб турибди. Айтайлик, яқинда Покистонда Шекспирнинг “Ҳамлет” фожиаси миллий талқинда сахналаштирилди. Ахир, бу буюк инглиз драматургининг муаллифлик ҳуқуқини поймол қилиш, асарни бузиш-ку деб сўраганларида бизга айнан покистонча Ҳамлет керак, деб жавоб беришган. Асар сюжетида дахл қилинмаса-да, баъзи лавҳалар, сўз ва ибораларни миллийлаштириш ҳодисаси бундан-да кўп учрайди. Жумладан, немис мутафаккири ва шоири И.В.Гётеннинг “Фауст” фожиаси таржимасида Э.Воҳидов, рус адабиётининг қуёши А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърӣ романи таржимасида М.Кенжабек кўплаб миллий ва диний сўз ва тушунчаларни шарқона ёки соф ўзбекча муқобиллари билан оммалаштирганларки, таржима назарияси бундай интилишларни оқламайди. У ёки бу даражада миллийлаштиришга уринишга деярли барча таржимонларимиз ижодида дуч келамиз.

Хос сўзлар таржимасида асосан қуйидаги уч усул қўлланади:

1. Транслитерация – бирор ёзув ҳарфларини бошқа ёзув ҳарфлари билан бериш, кўрсатиш. Таржимада жой ва киши номлари, турли атамалар ва миллий хос сўзларни бошқа тил белгилари ёрдамида айнан ифодалаш. Масалан: жигит, султан, кишлак, каса, пияла. Ойбекнинг “Навоий” романи русча ва французча таржимасида “девон”, “парвоначи” каби терминлар транслитерация қилиб берилган.

Албатта, транслитерациядан кейин кўпинча матн остида изох берилади. Масалан, Парда Турсун француз адиби Эмил Золянинг “Тегирмон қамали” повести таржимасида франк, мэр каби тушунчаларни айнан қолдириб, матн остида уларга изох беради: **Ф р а н к** – “Ўтган асрдаги француз пул бирлиги, бир франк русларнинг 37 тийинига тенг бўлган”. **М э р** – “Қишлоқ ёки шаҳарни бошқарувчи қилиб сайланган киши, айни вақтда, ҳукумат чиновниги ҳам бўлган”. Мопассаннинг “Туан” новелласи таржимасида дастлаб “льё” ўлчов бирлигини “ўнтош” деб олган бўлса, кейин ўзини қолдириб, унга изох беради: “Льё тахминан 4 км.га тенг бўлган француз ўлчов бирлиги”¹⁷.

¹⁷ Қаранг: Х о л б е к о в М. Парда Турсун – француз адабиётининг таржимони // Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). Тошкент, 1982. 127–128-бетлар.

“Транслитерация қўлланилиши таржима тилида реалияларга тўғри эквивалентларнинг йўқлиги билан шарҳланади. Бу ҳол, биринчидан, икки халқнинг тараққиёт йўллари ва ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари турлича бўлганлиги, иккинчидан, реалияларнинг кўп ишлатилиши таржима тили уларни ҳазм қила олмаслиги ва ўқувчи учун реалиялар ажиб тушунмовчиликлар келтириши билан тушунилади”¹⁸. Шунинг учун ҳам Қ.Аъзамов Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романи русча таржимасида ўзбек турмуши билан боғлиқ хола, опа, дада, девор, бўйра, чойдиш, йўлак сўзларининг рус тилига тўғридан-тўғри кўчирилганини танқид қилади. “Тўғри, транслитерация методидан ҳозир ҳам фойдаланилади, лекин бу усулнинг нозиклиги шундаки, меъёр бузилса, реалиялар миллий ўзига хослик белгилари эмас, балки унга ёт бўлган экзотик белгиларга айланади, китобхонни чалғитади. Реалиялар эквивалент топилмаганда ва таржима қилишнинг иложи бўлмагандагина транслитерация қилиниши мумкин”¹⁹.

1) Транслитерация воситасида тил хазинаси бойийди – янги сўзлар, терминлар, тушунчалар кириб келади.

2) Бир пайтлар транслитерация воситасида кириб келган сўз кейинчалик тилга сингиб кетиши мумкин.

3) Транслитерацияда ҳам муайян меъёр бўлиши керак (масалан: милорд – мой принц – шахзодам, господин – жаноб, ассалому алайкум – здравствуйте).

2. Аналогия – ўхшашлик, бир-бирига ёки бошқасига ўхшашлик, яъни муқобил тушунча билан бериш. Масалан: Ойбекнинг “Навоий” романи русча таржимасида “шолча” – “палас” деб ўгирилган. Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърий романи таржимасида “рождество” – “йилбоши” деб олинган. Бунда сўзларнинг маъноси умуман тўғри берилган бўлса-да, миллий-тарихий колорит йўқолган. Э. Воҳидов Гётеннинг “Фауст” асари таржимасида “юристлар”ни – “уламо”, “магистрлар”ни – “фузало” деб бериши ҳам тўғри эмас.

Аналогия усули “яқин таржима” деб ҳам аталади. Лекин бу термин номининг ўзиёқ асл нусхадаги миллий хос сўзларнинг барча вазифаларини, маъно қирраларини тўлиқ ифода

¹⁸ Ҳ а м р о е в Ҳ. Миллий сўзлар – реалиялар ва бадиий таржима. 159-бет.

¹⁹ Аъзамов Қ. “Меҳробдан чаён”нинг икки таржимаси // Таржима муаммолари (Мақолалар тўплами) 1-китоб. – Тошкент, 1991. 154-бет.

этмаслигини кўрсатиб турибди: ўхшаш ўхшаш-да – айнан ўзи эмас!²⁰.

3. Янги сўз ва сўз бирикмаси яратиш – баъзи таржимонлар миллий хос сўз ва ибораларни, ном ва тушунчаларни таржима қилиб оладиларки, бу ҳол кўпинча ўзини оқламайди. Масалан, М.Кенжабек “Евгений Онегин” таржимасида “тройка”ни – “учот”, “котлет”ни – “қийма эт” сифатида таржима қиладики, бунда термин ифодалаган маъно берилиб, терминнинг ўзи қурбон қилинади. Ёки “Крещенские вечера” маросимини – “ҳайит шоми”, “муқаддас шомлар” деб беради. Ҳолбуки, бу насронийларга хос бут ювиш байрам оқшоми ҳисобланади. Шунга ўхшаб, “палов”ни – “рисовая каша”, “пирог”ни – “сомса”, “коса”ни – “глубокая тарелка”, “каша”ни – “шовла”, “ший”ни – “шўрва” деб ўгириш ҳам ўзини оқламайди.

Миллийликни таржимада акс эттириш ниҳоятда нозик ва мушкул бўлиб, бунда фақат сўз ва тушунчаларни эмас, балки улар англатган маъноларни бериш ва таржима ўқувчисига тасаввур ҳосил қилиш ҳам муҳим.

Қуйида Михаил Лакербай қаламига мансуб ҳикоянинг рус тилидан таржимасини кўриб чиқамиз:

БЫСТРО ТОЛЬКО ЗАЯЦ БЕГАЕТ

Когда Арлана Уахайда взяли на войну, его молодая жена Шазина почувствовала, что станет матерью. Война была тяжелой и долгой. Пять лет пробыл Уахайд на войне, а потом попал в плен и прожил там около пятнадцати лет. Он батрачил у одного ахъчипсовского князя, и тот наконец решил отпустить его домой. На прощанье князь сказал:

- Денег у меня нет, чтобы расплатиться с тобой, но я дам

ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕС...

Арлан Уахайдни урушга олиб кетишганида уйда ёлғиз қолган ёш хотини Шазина хомиладор-ликнинг илк белгиларини сезган эди. Уруш узок давом этди ва жуда оғир кечди. Уахайд беш йил жанг қилди ва урушнинг сўнгги ойларида асирга тушиб қолди. Асирда унинг яна ўн беш йил умри хазон бўлди. Узок йиллар давомида у ахъчипслик бир князнинг уйида хизмат қилди. Ва ниҳоят, князь ўз асирини озод этишга қарор қилиб, хайрлашиш вақтида шундай деди:

- Кўп йиллар давомида уйимда ҳалол хизмат қилдинг. Ака-укадай бўлиб қолдик. Ҳозир хизматинг эвазига

²⁰ Ўша ерда.

тебе один полезный совет. Думаю, что пригодится. Никогда не делай торопливых выводов. Серьезный человек ничего не решает быстро - быстро только заяц бегают. - И закончил: - Имей всегда горячее сердце и холодную голову.

Жена Уахайд родила сына, который за двадцать лет, пока не было отца, вырос в сильного и красивого юношу. Молодой Джегим считал отца давно погибшим. Так думала и Шазина.

Однажды ночью вернулся Арлан Уахайд в родное село. Он не вошел сразу к себе в дом, а сел у задней стены, раздвинул хворостиной плетенку и заглянул внутрь. Сердце его замерло от волнения, он старался не дышать, чтобы не выдать себя.

Тонкая восковая свеча и небольшой очаг слабо освещали пацху. Уахайд не мог не узнать своей любимой Шазины. Рядом с ней, за грубым столом, он разглядел красивого и высокого юношу. Шазина кормила его ужином и часто обнимала и целовала.

"Это любовник!" - обожгла его страшная мысль. И он решил немедленно уйти и никогда больше сюда не возвращаться. Затем в его разгоряченной от ревности голове возникло решение убить любовника и бежать незамеченным.

Уахайд постучал в дверь:

- Я - путник, ночь застала меня в пути. Разрешите переночевать?

тўлайдиган пулим бўлмагани сабабли сенга бир маслаҳат бермоқчиман. Ўйлайманки, у сен учун фойдали бўлади. Ҳеч қачон хулоса чиқаришга шошилмагин – доимо етти ўлчаб, бир кесгин. Эркак кишининг юраги қайноқ, ақли эса тийрак бўлиши даркор, – дея сўзини якунлади.

Уахайд урушга кетганидан кейин хотинининг кўзи ёриб, ўғиллик бўлган эди. Ўтган йигирма йил ичида у улғайиб, бақувват ва кўркам йигитга айланди. Джегим (йигитнинг исми шундай эди) отаси урушда ҳалок бўлган деб ўйлар, эридан хат-хабар келмагани учун онаси Шазина ҳам шунга ишонч ҳосил қилган эди.

Кунлардан бирида оқшом тушар чоғида собиқ аскар ўзининг она қишлоғига қайтиб келди. Аммо, бирдан уйига киришга юраги дов бермай, девор ортидан туриб, деразадан мўралади. Кўз олдида очилган манзарадан юраги хапқириб кетди: столдаги шам шуъласи кечки овқатга ўтирган жондан азиз рафиқаси Шазинанинг юзини ёритар, ёнгинасида эса елкалари кенг ва суксурдек чиройли бегона бир йигит ўтирарди. Шазина унинг овқат ейишига маҳлиё бўлиб, вақти-вақти билан кучоғига олиб, юзидан ўпиб қўяр эди.

Бу манзарани кўрган Арлан Уахайд ўзини зўрға тийишга муваффақ бўлди. "Бу хотинимнинг жазмани бўлса керак!" – деган ўй унинг юрагини ханжардай тилиб, вужудини ларзага келтирди. Дастлаб, қишлоқдан тезроқ кетиб, ҳеч қачон бу ерга қайтмаслик фикри келди. Аммо, кейин икки жазман яшашга ҳаққи йўқдай туюлди.

Уахайд аста эшикни тақил-латди. Ичкаридан берилган саволга:

- Мен йўловчиман. Кўчага қоронғи тушди. Тунашга жой сўраб келдим, - деб

- О, конечно, входите! - ответили ему оба сразу и радушно предложили ужин и уют.

От ужина он, несмотря на долгие уговоры, отказался и, сев подальше от очага и свечи, чтобы жена не узнала его, стал наблюдать. Юноша подошел к нему и предложил стакан вина - вместо воды, которой попросил гость. Арлан уже потянулся рукой к кинжалу, но юноша в этот миг отошел от него.

Вдруг Уахайд вспомнил совет князя: "Никогда не делай торопливых выводов..." - и подумал: "У меня впереди целая ночь, надо проверить совет князя. Это единственный мой заработок за прошедшие двадцать лет".

Хозяева интересовались: кто он и откуда? Он сочинял о себе всяческие небылицы. Потом спросил:

- А давно ли вы женаты?

- Что вы! - воскликнула Шазина. - Это мой сын. Сын, не видевший своего отца. Еще не родившись, он уже лишился отца, - проговорила она сквозь слезы.

Юноша нежно обнял мать и стал успокаивать.

Арлан Уахайд не выдержал. Он подошел к жене и тоже обнял ее. Долго смотрели они в глаза друг другу. Свеча догорала, а они все смотрели и смотрели...

Потом Уахайд повернулся к сыну и повторил спасительный совет:

- Дорогой сын, никогда ничего

жавоб берди.

- Албатта. "Меҳмон – атои худо" дейишади. Уйга кирақолинг, - деб уни ичкарига даъват этиб, овқат ва жой таклиф этишди.

Меҳмон овқатдан бош тортиб, юзи кўринмаслиги учун ўчоқнинг олдида жой эгаллаб, мезбонларни зимдан кузата бошлади. Кейин ичишга сув сўради. Йигит сувсираган меҳмоннинг ёнига келиб, май узатди. Ёнида турган йигитга хамла қилишни ўйлаб, қўлини ханжарга узатди, аммо у аёл томонга юриб кетганини кўриб, оғир тин олди.

Шу лаҳза беҳосдан Уахайд кекса князнинг "Ҳеч қачон хулоса чиқаришга шошилмагин – етти ўлчаб, бир кес!" – деган сўзларини эслади ва яна бироз кутишга аҳд қилди.

Мезбонлар унинг кимлиги, қаердан келаётгани ҳақида қизиқиб сўраганларида турли уйдирмалар билан жавоб қайтарди. Сўнг ўзи ҳам савол билан мурожаат этди:

- Бир-бирингизга жуда меҳрибон экансизлар. Оила қурганингизга анча бўлганми?

- Нималар деяпсиз? Ахир бу менинг ўғлим-ку! Лаънати уруш туфайли отасини кўриш насиб этмаган, бу дунёга келиб улгурмай отадан жудо бўлган, юраги армонга тўлган ўғил... – деб жавоб берди она ва кўзига ёш олди.

Йигит онасининг елкасидан қучиб, уни тинчлантира бошлади.

Шунда Арлан Уахайд ҳам ўзини тутиб туролмай, рафикасининг ёнига келиб, уни меҳр билан кучди... Кўзлардан ёғилаётган меҳр ва муҳаббат икки вужудни жаннат боғлари сари етаклагандай... Шам эса ёниб тугаётган эди...

Кейин Уайхайд ўғли томон ўгирилиб шундай деди:

не решай быстро. Быстро только заяц бегаёт.

- Жоним болам, ҳеч қачон хулоса чиқаришга шошилмагин, доимо етти ўлчаб, бир кесгин!

Назорат учун саволлар:

1. Аслият матни билан таржима матнини солиштиринг.
2. Аслият ва таржима матнидаги фразеологик бирликларни аниқланг ва уларга ўз муносабатингизни билдиринг. Уларнинг фарқли жиҳатларини изоҳланг.
3. Нима учун аслият матнидаги айрим ўз сўзлар таржима матнида ҳам худди шундай берилганлиги юзасидан тушунтириш беринг.
4. Аслият ва таржима матнлари номланиши юзасидан изоҳ беринг. Сизнингча, таржима матнининг номланиши асар ғоясини очишга хизмат қилганми?
5. Лингвوماданий қатламнинг бир тилдан иккинчи тилга кўчиши ҳодисасини мазкур матн мисолида тушунтиринг.
6. Нима учун таржимон бадий таржимада аслият матнидан йироқлашиб, таржима матнига ижодий ёндашишга мажбур бўлганини, асар ғоясини тўлиқ очиб бериш учун таржима матнини деярли икки барабар кўпайтиришга мажбур бўлгани сабабларини изоҳланг.
7. Матнни бевосита аслиятдан ёки восита тили бўлган ўзбек тилидан ўзингиз ўрганаётган шарқ тилларидан бирига таржима қилинг.

Адабиётлар:

1. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш (қўлланма). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1978.
2. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1983.
3. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: “Фан”, 2004.
4. Очилов Э. Таржима назарияси ва амалиёти (ўқув қўлланма). – Тошкент: Шарқшунослик институти, 2012.
5. Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 1-6-китоблар. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1961–1985.
6. Таржима муаммолари (Мақолалар тўплами). 1-3-китоблар. – Тошкент – Самарқанд, 1991.

7- мавзу. НАСРИЙ АСАРЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

1. Насрий асарлар таржимаси талаблари.
2. Муаллиф услубини қайта яратиш.
3. Таржимада персонажлар нутқини акс эттириш.
4. Насрий асарлар таржимасида миллий руҳни сақлаб қолиш муаммоси.

Насрий таржима шеърий таржимага қараганда осон кўрингани билан у тил билган ҳар қандай киши шуғулланиб кетаверадиган соҳа эмас. Наср ҳам истеъдод маҳсули ҳамда ранг-баранг адабий усуллар ва бадиий тасвир воситаларини тақозо қилади. Қўлидан ёзиш келадиган ҳар қандай одам ёзувчи бўлиб кетавермаганидек, тил биладиган ҳар қандай киши ҳам насрий асар таржимасига қўл уравермайди. Чунки бунинг учун тил билишдан ташқари бадиий таъб ва адабиёт қонун-қоидаларидан хабардорлик лозим бўлади. Ёзувчи ҳам сўз санъаткори, наср ҳам санъат асари ҳисобланар экан, таржимондан ҳам истеъдод талаб этилади.

“Бадиий таржима – бадиий ижод соҳасидир. Чунки таржиманинг бўлак соҳаларидан фарқли ўлароқ, бадиий таржиманинг ўз хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар бадиий адабиётнинг табиатидан келиб чиқади. Чунончи, агар фанда асосий нарсa факт, таҳлил, схема бўлса, бадиий асарда образ, тасвир ва ҳикоя қилинаётган воқеанинг таъсирчанлиги муҳим роль ўйнайди. Худди шу омиллар бадиий таржима учун ҳам муқаррардир”²¹.

Албатта, насрий асарлар таржимасининг шеърий таржимага қараганда бирмунча қулайликлари ва эркинликлари мавжуд. Шеърий таржимада жанр ва вазн талаби билан сўз қўшиш ёки мисра орттиришнинг иложи бўлмаса, насрий таржимада маънони кенг ва тушунарли ифодалаш имконияти бор. Айтайлик, 100 бетлик асар таржимада 120 саҳифага етса, бунга табиий ҳол сифатида қаралади. Лекин бу эркинликни суиистеъмол қилиб, муаллиф услубини йўққа чиқармаслик керак.

²¹ С а л о м о в Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1978. 93-бет.

Муаллиф услубини сақлаш, миллий колоритни акс эттириш, фразеологизмларни бериш, шакл ва мазмун бирлигини таъминлаш каби бошқа мавзуларда ёритилган масалаларнинг насрий асарлар таржимасига ҳам тааллуқлилиги учун бу ерда персонаж нутқини таржимада қайта яратиш муаммосини кўриб чиқиш билан кифояланамиз.

Таржимон у ёки бу тилдан бошқа тилга ағдарар экан, дастлаб унинг унинг олдида мазкур асардаги персонаж нутқи қандай берилиши керак ва ўша тилнинг ўзига хос хусусиятлари нимада-ю, таржимон олдида турган қийинчилик нималардан иборат эканлигини билиб олиши зарур. Зотан, асардаги бадийлик, образлилик персонажлар нутқининг қанчалик жозибадор қилиб берилганлиги билан боғлиқдир. Бадий асар қаҳрамонларининг характер хусусиятларини очиб беришда уларнинг нутқи, сўзлашуви алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам таржимон биринчи галда персонаж нутқини синчиклаб ўрганиши, уни эшита билиши, кейин бошқа тилда қайта яратиши мумкин.

Бадий асардаги персонажлар нутқи орқали ёзувчи қаҳрамоннинг ҳаёт, воқеа ва ҳодисаларга муносабатини, унинг дунёқараши, ҳис-туйғуларини, психик ҳолатини очиб беради. Персонажлар нутқини таржимада беришнинг асосий хусусиятларидан бири, уларнинг нутқида ишлатилган турли хил сўз ва ибораларни тўғри ағдариш масаласидир.

Қаҳрамонлар нутқини таржимада беришнинг асосий хусусиятларидан яна бири персонажлар ёшига, тилининг лексикасига ва жумла тузилишига эътибор беришликдир. Айрим ҳолларда таржимонларимиз оригиналдаги персонажлар нутқида ишлатилган узун жумлаларни қисқа жумлалар билан, қисқа жумлаларни эса узун жумлалар билан алмаштирадilar. Бу эса образни ва унинг нутқини бузишга олиб келади.

Қуйида Михаил Лакербай қаламига мансуб ҳикоянинг рус тилидан таржимасини кўриб чиқамиз:

ВРАГИ

ТУХМАТ БАЛОСИ

Они не были родными братьями, а жили, как братья. Но вот в их отношения

Ксыс Шларба ва Кумф Смырба қўшни яшашарди. Улар ака-ука бўлишмаса-да худди жигарлардек яқин эдилар. Шундай

вмешались досужие люди. Злой клеветой опутал их обоих. Один из друзей не сдержался и бросил угрозу в адрес другого. Мгновенно ее, конечно, передали. Второй тоже не сдержался и ответил угрозой.

И вот Ксыс Шларба и Кумф Смырба стали врагами.

Ближние им люди пытались примирить их. Но эти старания ни к чему не привели: каждый считал себя кровно обиженным, и каждый дал клятву кровью врага смыть нанесенное оскорбление.

Те же досужие люди передали Ксысу, что Кумф устраивает засады, чтобы убить его. Ксыс проверил и убедился, что Кумф действительно охотится за ним. Тогда и он решил убить Кумфа. Выхода не было: один из них должен был умереть.

Однажды, возвращаясь из лесу домой и опасаясь засады, Кумф свернул на узенькую тропинку, по которой никто обычно не ходил. Он медленно пробирался вперед и неожиданно наткнулся на лежавшего поперек тропинки, тщательно укрытого ветками Ксыса. Дуло ружья Ксыса было обращено в ту сторону, где дорожка, по которой Кумф обычно возвращался домой, делала поворот. Затаив дыхание, Ксыс припал к ружью...

Все стало ясно Кумфу.

якин эдиларки, бундай аҳиллик кўролмаслик касалига дучор бўлган айрим қишлоқдошларига уйку бермай қўйибди. Ўртага тухмат аралашган ерда аҳиллик йўқолади. Хайрихоҳлар кўп эмасми, ўртада “деди-деди”лар кўпайиб, икки дўстга бўлар-бўлмас гапларни етказадиганлар топилибди. Шунда дўстлардан бирининг тилидан ноўрин бир сўз чиқиб кетган экан (“Жаҳл чикқанда ақл кетади”, - дейишадик), ўртадаги одам уни оқизмай-томизмай, яна ўзидан қўшиб-чатиб иккинчисига етказибди. Иккинчиси ҳам шунга муносиб жавоб қайтарибди.

Шу тариқа икки дўст хайрихоҳ-ларнинг кўмагида душманга айланибди.

Атрофларида бамаъни ва доно одамлар ҳам йўқ эмас экан. Улар икки дўстни яраштириб қўйишга ҳаракат қилишибди. Аммо, бундан натижа чиқмабди: иккиси ҳам ўзини асоссиз ҳақоратланган ҳисоблаб, қасос олишни кўнглига тугиб қўйибди.

Кунлардан бир кун худди шундай хайрихоҳлардан бири Ксысинг қулоғига Кумф уни ўлдириш мақсадида пистирма тайёрлаётгани ҳақида шивирлабди. Ксыс дастлаб бу гапга ишонқирамабди, аммо буни тасдиқловчи далилларга эга бўлгач, биринчи бўлиб хамла қилишга аҳд қилибди. Ниҳоятда мураккаб вазият юзага келиб, икки дўстнинг ҳаёти таҳлика остида қолибди.

Шундай кунлардан бирида Кумф ўрмондан қайтаётганида эҳтиёт чораси сифатида ёлғизоёқ сўқмоқ орқали уйига боришга аҳд қилибди. Одатда ҳеч ким юрмайдиган сўқмоқдан секин-аста юриб борар экан, ерга чалқанча тушиб, шох-шаббадан пистирма куриб бекиниб ётган Ксысга дуч келибди. Кумф режани тўғри олган экан. Чунки, Ксыс собиқ дўсти одатда уйига қайтадиган йўлакни мўлжалла олиб, нафасини чиқармай ётар, ортидан келаётган одам шарпасини сезмаётган эди.

Ксыс заметил его на проселочной дороге и был уверен, что тот вот-вот появится на повороте.

Что делать? Кумф схватился было за свой пистолет... Но отдернул руку и неожиданно для Ксыса и для самого себя спокойным и дружелюбным голосом спросил:

- Ты позволишь мне перепрыгнуть через тебя, Ксыс? Или, быть может, немного подвинешься?

Как тяжелые камни упали эти слова на голову Ксыса. Одним движением он сбросил с себя ветки и ошалело посмотрел на Кумфа.

- Вставай же, Ксыс! Ведь ты недалеко от моего дома, зайдем ко мне. Добро пожаловать!

И Кумф протянул руку, чтобы помочь Ксысу встать.

...На обед в доме Кумфа собралось много народу. С тех пор между ним и Ксысом опять установилась дружба - теперь на всю жизнь.

Кумф хаммасини тушунбди: Ксыс унинг ўрмондан чиқаётганини кўрган, аммо ёлғизоёқ сўқмоққа бурилганини сезмай қолган, энди эса уйи томон буриладиган йўлдан қораси кўринишини кутиб ётар эди.

Нима қилиш керак? Бехосдан Кумф кўлини тўппончага узатди... Аммо, фикридан қайтиб, ерда чалқанча ётган собиқ дўстига қарата:

- Рухсат берсанг устингдан сакраб ўтсам! Ёки бир оз сурилсанг, мен ҳам ёнингга чўзилардим, - дебди.

Бехосдан қулоғи остида айтилган бу сўзлардан Ксыс шошиб қолибди – унинг бошидан бир челак совуқ сув куйиб юборишгандек эди. У аста устидаги шох-шаббани четга суриб, Кумфга тикилибди. Аммо, у очик чеҳра ва охиста овозда:

- Турақол, Ксыс! Ер жуда ҳам зах. Белинг оғриб қолмасин, тагин. Ўзинг биласан, уйим шу ерда. Балки кирарсан? Меҳмоним бўл, - дебди.

Шундай сўзлар билан Кумф ерда ётган Ксысга ёрдам кўлини узатибди.

...Тушликка Кумфнинг уйига кўп одам йиғилди. Йиғилганлар Кумф ва Ксыс ўртасидаги хайрихоҳлар кўмагида узилган дўстлик ришталари қайтадан, бу сафар абадий тикланганининг гувоҳи бўлишди.

Назорат учун саволлар:

1. Аслият матни билан таржима матнини солиштиринг.
2. Аслият ва таржима матнидаги фразеологик бирликларни аниқланг ва уларга ўз муносабатингизни билдиринг. Уларнинг фарқли жиҳатларини изоҳланг.
3. Нима учун аслият матнидаги айрим ўз сўзлар таржима матнида ҳам худди шундай берилганлиги юзасидан тушунтириш беринг.
4. Аслият ва таржима матнлари номланиши юзасидан изоҳ беринг. Сизнингча, таржима матнининг номланиши асар ғоясини очишга хизмат қилганми?

5. Лингвомаданий қатламнинг бир тилдан иккинчи тилга кўчиши ҳодисасини мазкур матн мисолида тушунтиринг.

6. Нима учун таржимон бадий таржимада аслият матнидан йироқлашиб, таржима матнига ижодий ёндашишга мажбур бўлганини, асар ғоясини тўлиқ очиб бериш учун таржима матнини деярли икки барабар кўпайтиришга мажбур бўлгани сабабларини изоҳланг.

7. Матнни бевосита аслиятдан ёки восита тили бўлган ўзбек тилидан ўзингиз ўрганаётган шарқ тилларидан бирига таржима қилинг.

Адабиётлар:

1. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1978.

2. Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1982.

3. Бадий таржима – дўстлик қуроли (Мақолалар тўплами). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1974.

4. “Мастерство перевода”, “Тетради переводчика”, “Таржима санъати”, “Таржима муаммолари” тўпламлари.

8- мавзу. ФРАЗЕОЛОГИЯ ВА ТАРЖИМА

Режа:

1. Фразеологизмлар хусусида.
2. Фразеологизмлар таржимасининг уч усули.
3. Фразеология ва миллийлик.
4. Бадий таржимада фразеологизмларнинг тутган ўрни.

Фраза, фразеология, фразеологизм сўзларининг барчаси юнонча бўлиб, фраза – ибора, жумла; қанотли сўз, ҳикматли барқарор бирикма, фразеология – ана шу барқарор сўз бирикмалари – иборалар мажмуи, фразеологизмлар – турғун сўз бирикмалари маъноларини билдиради.

Тузилишига кўра гапга ва сўз бирикмасига тенглиги, бир бутун маъно англатиши, нутққа тайёр ҳолда олиб кирилишини жиҳатидан фақат идиома – ибораларгина эмас, мақол ва маталлар ҳам фразеологизмларга киритилади.

Идиома ҳам юнонча сўз бўлиб, ўзига хослик, хусусият маъноларини билдиради. Турғун ибора ёки ибора ўрнида қўлланади.

Идиома – “маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи ихчам ибора”²². Масалан: томдан тараша тушгандай, оғзингга қараб гапир, ҳаёти қил устида турибди, семизликни қўй кўтарар ва ҳоказо.

Идиоманинг ўзига хос белгилари сифатида қуйидагилар кўрсатилади: 1) у фақат айна тилни ўзигагина хос, демак, бошқа тилларда худди шундай идиомалар йўқ; 2) уни бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди; 3) унинг маъноси таркибидаги сўзларнинг мазмунидан англашилмайди”²³.

Халқнинг ҳаётий тажрибаси асосида пайдо бўлиб, турмуш синовидан ўтган, панд-насиҳат мазмунидаги ихчам, образли, яхлит маъно билдирувчи ҳикматли ибора мақол деб аталади. Масалан: ақл ёшда эмас, бошда. Бир йигитга етмиш ҳунар оз.

Матал – “тугал маъно ифодаламайдиган образли ибора”²⁴. Масалан: қизил қор ёққанда, туянинг думи ерга текканда, она сути оғзидан кетмаган, сўқир кўзга сурма.

Мақол ва матални бир-биридан ажратиш қийин бўлса-да, уларни ўзаро фарқловчи бир қатор белгилар мавжуд. Мақолда, аввало, тугал фикр ифодаланади, иккинчидан, у панд-насиҳатга асосланади, учинчидан ихчам бўлади. Баъзида мажозий маънода ҳам қўлланади. Лекин мажозийлиги унинг белгиси эмас, балки сифатидир.

“Матал айтилмоқчи бўлган фикрни бирор восита орқали ифодаловчи кўчма маъноли содда жумла бўлиб, унда хулоса бўлмайди, балки унинг ўзи бирор хулоса чиқариш учун хизмат қилади. Матал фикрни тугал баён қилмай, балки унга ишора қилади. Матал “у аҳмоқ одам” дейиш ўрнига – “унинг бир

²² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 2-жилд. – Тошкент, 2006. 174-бет.

²³ С а л о м о в Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: “Фан”, 1966. 259-бет.

²⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 2-жилд. – Тошкент, 2006. 174-бет.

қайнови паст” дейди; “улар бир-бирига жуда ўхшайди” дейиш ўрнига – “улар бир олманинг икки палласи” деб айтади”²⁵.

Тажриба шуни кўрсатадики, ўзаро алоқалар кучайган, бадий таржима ишлари ривожланган сари у ёки бу халққа хос баъзи фразеологизмлар бошқасига ўзлашиб кетаверади. Ўзбек тилидаги Америка кашф этмоқ, орага Хитой деворини қўймоқ, қизил ип бўлиб ўтмоқ каби маталар, шамол юборсанг

Фразеологизмлар миллийликка асослангани учун уларни таржима қилиш ҳамиша қийинчилик туғдириб, кўпинча муайян муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Одатда, бошқа тилга уларнинг шакли эмас, мазмуни кўчади. Лекин ана шу мазмунни тўғри ифодалаш, у ёки бу фразеологизмнинг бошқа тилдаги мувофиқ муқобилини топиш учун баъзида бир неча авлод таржимонлар изланишлар олиб борганлар. Атоқли таржимашунос Ғ.Саломовнинг кузатишича, биргина **говорят русским языком** матали ўзбек тилига дастлаб **рус тилида гапирмоқ**, кейин **очиқ-ойдин айтмоқ**, **лўнда қилиб гапирмоқ**, **она тилида гапирмоқ**, **ўзбек тилида гапирмоқ** шаклларида таржима қилинган. Улар орасида контекстга энг мувофиғи **лўнда қилиб гапирмоқ**, дейди олим, чунки бу маталдан мақсад содда ва тушунарли қилиб гапиришдир²⁶.

Фразеологизмлар англатган маъно тушунмай, уларни нотўғри талқин этиш, бузиб таржима қилиш асар мазмунини бузибгина қолмай бадий қимматига ҳам путур етказади.

Фразеологизмлар таржимасидаги энг катта қийинчилик уларнинг миллий асосга эгалигида – ўзида у ёки бу халқнинг руҳияти, табиати, эътиқоди, маданияти, қадрияти, урф-одат, расм-русум, анъаналарини ўзида акс эттирганидир. Шунинг учун таржимонлар фразеологизмлар таржимасида турли усулларни тажриба қилиб кўрган бўлсалар-да, уларни ҳамиша ҳам муваффақиятли деб бўлмайдилар. Айни фразеологизм баъзида бир неча хилда таржима қилинган, баъзида, таъкидлаб ўтилганидек, бир фразеологизмнинг муқобил нусхасини топгунча бир неча таржимонлар изланишлар олиб боришларига тўғри келган, баъзида фразеологизм маъноси нотўғри талқин этилган

²⁵ С а л о м о в Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: “Фан”, 1966. 258-бет.

²⁶ Бу ҳақда қаранг: С а л о м о в Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: “Фан”, 1966. 240–243-бетлар.

ёки бузиб таржима қилинган, баъзида таржима тилидан унга мувофиқ, баъзида зид эквивалент топиб қўйилган.

Таржимашунослар якдиллик билан фразеологизмлар таржимасида контекстан келиб чиқиб иш тутишни, уларни бевосита матнда англатган маъносига асосланиб таржима қилишни тавсия этадилар. Мисол учун, Ғ.Саломовнинг кузатишларига кўра, “рус тилидаги **“бежать сломя голову** ибораси, ўрнига қараб, **оёғини қўлига олиб чопмоқ, жонини жабборга бериб югурмоқ ва ўпкасини қўлтиқлаб чопмоқ** каби муқобил вариантлар билан таржима қилинади”²⁷. Олим бундай хулосага рус адиби И.С.Тургеневнинг “овчининг мактублари” асаридаги қуйидаги мисоллар таржимаси асосида келади:

1. “Знаешь ли ты, зачем я прискакал сюда, **сломя голову**, вчера по утру?” – “Нима учун кеча эрталаб **оёғимни қўлимга олиб** чопиб келганимни биласанми?”

2. “Пантелей, при первом известии о его нездоровье, прискакал **сломя голову**”. – “Пантелей отасининг нотоблиги тўғрисида биринчи марта хабар эшитган ҳамоно, **жонини жабборга бериб** ўқдай учиб келди.

3. “Чертопханов ударил лошадь нагайкой по морде и поскакал **сломя голову**. – “Чертопханов отининг тумшуғига қамчи уриб, **ўпкасини қўлтиқлаганича** отини ўқдай учириб кетди”.

Маълум бўладики, фразеологизмлар таржимаси бадий таржиманинг энг мураккаб ва қийин масалаларидан бири бўлиб, бу борада кўп тажрибалар қилиб кўрилган, муайян қоида ва йўл-йўриқлар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, муаммолар охиригача ўз ечимини топмаган ва келгусида ҳам ҳар бир таржимон ўз индивидуал маҳоратига таяниб, дуч келган мушкулотларини ҳал қилиб бораверади.

ДОРОГИЕ ГОСТИ

АЗИЗ МЕҲМОНЛАР

Ты так часто навещаешь Кекса Хожарат ёлғиз ўғли Довур билан
своих друзей в Абжуве, так суҳбатлашиб ўтирар экан:
любишь погостить у них и - Ўғлим, Абжувада дўст-ларинг
развлекься... Почему же ты не кўплигини биламан. У ерга дўстларингни

²⁷ С а л о м о в Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: “Фан”, 1966. 269-бет.

пригласишь их к нам, в Отхару? Ведь они, наверно, хорошие юноши, если и расстояние тебе не помеха...

Так говорил старый Хаджарат своему единственному сыну Дауру.

- Ты прав, отец, - отвечал ему сын, - Все они хорошие юноши, мои дорогие друзья. А больше всех я люблю Мачиха из села Ткварчал. Не успею я появиться в тех местах, как он не отходит от меня ни на шаг. Он увозит меня к себе и долго не отпускает домой. Не как же мне пригласить их сюда? Я боюсь, отец, не придется ли мне перед ними краснеть. Сумеет ли мы принять их так, как они, в особенности Мачих, принимают меня?

Не бойся, дад! — успокоил сына старый Хаджарат. — Пока жив я, твой старый отец, тебе не придется краснеть. Ничего не пожалею для твоих друзей. Сделаем все, что в наших силах. В обиде на нас они не будут!

- Они обещали приехать, отец! Вот соберутся вместе и приедут. Я так их люблю, так к ним привязан...

- Ладно, ладно, дад! Если приедут к нам, скажем: "Добро пожаловать!"

Но не дождался Даур дорогих гостей. В жарком споре на свадьбе он был убит.

Плачем и горестными причитаньями огласился двор старого Хаджарата. К ночи все утихло.

кўргани тез-тез бориб турасан. Аммо, нима учундир уларни бизнинг Отхарага бирон марта меҳмонга чақирмадинг? Йўл узоқ бўлишига қарамай, у ерга бориб-келишинга қараганда ўртада мустаҳкам дўстлик борга ўхшайди, - дебди.

- Худди шундай, ота, - жавоб берибди ўғли. — Дўстларимнинг ҳаммаси жуда яхши йигитлар. Аммо, энг яқин дўстим Мачих (ўзи Ткварчал овулидан), у ерларга борганимда мени еру кўкка ишонмай, ўзидан бир қадам ҳам қўйиб юбормай, кўнглимни топишга ҳаракат қилади. Бир неча марта уйида ҳам қўноқ бўлганман. Уйидагилари жуда самимий одамлар... Аммо, дўстларимни қандай қилиб меҳмонга чақирай — уларни, айниқса, дўстим Мачихни муносиб кутиб олармикинман? Уялиб қолмасмикинман?

- Қўрқма, дад²⁸! — ўғлининг кўнглини хотиржам қилишга ҳаракат қилибди кекса Хожарат. — Мен бор эканман, сени меҳмонларнинг олдида уялтириб қўймайман. Дўстларинг учун ҳеч нарсани аямаймиз. Қўлимиздан келади-ган ҳамма ишни қиламиз.

- Охирги кўришганимизда, ҳаммалари йиғилиб, бизнинг овулга келиш ниятлари борлигини айтишган эди. Тез орада келиб қолишса, ажаб эмас...

- Хавотир олма, ўғлим. Меҳмонларни муносиб кутиб олишга ҳаракат қиламиз. Дўстларинг учун эшикларимиз доимо очик, - дея ўғлини хотиржам қилибди кеска ота.

...Аммо, Довурга азиз меҳмонларни кучоқ очиб кутиб олиш насиб этмабди: у тўйда содир бўлган можарода сархуш бир йигит қўлидан ҳалок бўлибди ва кекса Хожаратнинг уйи мотамга тўлибди. Аёлларнинг фарёди фақат кечга бориб тинибди.

Шу вақт ховлининг дарвозаси ёнига

²⁸ Дад - абхазларда ёши улуг одам ўзидан ёшроғига шундай мурожаат этади.

И тогда к воротам подъехала шумная ватага всадников.

- Дома ли хозяин?

- Где ты, Даур?

- Выходи, встречай гостей!

- Но разве мог подняться со смертного ложа Даур?!

- Ты так рано улегся спать? В таком случае, прости! Мы приедем в другой раз! - гремели наперебой веселые голоса.

Соседи Хаджарата, оставшиеся у него на ночь разделить со стариком горе, не знали, что отвечать. Один из всадников приоткрыл ворота, и вся веселая компания въехала во двор.

Навстречу всадникам вышел старый Хаджарат. Нарушая траурный обычай, он первым приветствовал гостей.

Добро пожаловать, дорогие гости! - радушно произнес он. - Добро пожаловать! Нет Даура, но я здесь. Заходите в дом!

- А где Даур?

- Он уехал?

- Вернется сегодня?

- Заходите же в дом! — повторил старый Хаджарат. - Вы приехали издалека, будьте дорогими и желанными гостями. Завтра утром вы увидите сына. А пока пируйте с нами, - неужели я, его отец, не сумею достойно принять друзей моего Даура? Что вы смотрите? - обратился он к людям, которые ночевали у него, в доме. - Встречайте гостей, возьмите у них из рук нагайки, уведите в стойла коней... Сюда, сюда, - говорил Хаджарат,

шовкин-сурон ва ҳазил-хузул билан бир гуруҳ отлиқ йигитлар келиб тўхташибди. Бу узоқ кутилган азиз меҳмонлар, Довурнинг дўстлари эди.

- Уйда ким бор?

- Довур, қаердасан?

- Меҳмонларни кутиб олмайсанми?

Аммо, дўстлари ўлим тўшагидан бошини кўтариб, уларга пешвоз чиқа олармиди?! Меҳмонлар уни ухлаган ҳаёл қилиб:

- Намунча эрта ётиб олмасанг? Чарчаб қолдингми? Ундай бўлса, биз бошқа сафар келармиз. Қани, кетдик, йигитлар! — деб бир-бирларига гал бермай ҳазил-мутуйиба қилишда давом этишарди.

Дафн маросимига тайёргар-лик кўраётган кўни-қўшнилар нима деб жавоб қайтаришни билмай туришганида, меҳмонлардан бири дарвозани очиб, отлиқ чавандозларни ховлига киришга даъват этибди.

Кекса Хожарат меҳмонларга пешвоз чиқиб, аза маросими одатларига ҳилоф равишда биринчи бўлиб меҳмонларга мурожаат қилибди:

- Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар! Довур йўқ эди, аммо унинг йўқлигини билдирмасликка ҳаракат қиламан. Марҳамат, уйга киришлар.

- Довур дўстимиз қаерда?

- У кетганмиди?

- Бугун келармикин?

- Уйга киришлар, - дея меҳмонларни қайта ичкарига таклиф қилди Хожарат. — Узоқдан келгансизлар. Азиз меҳмонимиз бўлинглар. Эртага эрталаб ўғлим билан юз кўришасиз. Ҳозир эса дастурхонга марҳамат! Наҳотки, мен ўғлимнинг дўстларини муносиб кутиб ололмасам?! - шундай деб, уйдаги одамларга юзланди. - Отларни оғилга боғлаб, меҳмонларни уйга таклиф қилишлар.

Довурнинг дўстлари кечаси билан

вводя гостей в дом.

Всю ночь пировали друзья Даура, пели веселые песни и смеялись, опьянев от вина и обилия яств. Всю ночь не отходил старый Хаджарат от любимого друга Даура — Мачиха.

- Даур говорил нам, что отец его отлично танцует. Станцуйте же! - упрашивали они Хаджарата.

- Нет, мои милые, - отвечал Хаджарат, - ноги мои уже не пляшут. Видно, стар стал...

К утру уложили гостей спать. Долго спали они. Солнце уже поднялось, когда громкие стенания и женский плач снова огласили двор и дом Хаджарата.

- Что случилось? — испуганно спрашивали разбуженные юноши.

- Я сделал так, как хотел мой мальчик Даур, - сказал им старик. - Его уже нет, но он так долго ждал вас, так хотел встретить своих друзей достойно.

базму жамшид қилишибди: бир-биридан мазали таомларни тановул қилиб, май ичишибди. Айтилган қўшиқлар эса юракларни сел қилибди... Бутун кеча кекса Хожарат ўғлининг яқин дўсти Мачих ёнидан кетмабди...

Шунда меҳмонлар кўплашиб:

- Отахон, ўғлингиз сизни жуда яхши ўйинга тушишингиз ҳақида гапирган эди. Илтимос, бир ўйнаб берсангиз! — дея мезбонни ўйинга тортмоқчи бўлишибди.

- Мени маъзур тутасизлар, ўғилларим. Бутун нима учундир оёқларим ўйинга бормаяпти. Қарилик бўлса керак... — дея жавоб қайтарибди Хожарат.

Меҳмонлар тонгга яқингина уйқуга кетишибди.

Қуёш кўтарилгач, бутун уй ичи ва ховлини аёлларнинг йиғиси тутиб кетибди. Юраклардан отилиб чиқаётган бу фарёд ушалмаган армонлар-дай сел бўлиб оқарди...

- Нима бўлди? Нима гап ўзи? — деб ҳеч нарасага тушунмай берган саволларига кекса Хожарат :

- Ўғлим Довур дўстлари билан дийдорлашиб, уларни уйида муносиб кутиб олишни орзу қилган эди. Мана, ўзи бўлмаса ҳам орзуси ушалди. Энди менинг ҳам бу дунёда армоним қолмади...- деб жавоб берибди.

Назорат учун саволлар:

1. Аслият матни билан таржима матнини солиштиринг.
2. Аслият ва таржима матнидаги фразеологик бирликларни аниқланг ва уларга ўз муносабатингизни билдиринг. Уларнинг фарқли жиҳатларини изоҳланг.
3. Аслият ва таржима матнларида номларнинг берилишига эътибор беринг. Улардаги фарқларни шарҳланг (Даур — Довур, Хаджарат - Хожарат).
4. Аслият ва таржима матнлари номланишидаги яқинликка эътибор беринг. Уларнинг шакл ва мазмун яқинлигини изоҳланг.

5. Лингвомаданий қатламнинг бир тилдан иккинчи тилга кўчиши ҳодисасини мазкур матн мисолида тушунтиринг.

6. Нима учун таржимон бадий таржимада аслият матнидан йироқлашиб, таржима матнига ижодий ёндашишга мажбур бўлганини, асар ғоясини тўлиқ очиб бериш учун таржима матнини деярли икки барабар кўпайтиришга мажбур бўлгани сабабларини изоҳланг.

7. Матнни бевосита аслиятдан ёки восита тили бўлган ўзбек тилидан ўзингиз ўрганаётган шарқ тилларидан бирига таржима қилинг.

Адабиётлар:

1. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: “Фан”, 1966.

2. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1983.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006–2008.

4. Дўстқораев Б. “Бой ила хизматчи” – тожик тилида // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 4-китоб. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 289–293-бетлар.

5. Очилов Э. Таржима назарияси ва амалиёти (ўқув қўлланма). – Тошкент: Шарқшунослик институти, 2012. 47–51-бетлар.

6. Чуковский Л. Высокое искусство. – Москва, 1964.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Ушбу бўлимда ўқув ва ишчи дастурларида белгиланган тўққизта амалий машғулот мавзулари ва дарс режалари келтирилган. Амалий машғулотлар давомида талабалар бадий матнларни ўзлари ўрганаётган шарқ тилларига таржима қиладилар. Таржима жараёнида грамматик трансформация: сўз таркибининг ўзгариши, сўз туркумлари ва гап бўлақларини алмаштиришга сабаб бўладиган омиллар ҳақида тақдимот тайёрлайдилар. Таржимада бўлинган ва умумлаштирилган нутқ, нутқнинг турли кўринишларини, грамматик қурилмаларни, лексик эквивалентларни таржима қиладилар. Таржимада лексик-фразеологик муаммолар таржимасига оид янги адабиётлар аннотациясини тузадилар. Бадий таржиманинг долзарб муаммолари бўйича реферат ёзадилар. Янги нашр этилган бир ва кўп тиллик луғатлар ҳақида маълумот тўплаб маъруза қиладилар.

1-мавзу:

Бадиий матн хусусиятлари

Дарс режаси:

1. Бадиий матн ҳақида тушунча.
2. Бадиий матннинг асосий белгилари.
3. Таржимада сўз қўшиш ва сўз тушириб қолдириш.

2-мавзу:

Бадиий таржиманинг адабиётлар ривожигаги ўрни

Дарс режаси:

1. Миллий адабиётларда таржиманинг мавқеи.
2. Адабиётларда янги жанрларнинг пайдо бўлиши, янги услубларнинг қарор топиши, муштарак анъаналарнинг вужудга келишида таржиманинг ўрни.

3-мавзу:

Жаҳон адабиёти тушунчаси ва мундарижаси

Дарс режаси:

1. Жаҳон адабиёти тушунчаси.
2. Жаҳон адабиёти намуналарининг ўзбекча таржималари ҳақида.

4-мавзу:

Адабий жанрлар таржимасининг ўзига хос хусусиятлари

Дарс режаси:

1. Таржиманинг жанрий муаммолари.
2. Жанрлар таржимасининг ўзига хос хусусиятлари.

5-мавзу:

Услуб қатламлари ва таржима муаммолари

Дарс режаси:

1. Услубий бўёқдорлик ва таржима.
2. Таржимада сўзнинг маъно қирраларидан фойдаланиш.

6-мавзу:

Миллий хос сўзлар таржимаси

Дарс режаси:

1. Миллийлик ва таржима.
2. Миллий колоритнинг таркибий қисмлари.

3. Миллий хос сўзларни таржима қилишнинг уч усули.

7-мавзу:

Сўз бойлиги ва таржима

Дарс режаси:

1. Бадиий таржимада сўзнинг мавқеи.
2. Таржимоннинг сўз бойлиги ва таржима.

8-мавзу:

Таржимада персонажлар нутқини бериш

Дарс режаси:

1. Персонажлар нутқи таржимаси муаммолари.
2. Жонли нутқ ва таржима қийинчиликлари.

9-мавзу:

Фразеологизмлар таржимасининг қиёсий таҳлили

Дарс режаси:

1. Фразеологизмлар таржимасининг уч усули.
2. Фразеология ва миллийлик.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

Ўқув режасида “Бадиий таржима” фани учун 34 соат ажратилган бўлиб, бунда талабаларнинг мустақил ишлашлари ҳам назарда тутилган. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, мазкур фан бадиий таржима билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун бу жараёнга жиддий эътибор билан ёндошилади ва талабаларнинг бадиий таржима билан шуғулланишлари ўқитувчи томонидан алоҳида назоратга олинади.

Шу билан бирга, талабалар ўзлари тилини ўрганаётган мамлакатлар адабиётининг энг сара асарларини топиб, ўзбек тилига таржима қиладилар.

Талабаларнинг мустақил ишлари натижалари “Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедраси қошида фаолият олиб борадиган “Бу қадимий санъат” тўғараги альманахи, шунингдек бошқа бир қатор илмий тўпламларда чоп этилади.

Талабаларга ўзбек адабиётининг йирик намояндалари қаламига мансуб бўлган қуйидаги шеърӣ ва насрий асарларини ўзлари ўрганаётган шарқ тилларига таржима қилиш тавсия этилади:

“НАВОДИР УН-НИХОЯ” АСАРИДАН

Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш киби пайдо,
Юзунг қуёшига зарроти кавн ўлуб шайдо.

Юзунг зиёсидин ар субҳ айни ичра баёз,
Сочинг каросидин ар шом бошида савдо.

Зухури ҳуснунг учун айлабон мазохирни,
Бу кўзгуларда ани жилвагар қилиб амдо.

Чу жилва айлади ул ҳусн айлабон ошиқ,
Салойн ишқин этиб офариниш ичра сало.

Бири қабул эта олмай они магарким, мен
Қилиб отимни зулуму жаҳул бирла адо.

Демайки мен ўзи маъшук ўлуб, ўзи ошиқ,
Ки тиғи ғайрат ўлуб анга нақш ғайри зудо.

Навоий ўлмади тавҳид гуфтугў била фаҳм,
Магарки айлагасен тилни қатъу жонни фидо.

* * *

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

УЛОҚДА

(ҳикоя)

I

Кеча дадамдан сўраб қўйганим учун бугун акам ҳам «керак эмас, борма» деган жекиришини қилмади. Чойни наридан-бери ичиб, отхонага югурдим.

Дадам билан ойим:

- Оёғинг олти, кўлинг етти бўлиб қолдиёв! — деб кулишиб қолдилар.

Қашлоғични олдим-да, қора қашқамни яланғочлаб уёқ-буёғини қашлаб чиқдим. Жонивор типир-типир қилади, бош чайқайди, ер

тепинади, дум силкитади... Шунинг билан менинг кўнглимга: «Худо хоҳласа келаси йилга бир улоқлар чопайки, ҳамма мени: «Турғун чавандоз», деб атасин деган орзулар тушади.

Улуғ ҳайитдаги ҳайитликка олдирган мўғул эгарча билан ғалатича қилиб тойчамни эгарладим. Тоғамга ялиниб-ялпоғланиб олдирган ўрус юганни артиб-суртиб солдим-да, ўзим четроқдан туриб кам-кўстини кузатдим:

- Қуюшқони ҳам ўрнида, эгар ҳам яхши кўнган, қоринбоғи ҳам жипс, юган ҳам тўраларникидек! Лекин умулдириғининг йўқлиги бироз кўнглимни ғаш қилди. Анчагина ўйлаб турганимдан кейин, акамнинг юган учун асраб қўйган қайиши эсимга тушиб, секингина ертўладан ҳалиги қайишни олиб чиқиб, умулдириқ ясадим. Энди тойчам жуда ҳам гижинглаб, худди тўраларникидек бўлиб кетди. Уёқ-буёғини супургандан кейин устунга қантариб қўйдим. Энди қолди: оқ жужунча камзулимни, ўрисча шимни, амиркон этикни, бахмал тўппини кийиш... Ана шундан кейин отга минсак чин тўрача бўламиз-да!

Ойимнинг бир қизиқ одати бор: ҳар қачон янгироқ кийим киймоқчи бўлсам, кўзини ола-кула қилиб: «Қақшағир, кир қиласан, тўй-пўйга борганда киярсан!» — деб қарғай бошлайди. Озгина «шайтон йиғиси» қилмагунингча иш ўнганмайди. Бу гал ҳам ўшандоғ йиғидан қилиб олганимдан кейин, кийимларимни кийиб, шоҳи қийиқчамни белимга боғлаб олдим. Ойимга билдирмасдан секингина уйга кириб, дадамнинг кумуш чопқон қамчисини ичимга тикиб, ташқарига чиқдим.

Хизматчи гўшт келтириб турган экан. Отхонадаги қора қашқани кўчага чиқариб туришга буюриб, гўштни ойимга киргизиб бердим-да, ташқарига қараб чопдим.

Ойим орқамдан:

- Кийимларингни кир қилма, тойингни қаттиқ чоптирма, улоқчилар орасига кириб, бирор ходисага йўлиқма, ўртоқларинг билан бир четда туриб томоша қил! — деб жавраб қолди. Хизматчидан отни олиб миндим. Тўнимнинг этакларини йиғиштириб, қашқачамнинг човига бир-икки қамчи берган эдим, жонивор шаталоқ отиб кетди. Хизматчининг: «Ҳа, баракалла! Чавандоз!» деган товушини эшитиб, қаттиқроқ қамчилаб эдим, жонивор қашқачам кўтариб кетаёзди.

II

Чуқур ариқдан тойимни суғориб чиқаётганимда бир тўда улоқчи-чавандозлар учраб қолдилар. Уларнинг баъзилари акамнинг ўртоқлари эдилар, мен билан сўрашдилар. Улардан бири акамнинг қаердалигини сўраган эди, мен эрталаб улоққа кетганлигини айтдим.

- Бизнинг Маҳкамбой улоққа жуда ҳам ишқибоз-да! — деди ҳалиги йигит.

- Йўл бўлсин, бойвачча? — деб сўради мендан яна бери. Мен уялинқирадим:

- Улоққа! - дедим.

- Баракалла, чавандоз! Баракалла, Турғун чавандоз! — дейишди улар. Айниқса мени «чавандоз» деб аташлари жуда ҳам кайфимни келтириб, ичимдан: «Отанга раҳмат», — деб қўйдим. Биз бир дуркум отлиқ борамиз. Жонивор тойчам бошқа отлардан қолишмайди ва гоҳо уларнинг отларидан ўтиб ҳам кетади. Тойчам ўта қолса: Отингиз жуда ҳам йўрға экан-да, бойвачча», — деб менга пичинг отишадилар.

Ҳа ким ҳар нарсадан баҳс қилади, орада менга ҳам сўз қотиб қўядилар. Мен уяламан. Сўз уриниб яна Маҳкам акам устида тўхталди:

- Шу чокқача кўп улоқчи кўрдим, лекин Маҳкамдек улоққа серзавқини кўрмадим! — деди биттаси.

- Маҳкам бойваччанинг ота-бобоси улоқчи бўлиб келган-да! - деди Собир тегирмончининг ўғли.

- Ахир, ўн икки яшар укасини кўрмайсизми, шу ёшидан улоқ чопмоқчи!

Бу сўздан менинг аъзойи баданим жимирлашиб кетди ва оз қолдики кулиб юборсам.

- Дадам Маҳкамнинг бобосининг улоқ чопшини гапираверса киши ҳайрон қолади, — деди яна бир мўйлови шопдек йигит, - юз, икки юз чавандоз ичидан ёппа-ёлғиз улоқни ажратиб чиқар экан-да!

- У вақтнинг одамини улоқнинг пири десанг-чи! — деди Собир тегирмончининг ўғли.

- Отинг яхши ва билагингда куч сероб бўлса, сен ҳам улоқнинг пири бўласан! — деди яна бири.

Мен бобомнинг мақтовини эшитиб, кеккайиб бормоқдаман... Шу пайтда орқамиздан от шаталоғи эшитилиб, қайрилиб қараган эдик, олдига бир ола эчкини ўнгарган, кўкраги очиқ, яқтакчан, саман отлиқ бир йигитни кўрдик. У бизга етиб тўхтади ва ҳамма билан от устида туриб сўрашди.

- Бу ҳафта ёрдамлашасиз-да, карвон! — деди кулимсираб Тўғон ака.

- Ҳа, бўлмасам-чи, сиздек оғайниларга кўмаклашмасам бўладими! - деди ҳалиги йигит ва тўзумсизланди: — Қани, илдамроқ юринглар!

Йигит билан биргалашиб кетдик. Бироз боргач, бизнинг отимизнинг оёғи билан чавандоз йигитнинг сабри тугади шекилли, отига бирдан шартиллатиб қамчи берди ва қушдек учиб кетди. Биз, фақат унинг: «Мен тезроқ борай», - деган сўзини эшитиб қолдик. Энди сўз ҳалиги чавандознинг оти тўғрисида бошланди.

- Валаднинг оти жуда ҳам чопқир-да, - деди Тўғон ака, - улоқчи бўлганингга яраша шундақанги отинг бўлса!

- Худди бодирафрафдек учади! - деди мўйлови шопдек йигит.

Шу вақт нима учундир ҳамма бирдан шарақлаб кулиб юборди. Кулги сабабига тушунмасам-да, мен ҳам уларга қўшилиб кулишдим.

- Бодирафрафми, бодисарсар? — деб сўради ундан аллаким.

III

Биз, акамни «Дўмбуровот» гузарида учрадик. Акамлар самоварчига палов дамлаб қўйиш учун ўзаро пул йиғиб беришгандан кейин, биз яна йўлга тушдик.

Даланинг кўчаси қишдан бошқа вақтда сув кўрмагани учун икки газ келадиган билқ-билқ гуппон тупроқ, йигирма-ўттиз улоқчи бирданига йўл босиб, қайси отини чоптириб, қайси лўкиллаиб боради.

Кўчани тўзон қоплаган, киши кишини танимаслик ҳолга келган. Мен бўлсам уйга қайтиб борганимда: «Кийимларингни пес қилибсан!» - деб ойимнинг қарғишидан кўрқиб бораман.

Талайгина йўл босгандан кейин улоқ чопиладиган жойга етдик. Ўзи, тўрт тарафи кўз илғамайтирғон даражада катта ва сайхон бир ер экан. Бу жойга жуда кўп халқ йиғилган, бундаги улоқчи отлиқлар билан томошачи яёвларнинг ҳад-ҳисоби йўқ.

Катта садақайрағочнинг тагида иккита бордондек самоварга ўтин қалаб қайнатадилар. Ундан нарироқда бир-икки киши уч-тўрт қоп бодрингни бир-бирисига тираб қўйиб: «Мирза қирон бодиринг! Касир-кусир бодиринг!» деб мақташадилар.

Акамлар саданинг остига - самоварчининг палосига отдан қўндилар. Кун қизиғида туриш қийин бўлгани учун, мен ҳам тойчам билан садақайрағочнинг бир бағрига бориб турдим. Теварақдаги кишилар бир менга ва бир тойчамга қарайдилар. Мен уялиб тойчамнинг ёлини тарайман. Теварагимдаги кишилар орасида вағир-

вуғур гап, тўзумсизланиб улоқнинг бошланишини кутадилар. Бириси: «Бугун улоқ қизимайди», - деса, иккинчиси: «Бекор айтибсан, бугун улоқ жуда ҳам қизийди, чунки Салим билан Мурод чавандозлар келар эмиш», - дейди. Яна бири: «Ҳа, ҳа! Агар Салим келса, улоқ жуда ҳам қизир экан!» - деса, аллаким: «Салимнинг оти қозоқи от, қамчи кўтармайди, ҳайт деса бас!» - дейди. Тағин биров: «Улар уч киши эди, икки йилдан бери бири кўринмай қолди, ана ўшанисига чавандоз боласи бас келолмас эди!» - деса, яна аллаким: «ўлма, ўлма! Мен ҳам шуни кўпдан бери кўрмайман, гирдиғумдан келган, ердан бичиб олгандек йигит-а?» «Балли, балли! Отангга раҳмат, худди ўша йигит, қанча сўроғласам ҳеч кимдан дарагини билолмадим!»

Шу йигитнинг устида анчагина жанжал бўлиб олди, бири: «ўлиб кетган», - деса, иккинчиси: «Тирик!» - дейди, сўфироқ бир одам: «Бировга ёмон нафас қилманглар!» - деган эди, аллақайси киши: «ўлса ўлгандир, бунга нима жанжал!» - деб қўйди, тағин биров: «Бекор ҳам ўлтирибмиз-да!» - деб кулди. Яна: «Сираси-сираси!» Тағин шовқин-сурон, яна: «Ҳа, ҳа!» Тағин: «Йўқ, йўқ»...

Бир кишининг: «Ана улоқ келди!» деб юбориши билан ҳамма тип-тинч бўлиб, улоққа қараб қолди. Яна бир оздан кейин: «Улоғи ёш экан! Яхши чавандозга учурвоқ ҳам бўлмайди!» «Шуниси тузук, шуниси!» - деган жанжал бошлаган ҳам эди, майдонга икки чавандознинг от ўйнатиб кириши ҳамманинг товушини ўчириб қўйди ва секин-секин: «Салим чавандоз!» «Мурод чавандоз!» деган шивирлашишлар эшитилиб қолди.

- Қораси Салимми, чўтири?

- Салимнинг билаги кучликка ўхшайди!

Чавандозларнинг бириси кўк човкар ва иккинчиси ола отга минган баҳайбат чапани йигитлар эдилар. Булар келгандан кейин халқ чидамсизланиб қолди:

- Ана энди чин улоқ кўрасан! - дейишадилар.

- Буқун қиёмат улоғи бўлар экан! - деб бошларини чайқатиб қўядилар.

- Муроднинг отини кўр, худди қаноти борга ўхшайди.

- Кўк човкарни айтасанми, тўрукними?

- Ҳар иккаласига от етмайди, иккови ҳам яхши зот!

- Қулоғи чимирилган от чопқир бўлади!

- Қулоқда гап йўқ, гап зотда!

- Йўқ, йўқ! Серкишновда, ўзим синаб кўрдим!

- Қора от чопқир бўлади, деганлар, қораси яхши, қораси!

- Дадам раҳматлик от олганда туёғига диққат қилар эди, гап туёқда.

Баҳслашадилар, ҳар ким ўз ёнидаги билан талашади. Мен ҳам шу тўғрида ўйлаб, уларнинг айтган нишонларини қора қашқамдан қидириб топсам суюниб, топмасам куюниб тураман. Маҳалламиздаги ўртоқларимдан Нурхон, Ҳайдар соқов, Шокир мишиқилар ҳам отларини лўкиллашиб келиб қолдилар. Биз тўртовимиз отларимизни қатор қўйиб, уёқ-буёқдан гаплашиб турдик. Нурхон дадасидан ола йўргани сўраганда қилган баҳонасини айтиб кулади. Ҳайдар соқов саман отининг йўлда Шокир мишиқининг байталига қараб кишнаганини айтиб, Шокирни масхара қилади. Кулишамиз. Шокир бўлса бурнини торта-торта: «Уялиб кетдим, бундан сўғун бия минмайман», - деб қизариб-бўзарди. Отимнинг умулдириғига уларнинг ҳаваслари келиб, баҳосини сўрашдилар, мен: «ўн беш танга», - деб, кумуш қамчини ҳам кўрсинлар учун ўйнагансимон эгарнинг қошига «тақ-тақ» уриб қўяман. Улар: «Қани, қани, кумушми?» - деб қамчинни қўлимдан олиб кўрадилар. Мен секингина бошимни қимирлатиб, ўзимда алланима сезинаман. Уларнинг отларига, ўзимникига, кийимларига, кийимимга қараб, ўзимни улардан аллақанча юқорида кўраман. Ҳайдар соқов тутила-тутила... «Келинлар, бир чоптирайлик», - деди. Нурхон кўнмаса ҳам тортиб олиб кетишди. Уламинг орқасидан Шокир ҳам байталини югуртирди. Чидаб туриб бўлмас экан, улар орқасидан тойчамга бир қамчи бериб юборган эдим, жонивор икки ямлаб бир ютуб, ўн одимда уларни йўлда қолдириб кетди. Анчагина узоқлашганимдан сўнг орқамдагиларга қараган эдим, ҳамманинг кўзида мен эканман. Яна қаттиқроқ ҳайдадим. Қирнинг бир чеккасига бориб отимни тўхтатдим, талай вақтдан кейин улар отларини лўкиллашиб ёнимга етдилар. Бу ерда отларимизнинг чопқирлиги тўғрисида сўзлашдик. Нурхон, отининг чопмаслигига акасининг иссиқ ҳолда сув берганини сабаб қилиб кўрсатди. Ҳайдар соқов бўлса Эсон кўкнорининг ўғлини сўка-сўка:

- Бозорга ун учун бораётганимда бехос том бошидан гувала ташлаб юборди. Шундан бери қамчи билан юз минг урсанг ҳам жонивор қулоғини чимириб, хуркиб тура беради! - деди. Менинг қашқачам тўғрисида, Ҳайдар айтади: «Сенинг, - дейди, - отингга ҳеч от боласи етмайди!» - дейди. Нурхон айтади: «Отдан сенинг бахтинг бор экан, лекин, - дейди, - ем-ҳашакни ўзинг бер, хизматкорга ишонсанг отингни бузиб қўяди, ўртоқ, мен сенга бир айтиб қўйдим», - дейди.

Шу ерда узоққина сўзлашиб тургандан кейин яна отни кейинга қараб қўйдик. Тагин улардан ўзиб кетдим. Халққа яқинлашгандан кейин «мени ҳам таниб қўйсинлар» деб қашқачамни уст-устига

камчилашим борми, шамол-да, шамол... энди халқ бир ўзимга ва бир кора қашқамга тикила бошлади. Мен бўлсам, «мени энди танийсизлар!» деб тойимнинг ёлини қамчи сопи билан тараб тура бердим.

IV

Томошачилар орасида яна ола-ғовур кўпти: «Ана, улоқнинг солиғини йиғаётибдилар!», «Улоқ ҳозир бошланади!», «Мурод чавандоз ҳам турди!», «Салим қалпоғини кийди!», «Рўзи қассоб» улоқни бўғизламоқчи, пичоғини қайрапти!», «Бойваччалар ҳам кўзғалишдилар!», «Салим чопонини ечмоқчига ўхшайди!», «Ҳай баркалла, шоввозлар!»

Ўртоқларим билан мен ҳам улоқнинг тезроқ бошланишини кутмоқдамиз. Чавандозларнинг қайсиси тўнини ечмоқда, баъзиси отининг айилини тортмоқда ва қайси бировлар улоқнинг солиғини бермоқда эдилар. Акам ҳам шоҳи салласи билан беқасам тўнини менга бериб, ўзи ўртага от ўйнатиб кетди.

Улоқчилар бирин-сирин ўртага ғуж бўла бошлаган бўлсалар ҳам, хануз улоқ ўртага кирмаган эди. Ҳамма томошачилар сабрсизланиб: «Шу тобгача туя бўғизласа ҳам бўлар эди, улоғи яхлаб қолдими?» - дейишадилар.

Орадан талай вақт ўтгандан кейин, бўғизланган улоғини олдиға ўнгариб Ориф саркор ва унинг орқасидан бояги машҳур чавандозлар қалпоқни чаккага қия қўйиб, эгарга қийшиқ ўлтириб ўртага кирдилар. Томошачилар улоқни кўрганлари он: «Хоҳ, жонивор, бормисан!» дейишдилар.

Орадан аллаким: «Улоқнинг қони яхши ювилдими?» - деб сўраган эди, Ориф саркор:

- Хотиржам! - деди ва улоқни шалқ этиб ерга ташлади, сўнгра халққа яқинроқ келиб: «Оғайнилар! Бола-чақаларни четга чиқаринглар, от оёғида қолгудек бўлмасин, ўзларинг ҳам эҳтиётроқ жойда туринглар, хайвон билан бўлган иш қийин!» — деб айтди. Ориф саркор халқдан фотиҳа олиб, отини югуртириб тўдага кетди. Томошачилар тўдадаги ўз яқинларига: «Букун ғайратларингни кўрамиз-да!» - деб бақиришдилар.

Улоқ бошланди...

Бириси олади, иккинчиси тортади. Иккинчисининг ёнига учинчиси ва тўртинчиси қўшилиб, бирдан саккиз томонга торткилашадилар, орага четдаги улоқчилар ҳам сиқилишиб кириб, яна улоқни буйдалашадилар. Жуда қизиқ... ҳар ким улоқни ўз

тақимига босиш ҳаракатида, лекин улоқнинг думидан, оёғидан, ёлидан тортувчилар жуда ҳам кўп. Тўдадан олиб чиқиш жуда қийин. Баъзан улоқни тўдадан олиб чиқувчи ҳам кўриниб қолади, бироқ унинг кетидан улоқчилар чуғурчукдек ёпирилишиб ўн-ўн беш кадамда тутиб оладилар. Яна тортиш бошланади. Бу ёқдаги томошачилар: «Тақимга бос, тақимга!», «Отнинг бошини қўй, човига қамчини шиғаб бер!», «Бўш келма, маҳкам тут!», «Юганини бўшат, қамчингни тишлаб ол, ёнингга алаҳсима!», «Олдинг, олдинг!», «Берма, чапга бурул, чапга!», «Тут, қўйма!», «Вой тўймагур, бериб юбординг-а, ўз кўнглингда сен ҳам улоқчисан-да!», «Отинг ҳаром қотсин, отми, эшакми - бу ҳаром ўлгуринг?»... деб ҳар хил товушда бақиришадилар. Улоқ ерга тушиб кетиб қолса, томошабинлардан баъзиси югуриб бориб ердан улоқни даст кўтариб олади, укаси, ошнасими - ишқилиб бирорта яқин кишисига тутқизмоқчи бўлади. Лекин бошқа чавандозлар улоқни ундан олмоқчи бўлиб устига дув йиғиладилар, у бермасликка тиришади, бошқалар ўртага санжоб қилиб сиқадиладар. Бечора анчадан кейин оксоқланиб ёки қўлини силаб ўртадан аранг чиқиб кетади. Отаси боласини, акаси укасини танимайди, чанг-тўзон, терланган, пишилган, ҳар ким улоқни тақимига босиш қайғусида. Бош ёрилиб, кўз чиққан билан, отдан йиқилиб қўли синган билан парвойи-фалак... Ишқилиб, улоқни тақимга босилса бўлди... Тақимга босиш ўзи жуда ҳам нашъалик-да!

Лекин тақимга босиш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди, тақимга кўпроқ босувчилар бояги чавандозлар; азобланиб, ўлаёзиб бўлса ҳам улоқни тақимга босгач, отга қамчи бериб эллик-олтмиш одим нарига қочиб борадилар-да, яна орқадагилар тарафидан ўралиб олинадилар. Яна тортиш.

Улоқ бошланганидан бирор соат вақт ўтган эди. Бирдан улоқчилар сув қуйгандек тинчиб, тортиш ўрнида тўпланишиб қолдилар. Биз, отлиқ-яёв томошабинлар ҳам ҳаммамиз ўртага югуришдик. Мен кейинроқ борганим учун отлиқ-яёв халқ ўртани сириб олган эди. Мен чеккада қолдим. Ҳар қанча уринсам ҳам ўртага киришнинг эпи бўлмаганидан кейин одамларнинг оғзига қараб турдим. Лекин улоқчилар орасидаги ҳодиса ҳаммага ҳам номаълум эди. Ҳар кимнинг юзида таажжуб ва бир-бирисидан: «Нима гап?» - деб сўрашар эди.

Бир неча дақиқадан кейин: «Қимирлатманг, қимирлатманг!» - деган товуш эшитилиб, халқ яна таажжубга тушди.

- Нарӣ бўлинглар, ҳовв! - деб ўртадан биров бақирди. Халқ бир четлик бўлиб, йўл очди.

- Нима гап, нима гап?
- Ҳеч нарса эмас... Эсонбойни от босипти!
- Қўрқинчли эмасми?
- Йўқ, сағал.

Кишилар бир-бирига қараб: «Фалокат-фалокат», — дейишдилар.

Нари тур-бери тур қилиб, беш-олти киши отга босириқ бўлганни ўртадан олиб чиқдилар. Кишиларнинг кўмаги остида келтириб, саданинг остига ётқиздилар.

Дарров бир киши аравага юборилди, биттаси ўзига келармикан, деб ўлгудек бўлиб ётган Эсонбойнинг юзига сув сепиб кўрган эди, кимир этмади.

- Беш-олти отнинг тагида қолди-да, бечора!

- Ўнта отнинг тагида қолса ҳам ҳеч гап эмас-ку, бироқ қалтисроқ жойидан босганга ўхшайди...

- Умри боқи бўлса ҳеч гап эмас.

«Бечора бултурги ҳайитда менга ярим сўм ҳайитлик берган эди. Илоҳи яхши бўлсин», деб кўнглимдан ўтказдим. Арава келди. Эсонбой акани аравага ётқиздилар. Акам уч-тўртта ўртоқлари билан арава ёнида Эсонбойни кузатиб шаҳарга жўнаб кетди.

- Шўр пахта қилсин, кепак қиздириб боссин, — деб халқ чувурлашиб қолди.

Улар жўнагандан кейин улоқ яна бошланиб кетди. Мен улоқ тугагунча томоша қилиб турдим. Лекин яхшики энди ҳеч кимни от босмади.

* * *

Кеча мени от қоққан экан, ўрнимга киришим билан тирракдек қотиб ухлабман. Эрталаб ойим: «Тур, тур тезроқ, даданг келса наҳ ўлдиради!» - деб устимдан кўрпамни тортиб тишлади. Мен уйқули кўзим билан: «Дадам бозор кетмадими?» - деб сўраган эдим, ойим:

- Эсонбойнинг жанозасида! - деб жавоб берди. Менинг уйқум ўчди.

* * *

МУҲАММАД РИЗО ОГАҲИЙ

АЛИШЕР НАВОИЙГА МУҲАММАС

Фалакким яхшилар базмида қадримни баланд этмас,
Дами йўқким ямонлар мажмаида мустаманд этмас,
Бу ҳасратдин кўзим ашки йўлин бир лаҳза банд этмас,
Мани ман истаган ўз суҳбатида аржуманд этмас,
Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Фиғонким даҳру дун ичра рафиқи топмадим огаҳ,
Қаён борсам бўлурлар ғулвашлар ҳамдаму ҳамрах,
Тиларлар баҳра мандин, мен тилаб топман биридин, ваҳ,
На баҳра, топғоман ондинки мандин истагай баҳра,
Ўзи ҳам баҳраманд ўлмас, мани ҳам баҳраманд этмас.

Кўзи заҳри эса ҳар нечаким мойил мамотимға,
Лаби шаҳди эди роғиб ўлимдин ҳам нажотимға,
Бу дам восил иймон ул қотили Исо сифотимға,
Нетой ҳуру пари базминки қатлим ё ҳаётимға,
Аён ул заҳр чашм айлаб ниҳон бу нўш ханд этмас.

Чико олмай кўнгул ҳайрондур усру шому фурқатдин,
Тўқар ашкини кўз ҳам интизори субҳ васлатдин,
Иложи бўлмаса ул маҳваши хуршид талъатдин,
Керакмас ой ила кун шакликим ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Бугун чобаклар ичра йўқ эди ул шахсуворимким,
Бирини қилмади манзур чашми ашкборимким,
Ғубор осо нетонг гар қолмаса сабру қароримким,
Керак ўз чобаку қотилвашу мажнун шиоримким,
Бузуқ кўнглимдин ўзга ерда жавлон саманд этмас.

Савод зулфини кўргач юмар Огаҳий тун деб кўз,
Юзиға нозир ўлғоч ҳам тутар қўл бирла кун деб кўз,
Кўнгул, ҳайратға қолма кўрмас они не учун кўз,
Ул ой ўтлуғ юзин очса Навоий тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра писанд этмас.

* * *

РУБОИЙЛАР

Зарра учубон наййири аъзам бўлмас,
Ер болиш этиб авжи фалак ҳам бўлмас,
Инсон аро нодонни билинг хайвондур,
Хайвон неча зўр айлса одам бўлмас.

Ваҳким,яна зулмини аён этти фалак,
Бағримни ҳажр аро қон этти фалак,
Кўз йўлидин ул қонни равон этти фалак,
Охир манга кўрки қасди этти фалак.

Қилмоқ била парвариш тикон гул бўлмас,
Ҳам тарбият ила зоғ булбул бўлмас,
Гар асли ямонга яхшилиқ минг қилсанг,
Яхшилиқ онинг нияти билкул бўлмас.

То тушти фироқ ўтиға бемор кўнгул,
Юз дарду ғаму аламга дучор кўнгул,
Даврон ситами тиғидин афгор кўнгул,
Бўлмиш мандин малулу безор кўнгул.

* * *

ТУЮҚЛАР

Ғам юки то қоматим ё қилмади,
Оҳим ўтиға фалак ёқилмади,
Қилмади раҳми манга,худ ўзгага,
Билмадимким қилдиму ё қилмади.

Дўстлар, ҳамроҳлиғ айлаб борингиз,
Тунд хў ёрим қошиға борингиз,
Бир кеча базмимға келтурмоқ учун
Бош оёқиға қўюб ёлборингиз.

Дард захри солди чинлар қошима,
Келмади ҳолим сўрарға қошима,
Ғам юкин чекмакда, эй дил,чобак ўл,
Ҳаргиз ушбу ишда бошинг қошима.

Чехрасининг гарчи муҳрак нори бор,
Бергуси доим ниҳоли нори бор,
Сигмоғун базмим аро, эй муддаий,
Телмуриб турма бу ерда,нори бор.

* * *

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

АНОР

Ҳикоя

*Уйлар тўла нон, оч-наҳорим болам,
Ариқлар тўла сув, ташинаи зорим болам.
Ўтмишдан*

Туробжон эшикдан ҳовлиқиб кирар экан, қалами яктагининг энги зулфинга илиниб тирсаккача йиртилди. Унинг шашти қайтди. Жўхори туяётган хотини унинг қўлидаги тугунчани кўриб, келисопни келининг устига қўя чопди. Кели лапанглаб ағанади, чала туйилган жўхори ерга тўкилди.

Туробжон тугунчани орқасига бекитиб, тегишди:

- Акажон, дегин!

- Акажон! Жо-он ака!..

- Нима берасан?

- Умримнинг ярмини бераман!..

Туробжон тугунчани берди. Хотини шу ернинг ўзида, эшик олдида ўтириб тугунчани очди-да, бирдан бўшашиб кетди ва секин бошини кўтариб эрига қаради. Ўз қилмишига гердайиб турган Туробжон унинг кўзида жикқа ёш кўриб:

- Нима эканини билдингми? - деди. - Асаларининг уяси! Турган-битгани асал! Мана, мана, сиқсанг асал оқади. Буниси оқ мум, ҳаром эмас - шимса ҳам бўлади, чайнаса ҳам бўлади.

Хотин энгини тишлаб бир нуқтага қараганича қолди.

- Ё, қудратингдан, ишонмайди-я! - деди Туробжон келтирган матоини титкилаб. - Мана, чайнаб кўр! Кўргин, бўлмаса иннайкейин дегин...

Туробжон қизарди. У бир замон бетоб ўртоғини йўқлаб элтган тарвузини, бемаза чиққан бўлса керак, сигирнинг охурида кўриб шундай хижолат бўлган эди.

Ҳовли юзида айланиб юрган оқсоқ мушук тўкилган жўхорини искаб кўрди, маъқул бўлмади шекилли, Туробжонга қараб шикоятмуз «мяу» деди.

- Тур, жўхорингга қара! Уни кўр, мушук тегди.

Хотин тураётиб баралла йиғлаб юборди.

- Бу ер юткур қандай бало экан!.. Одамлардай гулутага, тузга, кесакка бошқоронғи бўлсам-чи!

Туробжон дўпписини бошидан олди ва қоқмоқчи бўлганида кўзи йиртиқ энгига тушди, юраги ачиди: энди уч-тўрт сув ювилган янгигина яктак эди!

- Ахир, бошқоронғи бўл, эвида бўл-да! - деди дўпписини коқмасдан бошига кийиб. - Анор, анор... Бир қадоқ анор фалон пул бўлса! Сахаримардондан сув ташиб, ўтин ёриб, ўт ёкиб бир ойда оладиганим ўн саккиз танга пул. Акам бўлмаса, укам бўлмаса...

Эр-хотин тек қолишди. Хотин жўхорини туйиб бўлди, уни келидан тоғорачага солаётиб тўнғиллади:

- Ҳавасга анор ейди дейсиз, шекилли...

- Биламан... Ахир, нима қилай? Хўжайинимни ўлдириб пулини олайми, ўзимни ҳиндига гаров қўяйми? Ғалатимисан ўзинг?

Хотин овқатга унади, эрининг «бошқоронғи бўл, эвида бўл-да», дегани унга жуда алам қилди, хўрлиги келди, ўпкаси тўлди. Овқат пишди. Қозоннинг занги чиқиб қорайган гўжага катик ҳам ранг киргизолмади. Туробжон икки коса ичди, хотини эса ҳануз бир косани яримлатолмас эди. Унинг имиллашини кўриб Туробжоннинг кўзига негадир оқсоқ мушук кўринди. Мушук йиртилган енгини эсига туширди, авзойи бузилди. Унинг авзойидан «эссиз жўхори, катик, ўтин» деган маънони англаб хотин, кўнгли тортмаслигига қарамасдан, косани бўшатди, аммо дарҳол том орқасига ўтиб кўзлари қизарган, чакка томирлари чиққан ҳолда қайтди.

- Ҳали туғилмаган болани ер юткур дединг-а, - деди Туробжон борган сайин тутақиб.

Хотин индамай дастурхонни йиғиштириб олди, қозонга сув қуяётиб, эшитилар-ешитилмас деди:

- Ўша асалнинг пулига анор ҳам берар эди, - деди Туробжон заҳарханда қилиб. - Анор олмай асал олдим!

- Албатта берар эди! Албатта анор олмай, асал олгансиз!

Мана шундай вақтларда тил қотиб оғизда айланмай қолади, мабодо айланса, муштнинг хизматини қилади.

- Ажаб қилдим, - деди Туробжон титраб, - жигарларинг эзилиб кетсин!

Бу сўз унга қандай таъсир қилганини фақат бошқоронғи хотингина билади. Туробжон бу гапни айтди-ю хотинининг аҳволини кўриб аччиғидан тушди, агар иззат-нафс қўйса ҳозир бориб унинг бошини силар ва: «Қўй, хафа бўлма, жаҳл устида айтдим», дер эди.

- Кишининг юрагини қон қилиб юборасан, - деди анчадан кейин. Наинки мен асал олсам! Асал отликқа йўқ, ҳали биз пиёда-ку! Хўжайинга бир ошнаси совға қилиб келган экан, билдирмасдан... ўзидан сўраб озроғини олдим... Ўзи берди. Тансиқ нарса, хурсанд бўлармикансан дебман. Ё тансиқ эмасми? Умрингда неча марта асал егансан? Ўзим умримда бир марта еганман: Шокирхўжа кандолатчи

асал қиём қилдираётганда қозонига аммамнинг жўжаси тушиб кетганди, шу жўжани ялаганман...

Туробжоннинг бу сўзлари хотинининг қулоғига нотайин бир ғулдираш бўлиб кирар эди. Унинг Туробжон билан уй қилганига уч йил бўлиб келаётир, назарида, бу одам шу уч йилдан бери ғулдираб келган, ҳозиргиси шунинг давомидай эди. Иттифоқо, бу кун, нима бўлди-ю, уч сўзни равшанроқ айтди: «Жигарларинг эзилиб кетсин», деди. Оламда унинг суянгани эри, бирдан бир орзуси - анор эди, бирданига ҳар иккиси ҳам йўққа чиқди.

Хотин уйга кириб кетди. Анчадан кейин дарчадан хира шуъла тушди. Туробжон ҳам кирди. Хотин дарча ёнида, бир тиззасига бошини қўйган, қорамтир - кул-ранг осмонга қараб ўтирар эди. Туробжон тикка туриб қолди. Токчадаги бешинчи чироқ пихиллаб ёнар, унинг атрофида катта бир парвона айланар эди. Туробжон ҳам дарча ёнига ўтирди. Шифтнинг қаеридир «қирс» этди, қаердадир калтакесак чирқиллади, Туробжоннинг қулоғи жинғиллади. У ҳам осмонга - хира юлдузларга қаради. Масжиддаги кекса бақатерак орқасидан кўтарилган қизғиш ўт кўкка оловли из қолдириб жуда юқорилади ва гўё осмонга урилгандай чилпарчин бўлиб, «пўп» этди.

- Мушак, - деди Туробжон, - Муллажон қозининг боғида. Муллажон қози бешик тўйи қилган.

Хотин индамади.

- Шаҳардан тўралар ҳам чиққан, - деди Туробжон яна. Хотин яна индамади. У Муллажон қозининг боғини кўрган эмас, аммо таърифини эшитган. Бу боғни кўз олдига келтириб кўрди: боғ эмас, анорзор... Анор дарахтларида анор шиғил, чойнакдай-чойнакдай бўлиб бўлиб осилиб ётипти.

- Битта мушак уч мири,— деди Туробжон, — юзта мушак отилса... биттангадан юз танга. Бир миридан кам — етмиш беш танга бўлади.

Ер-хотин узоқ жим қолишди. Туробжон оғзини катта очиб ҳам эснади, ҳам уф тортди.

- Ма, буни тик, - деди у яктагини ечиб, - ма!

Хотин ятакни олиб ёнига қўйди, афтидан, ҳозир тикмоқчи эмас эди.

- Бўл, - деди Туробжон, бирпасдан кейин, - ол... Сенга айтяпман!..

- Ҳа, мунча!.. Туртмасдап гапира беринг... Тикиб қўярман, мунча қистов...

Туробжоннинг тепа сочи тикка бўлди.

- Ҳай, сенинг димоғ-фироғинг кимга! Хўш, нима дейсан?

- Мен сизга бир нарса деяпманми? Тикиб кўярман.

- Ҳар нарсага рўзгор аччиқ бўла берса... кийинроқ бўлар,— деди Туробжон яктагини кияётиб, — камбағалчилик...

- Камбағалчилик ўлсин!

Хотин бу гапни шикоят тарзида айтди, аммо Туробжон буни таъна деб тушунди.

- Нима, мен сени олганимда камбағаллигимни яширганмидим? Эркабойга ўхшаб чимилдиққа бировнинг тўни, кавуш-махсисини кийиб кирганмидим? Бундай армонинг бўлса ҳали ҳам серпулроқ одамга тег.

- Иккита анор учун хотинингизни серпул одамга оширгани уялинг!

Бу гап Туробжоннинг ҳамиятига тегди. «Жигарларинг эзилиб кетсин» дегани хотинига қанча алам қилган бўлса, бу гап Туробжонга шунча алам қилди.

- Э, ҳой, анор олиб бермадимми? — деди Туробжон майин товуш билан, аммо бу майин товушдан кўрккулик эди, — сира анор олиб келмадимми?

- Йўқ! - деди хотини бирдан бошини буриб.

Туробжоннинг боши ғовлаб, кўзи тинди.

- Ўтган бозор куни еган анорингни ўйнашинг олиб келганмиди?!

- Ўйнашим олиб келган эди!

Туробжон билолмай қолди: хотинининг елкасига тепиб, сўнгра ўрнидан турдими, ё туриб кейин тепдими; ўзини обрезнинг олдида кўрди. Хотин, ранги оппоқ, кўзларини катта-катта очиб унга ваҳимали назар билан қарар ва бошини чайқаб пичирлар эди:

- Қўйинг... Қўйинг...

Туробжон уйдан чиқиб кетди. Бирпасдан кейин кўча эшиги очилиб-ёпилди.

Хотин узоқ йиғлади, эрига қаттиқ гапирганига пушаймон бўлди, ўзини қарғади, ўлим тилади; йиғидан толиб ташқарига чиқди. Қоронғи, узоқ-яқинда итлар хураар эди.

Кўча эшигини очиб у ёқ-бу ёққа қаради - жимжит. Гузар томонда фақат битта чироқ милтиллар эди. Самоварлар ётган. Қайтиб уйга кирди.

Том орқасида хўроз қанот қоқиб қичқирди. Кўча эшиги очилди. Хотин то бурилиб қарагунча Туробжон катта бир тугунни орқалаб кириб келди. У тугунни уйнинг ўртасига ташлади. Бир чойшаб анор ҳар томонга юмалаб кетди, бир нечаси обрезга тушди. Туробжон хотинига қаради. Унинг рангини кўриб хотин кўрқиб кетди - бу қадар

оқарган! Туробжон ўтириб пешонасини ушлади. Хотини югуриб олдига келди ва елкасига қўлини қўйди.

- Қаёққа бордингиз? - деди энтикиб. - Нима қилдингиз? Туробжон жавоб бермади. Унинг вужуди титрар эди.

* * *

ҲАМИД ОЛИМЖОН

ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Новдаларни безаб ғунчалар,
Тонгда айтди ҳаёт отини
Ва шаббода қурғур илк саҳар
Олиб кетди гулнинг тотини.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади,
Қанча тиришсам ҳам у беор
Еллар мени алдаб кетади.

Майли, дейман ва қилмайман ғаш,
Хаёлимни гулга ўрайман;
Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,
Бахтим борми, дея сўрайман.

Юзларимни силаб, сийпалаб,
Бахтинг бор, деб эсади еллар.
Этган каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар...

Ҳамма нарса мени қаршилар,
Ҳар бир куртак менга сўйлар роз,
Мен юрганда боғларга тўлар
Фақат бахтни мақтаган овоз:

«Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сикқанича ол,
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол.

Умрида ҳеч гул кўрмай, йиғлаб
Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда,
Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб
Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда...»

Деразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

* * *

САИД АҲМАД

ЛАЙЛАК КЕЛДИ

Ҳикоя

Кампир самовар кўяман деб ҳовлига чиқса, ноғора товуши ешитилгандек бўлди. Беихтиёр осмонга қаради. Чорбоғ этагидаги оқ терак учида хурпайган сават уйда лайлак турибди, у офтоб чиқаётган тарафга қараб, томоғини тақиллатяпти.

- Ҳа, жонивор, келдингми? — деди кампир. Кампир бирдан бўшашиб кетди. Қандай қилиб чой дамлаганини, неварасининг лой бўлиб кетган шимини қандай чўткалаганини билмайди. Унинг хаёли жуда узоқларга кетиб қолган. Невараси портфелини кўтариб чиқиб кетганда ҳам ҳар кунгидек орқасидан остонагача бормади, у дарахтзор оралаб мактаб томонга кетгунча кузатиб қолмади. Айвон даҳанига бедармон чўкканича кимирламай ўтириб қолди.

Лайлак ҳамон мунгли ноғорасини тарақлатади. Кампир бу лайлакни танирди. Лайлак ҳам унга ўхшаш ёлғиз. Жуфтини қор қуюнлари орасида йўқотган. Икки аламзада, икки ҳижронзада бир ҳафтача мана шу уйда дардлашишган. Бирга йиғлашган...

...Урушнинг охирги йили, ерта кўклам еди. Ҳали баҳор келмай, кунлар исиб кетган, дов-дарахт бемаҳал куртак очиб қўйган, деҳқон бир томчи ёмғирга зор кунлар.

Лайлак келди.

Лайлак қанотида кўклам олиб келади, дейишарди. Унинг бемаҳал ноғораси кўклам келганига одамларни ишонтириб қўйганди.

Ўша кезлари Умрихон хувиллаб қолган уй остонасида ўтириб гоҳ йиғларди, гоҳ олисда жон олиб, жон бераётган ўғлининг, ерининг дуои жонини қиларди.

Лайлак келган куннинг ертаси кечга бориб, ҳаво айниди. Умрихон бир кун аввал сандални йиғиб ташлаган, ҳовлидаги ўчоқни суваб, айвонга жой қилганди. Кеч пайти кўзғалган изғирин уни яна уйга ҳайдади.

Ташқарида изғирин увиллайди, дарахт новдаларини айқаш-уйқаш қилиб, очик қолган ешикни ғичирлатади. Изғирин қор бошлаб келди. Сал ўтмай том-тошлар оқарди.

У йеттинчи чироқни олдига қўйиб, ерининг тўнини йелкасига ташлаганича қунушиб ўтирарди. Ешик ғичирлади. Аввалига у шамол ешикни очгандир, деб ўйлади. Кейин беихтиёр ўтирилди.

Ярим очик ешикдан лайлакнинг боши кўринди. Умрихон нималигини билмай сесканди. Қимирламай, тикилганча тураверди. Шамол ешикдан қор учириб кирди. Лайлак чўчиб уй ичкарисига қочди, лапанглаганича уй бурчагига бориб қунуқиб олди. Умрихон ҳайрон еди. У ҳам лайлакдек қимирламай ўтираверди. Аммо ташқарида шамол ҳар хуруж қилганда, ҳар гал қор ешикдан ёпирилиб кирганда лайлак жойидан нари сурилар, кўзлари бесаранжом бўларди.

Умрихон ўрнидан туриб, ешикни зичлаб беркитиб келди. Йелкасидаги чопонини унинг устига ёпмоқчи еди, лайлак ёцираб ўрнидан туриб кетди.

- Қўрқма, жонивор, қўрқма. Совқотибсан, кел, иситиб қўяй. — Лайлак тахмон тагига бориб, бурчакка суқилиб олди. Умрихон унинг устига чопон ёпди. Йелкада анча илиб қолган чопон иссиғи унга хуш ёқди шекилли, бўйнини, иягини кўрпача устига узунаси қўйиб, кўзларини мўлтиратганича ётаверди.

Умрихон ҳам жойига бориб ўтирди. У тиззасини қучоқлаганича унга тикиларкан, бир неча дақиқада дунёни хаёлан кезиб чикди. Уруш бўлаётган жойларга борди. Оловлар ичига кирди. Ўғлини ҳам, ерини ҳам тополмади. Назарида, у ҳам шу лайлакдек мунгли, кимсасиздек бўлиб қолди. Ёғи тугаб, пилиги сўхта бўлган чироқ аста-аста хиралашиб, бир пўп етдию ўчди. Умрихон қоронғида тимирскиланиб жой солди, яна алла-паллагача у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб ётди.

Ерталаб кўзини очса, дераза ойналари қиров бойлабди. Лайлак ҳамон қимирламай иягини кўрпачага қўйганича кўзларини жавдиратиб ётибди.

Умрихон ташқарига чикди. Қор тинган.

Ҳаммаёқ оппоқ. Куртак ёзиб қолган тол новдалари егилиб йерга тегай деб турибти. Ўрик шохидан айвон устунига тортилган кир арқони йўғонлашиб кетибди. Обдастада қолган сув музлабди.

Бирдан Умрихоннинг кўзи қордаги изларга тушди. Кимнингдир товуғи ҳовлида тонг отгунча кезибди. Қорда айланма излар, гоҳ судралган, гоҳ юрган. Из охири Умрихон кеча суваган ва ўт ёқиб сув қайнатган ўчоқ олдига бориб тўхтаган. Умрихон ўчоқ олдига борди. Қараса, бир лайлак ўчоқдан бошини чиқазиб қотиб қопти. У бу сирнинг маъносига йетди. Бу уйдаги лайлакнинг жуфти. Кеча сават уяда икковлашиб кўкламни чақиришаётган еди. Совуқ изғирин уяларидан қувган. Қоронғида бир-бирини йўқотганлар.

Кушлар жуда сезгир жонивор бўлади. Жуфтининг шу ҳовлига кирган изини сезган-у, совуқда қарахт бўлиб изини йўқотган. Кечаси билан бошпана, иссиқ жой қидириб, қор кечган. Охири, ҳали кундузги ўтнинг тафти кетмаган ўчоққа бош суқиб, шу жойда музлаб қолган...

Умрихон беихтиёр терак учига қаради. Сават уя ҳам қорда хурпайиб қопти. У ўйлаб ўтирмай ошхонадан кетмонни олдию лайлакнинг мурдасини авайлаб кўтарганича чорбоққа кирди. Девор тагини ковлаб, музлаган лайлак устига тупроқ тотди. Кейин езилиб, кўзлари намли, мотамсаро бир ҳолда уйга кирди. Лайлак ҳамон жойидан қимирламасди. Ешик очилганда у бошини кўтариб, умид билан ялт етиб қаради. Ким билади, у жуфтини кутаётгандир.

То қор ериб, яна кунлар исиб кетгунча Умрихон унга андармон бўлиб турди. Шу орада Умрихоннинг бошига қора кун тушди. Почтачи ешик қокди. Унинг бетига қарамай хат бердию шошганча кетди. Қорахат. Умрихон урушда шаҳид бўлганлар уйига келган қорахатларни кўравериб қанақалигини билиб қолган еди. Бирпасда кўз олди қоронғилашди-ю, остонага ўтириб қолди. Хаёлига ҳеч нарсаси келмас, ўзи еса ҳеч нарсани кўрмас еди.

Шу кўйи у қанча ўтирганини билмади. Бир маҳал хотираси ўрнига келгандай бўлдию дод деб юборди.

Кимдан, қайси биридан, ўғлиданми, ериданми?

Ўқдек отилиб ўрнидан турди. Рўмоли ўтирган жойида қолди. У тўхтамай югурарди. Югурганида сочлари тўзғиб кетди. Йўлда учраган одамлар унинг аҳволини кўриб тўхтатишар, орқасидан қараб қолишарди. Охири у почтачини қувиб йетди. Йелкасига осилиб, кўйлагини йиртиб юборди. У негадир бу шум хабарни мана шу одам олиб келган деб ўйларди. Шу топда у фақат шуни биларди: почтачи ё ерини, ё ўғлини ўлдирган.

Одам тўпланди. Улар почтачини Умрихоннинг чангалидан ажратиб олишди. Хотинлар Умрихонни суяб, уйига олиб келиб қўйишди. Шу куни у еридан жудо бўлган еди. Уйнинг бир бурчида лайлак, бир бурчида Умрихон қимирламай ўтиришарди. Умр бўйи шу алфозда ўтириб бўлмайди-ку. Умр бўйи кўзёш тўкиб бўлмайди-ку! Шу алфозда бир умр ўтираверса, шол бўлади, шу алфозда тинмай кўзёш тўкаверса, одам боласи кўр бўлади-ку!..

Офтоб чарақлаб кетди. Умрихон ҳам ўрнидан турди. Деразалардан уйга яна кўклам шабадаси кирди. Бир-бирига ўрганиб қолган икки аламзада ҳовлига чиқишди. Лайлак қанотларини кериб бир интилдию беғубор осмонга кўтарилди. Умрихон унинг терак учига қараб интилганини кузатиб туради. Лайлак уясига қўнмади, яна қайтди, чорбоғ тепасидан, уй тепасидан айланди, олисларга қараб кетди, яна қайтди. У жуфтини изларди. Куни билан у гоҳ уяга қўнар, гоҳ қанот қоқиб аллақерга қараб учиб кетарди. Кеч кириб сават уяда яна унинг ноғораси тарақлади. Енди у аввалгидек шўх куйламасди, унинг ноғораси мунгли еди...

Кўп ўтмай шаҳарларга ўт қўйган, одам қонини дарё қилиб оқизган уруш тугади. Ҳаммаёқ чинакам кўклам либосида еди ўша кун. Томларда лолақизғалдоқ гулхани ёнарди. Болаларнинг қўли кулупнай сувидан қизил, қизлар қулоғига қўшалок гилосдан исирға тақилган эди.

Қишлоқ кўчалари гавжум. Хонадонларда кўпдан унутилган патефон товуши. Келинчакларнинг юзига ранг кирди. Умрихоннинг ҳовлисидаги ариқ бўйида икки туп гул-сапсар очилди. Йигитлар келишяпти. Терак учида лайлак ноғора чалади. У кимни кутаётганикин? Умрихоннинг ҳам бағри тўлди. Ўғли қайтди.

Яна баҳор келди. Мана шу баҳор Умрихон келин кўрди. Тўйда куни билан чорбоғ тепасида лайлак ноғора чалди. Аммо Умрихон неvara кўрганда кўпдан кадрдон бўлиб қолган лайлак келмади. Уяси ҳувиллаб қолди. Умрихон бўш уяга маънос тикилиб, ўйга толди. Ким билади, лайлак қайдадир ҳижрон дардида оламдан ўтгандир. Шу-да, қачондир ўлмоқ бор. Аммо ҳижрон дардида ўлиб кетишни ўйласанг, дунё кўзингга қоронғи бўлиб кетади. Яхшиям зурёд бор. Ана шулар бахти учун яшагинг келади. Айни шулар илинжи одамзодни, бутун жондорни яшашга чақиради. Ҳадемай ҳувиллаб қолган уяга икки лайлакча келди. Ким билади, улар балки ўша лайлакнинг болаларидир. Ҳарқалай, уя бўшаб қолгани йўқ-ку!

Йиллар ўтиб кетди. Ҳамма нарсани Умрихон унутди. Неварасининг шўхлиги уйдан ҳижрон аламларини қувиб чиқарди. Боланинг йигит бўлишини, сафга қўшилишини кутиб ентикади.

Айниқса, кундузлари уйга бола тўлиб кетади. Уларнинг шовқини, кулгуси, гап-сўзлари Умрихоннинг юзларидаги ажинларини ёзиб юборгандек бўлади. Тезроқ неварагинамнинг тўйини кўрсам, дейди. Яшагиси келади. Аммо ҳар баҳор лайлак келганда, чорбоғ тепасида унинг ногорасини ешитганда юраги езилиб кетади. Бу товуш унга еридан келган қорахатни, ярим қоронғи уйда икки ҳижронзаданинг товушсиз йиғлаган кунларини еслатиб қўяди.

Бугун яна лайлак келди. У қанотида кўклам олиб келди. Кўча тарафдан мактабга ўтаётган болаларнинг товуши ешитиляпти. «Лайлак келди, ёз бўлди...» Бу неварасининг овози. Бу овоз оламдаги барча товушларни босиб кетгандек бўлди. Гўё бутун дунёдаги одам боласи томга чиқиб, шу боланинг севинч тўла товушига қулоқ солаётгандек...

* * *

ҲУСНИДДИН ШАРИПОВ

ОНА МЕҲРИ

Биласизми, қадим-қадимда
Куз бўлмаган, киш ҳам бўлмаган.
Гул ва япроқ. кучган заминда
Одамлар ҳам сира ўлмаган.
Яллаларга туташиб «ёр-ёр»,
«Ёр-ёр»лардан алла туғилиб,
Яшайверган ҳамма бахтиёр,
Боғлар аро қушдай йиғилиб.
Йиллар ўтиб,
Қаригач кам-кам
Ва фарқ бўлгач хусни ажинга,
Даво излаб борарди одам
Мангу илиқ уммон-азимга.
Ҳар нарсага - бир санъат насиб,
Денгизнинг ҳам бор эди сеҳри:
Суви тегса,
Тушарди тузиб
Танда қариб-қақшаган тери.
Қадди-қомат яна баркамол,
Чехра яна чиройга тўлиб,

Йигит бўлиб кайтар эди чол,
Қайтар эди кампир
қиз бўлиб.

Шу тариқа айланиб ҳаёт,
Ғарази йук,
Арази ҳам йук,
Ёшу кекса яшар эди шод,
Бир-биридан доим кунгли тўқ.
Кейин эса...

Кунлардан бир кун
Фарзанд курди мунис бир аёл.
Чақалоғи тўқлидай дуркун,
Сергак эди синчалак мисол.
Тўлғоқларда бўшаб бўғини,
Она сезиб ўзини хаста,
Мажбур бўлди,
қўйиб ўғлини,
Денгиз сари бормоққа аста.
Тез орада,

қилгандай парвоз,
Қайтди уйга яна ёш бўлиб:
Тишлари дур, кўзлари олмос,
Оқ юзли ва қора қош бўлиб.
Улкан эди кувончи қалбда,
Соғинчлари эса ундан мўл.
Муҳаббати чўғланиб лабда,
Узатди у фарзандига қўл,
Титраб кетди ва лекин тани,
Ахир,

қаранг,
Афсус ва ҳайҳот,
Ачом-ачом айламай уни,
Бола бирдан кўтарди фарёд.
Эмасди бу ғашлик ё зарда!
Гап шундаки,
бўлса ҳам зийрак,
Онасини,

биринчи марта,
Таниёлмай қолганди гўдак.
Майли,
сочи қорами - оқми,

Ўз онасин қиларди талаб.
Кеча-кундуз йиртиб томоқни,
Ўз онасин қиларди талаб.
Она аввал туйди ифтиҳор
Ўғли бунча севганлигидан.
Сўнг ҳис этди ўзини ночор
Бунча зор-у, бунча йиғидан.
Қайси аёл чидайди, ахир,
Кўз ёшга ғарқ ўғлин кўрмоққа?!
Нима қилсин?
Йўл олди охир
У қайтадан соҳир қирғоққа.
Истаб топди тунов кун ўзи
Ташлаб кетган қари терисин,
Мана,
 порлаб боланинг кўзи,
Тош бўлса ҳам дарди,
 эрисин:
Ўз тўзиган пўстини она
Елкасига илди қайтариб,
Ўғлонининг ёнига яна
Аввалгидай қайтди у қариб.
Қаддин аммо ҳис этди баланд
Ўғли таниб,
 қоққанда қанот.
Бўлмас ахир бахтиёр фарзанд
Кулгусидан ортиқ мукофот!
Кўчиб энди меҳр зиёси,
Гудак гулдай ўсиб борарди.
Волида ҳам умридан рози,
Умри эса
 тузиб борарди.
Лекин отмас терисин юлиб,
Авайларди боласин ғамдан
Ва...
Оламда биринчи бўлиб
Ўша аёл ўтди оламдан.
Мен - ҳаётнинг содиқ аскари,
Ғазабим бор номард ўлимга.
Оналарга олқиш айтгали
Қалам олдим бугун қўлимга.

Янграйверсин билмасдан қайғу
Фарзандларнинг қўлидаги соз!
Сиз ва менга бу тоза туйғу
Ўша мунис онадан мерос.

* * *

ЭРКИН ВОҲИДОВ

ЎЗБЕГИМ

Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.
Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Ўрхун хати,
Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.
Ал-Беруний, Ал-Хоразмий,
Ал-Фароб авлодидан,
Асли насли балки Ўзлук,
Балки Тархон, ўзбегим.
Ўтдилар шўрлик бошингдан
Ўйнатиб шамширларин
Неча ҳоқон, неча султон,
Неча минг хон, ўзбегим.
Тоғларинг тегрангда гўё
Бўғма аждар бўлди-ю,
Икки дарё — икки чашминг,
Чашми гирён, ўзбегим.
Қайсари Рум найзасидан
Бағрида доғ узра доғ,
Чингизу Боту тиғига
Кўкси қалқон, ўзбегим.
Ёғди тўрт ёндин асрлар
Бошингга тийри камон,
Умри қурбон, мулки торож,
Юрти вайрон, ўзбегим.

Давр зулмига ва лекин
Бир умр бош эгмадинг,
Сен — Муқанна, сарбадор — сен,
Эрксевар қон, ўзбегим.
Сен на зардушт, сен на буддий,
Сенга на оташ, на санам,
Одамийлик дини бирла
Тоза имон, ўзбегим.
Маърифатнинг шуъласига
Талпиниб зулмат аро,
Кўзларингдан оқди тунлар
Кавкабистон, ўзбегим.
Тузди-ю Мирзо Улуғбек
Кўрагоний жадвалин,
Сирли осмон тоқига илк —
Кўйди нарвон ўзбегим.
Мир Алишер наърасига
Акс-садо берди жаҳон,
Шеърият мулкида бўлди
Шоҳу султон ўзбегим.
Илму шеърда шоҳу султон,
Лек тақдирига қул,
Ўз элида чекди ғурбат,
Зору нолон ўзбегим.
Мирза Бобур — сен, фиғонинг
Солди олам узра ўт,
Шоҳ Машраб қони сенда
Урди туғён, ўзбегим.
Шеъриятнинг гулшанида
Сўлди маҳзун Нодира,
Сийм танни ювди кўз ёш,
Кўмди армон, ўзбегим.
Йиғлади фурқатда Фурқат
Ҳам муқимликда Муқийм,
Нолишингдан Ҳинду Афғон
Қилди афғон, ўзбегим.
Тарихинг битмакка, халким,
Мингта Фирдавсий керак,
Чунки бир бор чеккан оҳинг
Мингта дoston, ўзбегим.
Ортда колди кўҳна тарих,

Орта қолди дард, ситам,
Кетди ваҳминг, битди захминг,
Топди дармон, ўзбегим.
Бўлди осмонинг чароғон
Толе хуршиди билан,
Бўлди асрий тийра шоминг
Шуълаафшон, ўзбегим.
Мен Ватанни боғ деб айтсам,
Сенсан унда битта гул.
Мен Ватанни кўз деб айтсам,
Битта мужгон ўзбегим.
Фахр этарман, она халқим,
Кўкрагимни тоғ қилиб,
Кўкрагида тоғ кўтарган
Танти деҳқон ўзбегим.
Ўзбегим деб кенг жаҳонга
Не учун мадҳ этмайин!
Ўзлим билмоққа даврим
Берди имкон, ўзбегим.
Мен буюк юрт ўғлидурман,
Мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
Содик ўғлон, ўзбегим.
Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўксим осмон, ўзбегим.
Қайга бормай, бошда дўппим,
Ғоз юрарман гердайиб,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.
Бу қасидам сенга, халқим,
Оқ суту туз ҳурмати,
Эркин ўғлингман, қабул эт,
Ўзбегим, жон ўзбегим!

* * *

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

НОТАНИШ ОДАМ

Ҳикоя

Овга бораётган эдим, ҳаво айниди. «Баҳор ҳавоси-да, бир севалаб ўтар», деб кетавердим. Бироқ сал ўтмай ёмғир шундай қуйиб бердики, бирпасда уст-бошим ҳўл бўлиб, баданимга ёпишиб қолди. Шунда, турган еримдан икки юз қадамча нарида жар ва жарга тушаверишда овчилар, йўловчилар қўниб ўтадиган камарча борлиги ёдимга тушди. Жарга яқинлашишим билан шувоқ иси аралаш тутун димоғимга урди. Камарга кирдим. Ўртада гулхан ёнар, четроқда оқчил чакмон кийган, ўрта бўй бир киши эшагининг айилини бўшатарди.

- Саломалейкум.

Нотаниш одам менга қаради-да, бошимдан-оёғимгача кўз югуртириб чиқди. У қирғиз башара, лекин қошлари қуюқ, қирқ ёшлардан ошган, бақувват киши эди.

- Ааалекум.

Ўт бошига чўнкайдим. Этигимни суғуриб, тагини оловга қаратиб қўйдим. Пиджагимни ечиб, тиззамга ёйдим. Нотаниш одам гулхан ёнига қайтди, бир даста шувоқни тагига қўйиб ўтирди.

- Хў-ўш, йўл бўлсин, йигит? — деди у. Унинг оҳангида алланечук киноя борга ўхшаб кетди.

- Овга, қишлоқдан, — қисқа жавоб бердим.

- Ҳали овчиман данг? — дафъатан пихиллаб кулди у ва гулханга ўтин қалай бошлади.

«Овчиман! Бунинг нимаси кулгили?!» деб жеркиб бергим келди-ю, «ҳа!» деб қўя қолдим.

- Нега ёмғирда қолдингиз? — сўради у жилмайишини қўймай.

- Қолдим-да.

- Ёмғир ёишини билмадингизми?

- Қайдан билай.

- Булутни кўриб эдингизми?

- Ҳа.

- Галламанг, кўрганингиз йўқ.

- Оббо, мендан... нима истайсиз ўзи, амаки?

Суҳбатдошим менга хотиржам кўз ташлаб олди.

- Керакли нарсани кўра билишингизни истайман холос. Кўрган бўлсангиз: булут тоғдан эмас, чўлдан кўтарилаётган эди. Кўриниб туриптики, бу булут тўккан ёмғир анча-мунча маҳалда тинмайди.

Агар булут тоғдан пастлаган бўлса, унинг йўриғи бошқа эди. Шуни кўра билганингизда, илгарироқ ўзингизни панага тортардингиз, сувга чўмилиб, бундай қунишиб ўтирмас эдингиз.

Мен тишимни тишимга босиб, жим қолдим.

Ёмғир қуйяпти. Камарнинг «пеш буруни»дан тош «остонаси»га шариллаб лойқа, қизғиш сув тўкиляпти. Нам шувов ҳиди анқийди. Нотаниш одам ўрнидан турди.

- Хафа бўлманг, йигит.

Чақмоннинг ёқасини кўтариб, бошини қоплади, камардан чиқди. Сал ўтмай ярмиси ҳўл бир кучоқ ўтинни кўтариб кирди. Уни камарнинг тўрроғига элтиб ташлади-да, менга қарамай, «исина беринг», дея яна чиқиб кетди.

«Исина беринг? Оловини миннат қилганими!» Пиджакни кийиб, ўрнимдан турдим. Камардан чиқарканман, нотаниш одамни кўрдим. У пастда, сойнинг ёқасида югура-ела, дарё тошқини тошларнинг тагига тикиб ташлаган шох-шаббаларни терарди. «Ҳа, пишиқ одам. Бу ўтинларни уйга олиб кетади. Эшагиям тайёр». Нотаниш одам ўтин учун камар билан сой орасида яна уч-тўрт марта қатнагач, кийимларини сиқиб, жойига келиб ўтирди. Менга кўз қирини ташлаб, ўчаётган чўғларни дағал бармоғи билан титкилади.

- Томоша қилинг, ёмғирнинг ёғишида кўнгилга ёқадиган бир дилгирлик бўлади, - деди у. - Кўп яхши нарсалар ёдга тушади. Айниқса ўт ёнида ўтириб томоша қилсанг. Келинг-е, йигит, ўтиринг.

Мен, ўзим ҳам билмайман, нима учундир юмшаб қолдим.

Белбоғини ечиб ўртага ёйди. Эшакдаги хуржундан битта ёғлиқ патир билан бешта қўй қуртини олиб белбоққа қўйди:

- Дастурхонга қаранг.

- Раҳмат, қорним тўқ.

- Раҳматни егандан сўнг айтасиз.

Мен битта қуртни олиб шимий бошладим.

Иккаламиз ҳам жим, ташқарида шувиллаб ёғаётган ёмғирга қараб ўтирибмиз. Сой соҳилига кўкчил туман ўрмалаяпти. Соҳилнинг сўл томони буғдойи куйиб кетган пайкалдай қорайиб кўринади. Унинг устига булутлардан йўл-йўл зангор чизиклар осилиб тушган. Бора-бора у чизиклар оқарди, қорайиб кўринаётган ерлар ҳам ёришди. Атроф ойдинлашиб, уфқ кенгайиб кетди. Қуёш чиқди. Биз ҳам камардан чиқдик.

- Хайр, йигит, овингиз барор олсин, - деди у. - Менинг гапларимдан хафа бўлманг.

У эшагига минди. Менинг хаёлимга у териб келиб камарга ташлаган ўтинлар келди.

- Амаки, ўтинингизни унутдингизми дейман?

- Йўқ, йигит, унутганим йўқ, — кулимсиради у, — сиз уйга олиб кетади деб ўйладингизми?

Уйимда ўтиним бор. Мана, серёмғир кунлар бошланди. Сизу бизга ўхшаган бирон йўловчи бу камарга кириб қолгудек бўлса, совуққа қунишиб ўтирмасдан, тайёр ўтинни ёқиб исинади, шулар учун тердим.

У кетди. Мен камар оғзида, ундан кўз узолмай қараб қолдим.

* * *

АБДУЛЛА ОРИПОВ

ОНАЖОН

Онам Турди Эрдона Карвон қизи хотирасига

I

Неча кунки йўқ оромим
Келолмайман ҳушимга.
Онажоним кечалари
Кириб чиқар тушимга.

Қўлларида оқ элпиғич
Ой нурида ялтирар.
Онажоним имлаб мени
Қошларига чақирар.

Келтирарлар гоҳо бешик
Кўзларида ҳаяжон.
Ётар пайтинг бўлди-ку дер,
Кела қол, дер, болажон.

Қайларгадир югураман,
Фиғонимдан чиқар дуд.
Йиғлама, деб қўлларимга
Тутқазарлар сўнг тобут.

Тонгда руҳсиз кўз очаман,
Қовурилар танда жон.
Онажоним, бундай қилма,
Бундай қилма, онажон.

Ахир ўзинг дер эдинг-ку,
Силаб ўксук бошимни:
— Энди сенга берсин умр,
Сенга берсин ёшимни.

Афсус, ўзинг эрта кетдинг,
Эрта кетдинг оламдан.
Укаларим бағрим эзар,
Ажрадик деб онамдан.

Бевақт хазон бўлмай ҳар ким
Ёшаб ўтсин дунёда.
Онажоним, ҳар ким ошин
Ошаб ўтсин дунёда.

Гарчи фано ҳар кимсага
Азалий бир қисматдир.
Лекин, она, тириклик ҳам
Билсанг, ярим ҳикматдир.

Тушларимда, майли, бошим
Силаб тургин, онажон.
Қолганларга энди умр
Тилаб тургин, онажон.

II

У кун четда оҳ чекардим
Ғуссаларнинг дастидан.
Сен отамга пул берибсан
Ёстиғингнинг остидан.

Айтибсанки, онасизлик
Келмасин ҳеч ўйига.
Сарф қилингиз, менга эмас,
Абдулланинг тўйига.

О, ўғлингга сен шафқатни
Билардинг-ку, онажон.
Бундан кўра бағрим ўйсанг
Бўларди-ку, онажон.

Заррагина раҳм этгали
Сабринг менга йўқмиди?
Онажоним, бундан ўзга
Жабринг менга йўқмиди?

Йўқмиди ҳеч ўзга гапинг, —
Нола қилиб сўйласанг.
Наҳот, ахир сўнгги дам ҳам
Фарзандингни ўйласанг.

Ахир орзу қочиб кетмас,
Битказар-ку тириклар.
Онажоним, бир кунини
Ўтказар-ку тириклар.

Унутилар ғуссалар ҳам,
Орзулар ҳам чўзар бўй.
Онажоним, балки бир кун
Айтганингдай бўлар тўй.

Балки сенинг қабринг узра
Кўкарганда гул, чечак,
Остонамга қадам қўяр,
Сен истаган келинчак.

Кимдир унинг йўллариға
Балки гул ҳам сочади.
Балки мунис опажоним
Кел, деб, қучоқ очади.

Балки дўстлар даврасида
Камим бўлмас ҳеч қачон.
Лекин сени ўша дамда
Қайдан топай, онажон.

III

Эсимдадир, титрар эдим —
Ғамгин, болиш пастида.
Китобимни кўрдим ногоҳ
Бошгинангнинг остида.

Тошдай қотдим ўшал они
Бор тоқатдан айрилиб.
— Шоир ўғлим, — дединг менга
Секингина қайрилиб.

Онажоним, сўнг бор менга
Нафас қилдинг у замон.
Шоир бўлгин, дея балки
Хавас қилдинг у замон.

Онажоним, балки мен ҳам
Бир кун шавққа тўларман.
Балки мен ҳам айтганингдай
Бир кун шоир бўларман.

Куйлай десам ҳурматингни
Ушбу кунда тилим лол.
Балки фақат шу сабабли
Шоир бўлсам эҳтимол.

Балки сарсон-аросатда
Қолиб кетмас бу таним,
Камолимни кўрар балким,
Юртим, она Ватаним.

Пайти келиб тўлар бир кун
Паймона ҳам беомон.
Кузатарлар мени ҳам сўнг
Сенга томон, сен томон.

Балки у кун бошим узра
Дўстлар бош ҳам эгадир.
Ўша дамги иқболим ҳам,
Онажоним, сенгадир.

Дилда неки журъатим бор,
Дилда неки ҳаяжон,
Бари, бари сенга бўлсин,
Сенга бўлсин, онажон.

Сенга бўлсин бор ҳаётим,
Номим, шоним бир йўла.
Хотирангга ушбу шеърни
Ёзди ўғлинг Абдулла.

* * *

ХАЙРИДДИН СУЛТОНОВ

БИР ОҚШОМ ЭРТАГИ

Уни қишлоқда ҳамма танийди-ю, исмини ҳеч ким билмайди. Ҳамма уни «Қори», «Қори ака», деб чақиради, орқаваротдан эса «Кўр Қори», деб атайдилар. Кўча-қўйда тупроққа қоришиб юрадиган иштончанг гўдаклар унинг ортидан: «Қорака, Қорака, бугун кино қанақа?» дея чувиллашиб қочадилар-да, сал нари боргач: «Елпесе»ни айтиб беринг!» деб бақиришади.

У бундан хафа бўлмайди. Қачонлардир ота-онаси бешик устида умид билан қўйган асл номини ўзи ҳам унутиб юборгандек, кулиб қўя қолади. Хуллас, паст бўйли, елкалари туртиб чиққан, юзи ирғай хассасидек чўтир букиши барчага баробар беозор эрмак - «Қори ака», вассалом.

Кўз ўрнида - туксиз қошлар тагида йилтирайдиган иккита кўкимтир соққа; эғнида - қишин-ёзин қора тринкадан камзул-шим, оёғида - укаси бир замонда ҳарбийдан кийиб қайтган қўпол ботинка; лабида - ...қўшиқ!

Қори ашула айтишни яхши кўради. Яхши кўради-ю, яхши айтмайди. Яхши айтса, яхши кўрмасди-да. У пана-панада ўзича хиргойи қилиб юрадиганлардан эмас - тўйларда расмана ўртага чиқиб, гоҳ тақсимча, гоҳ чилдирма чертиб ашула тортади.

Унинг ҳовлиси қишлоқнинг дала йўли бошланадиган нариги четида. Яқин-атрофда бу икки хона, олди пешайвонли уйдан бошқа бирорта иморат йўқ. Уйи «тупканинг тагида»лиги сабабли Қорини ҳеч ким тўй-маъракага айтмайди. Лекин кечқурун неча жойда тўй бўлса, барчасида унинг ҳозир у нозирлигини ҳамма билади.

Бугун ҳам шундай бўлди.

Ноғора тарақлайди. Сурнай нола қилади. Йигит-яланг ўртадаги гажакдор жувоннинг муқомига маҳлиё. Кўзлар сархуш, қулоқлар батанг.

Бу шовқин-суронни фақат Қоригина эшитмайди. Тахта курсининг бир четида, пиёладаги совиб қолган чойга тикилган қўйи жимгина ўтирибди. Вужуди ўзига хўп таниш бўлиб кетган ўша бир оғиз гапга маҳтал:

- «Энди навбат — маҳаллий хушовоз хонандаларимиздан Қори акага!»

Аммо ҳали унгача узоқ - еру кўкни бузиб сурон солаётган карнай-сурнай тинақоладиганга ўхшамайди.

Қори нурсиз кўзлари билан тўрдаги чорпояларга синчиклаб разм солди. Ишқилиб, қари-қартанглар кетиб қолмасин-да!

У буни кўп синаган: чоллардан бирортаси даврани бошқараётган жингалаксоч, маҳмадана йигитни чеккага имлаб, қулоғига нимадир деб шивирлайди. Йигит ўнг кафтини кўксига босиб илжайди, бориб микрофонни оларкан, яна оғзининг таноби қочади:

- «Энди навбат — маҳаллий хушовоз хонандаларимиздан...»

Сўнг Қори пайпасланиб ўртага чиқади. Авваллари бу гапни эшитганида уялар, ғаш келар эди, ахийри кўникиб кетди.

Совиб қолган чилдирмани дарҳол қўлига тутқазадилар. Бир томоқ кириб, кулимсирашга уринади-да, кейин...

Кейин нима қилишни Қори яхши билади: қий-чувларга, чор атрофдан ёғилаётган қочириғу лукмаларга қар бўлиши керак, тамом-вассалом! Даврада қари-қартанглар кўпроқ бўлса - айти муддао: ортиқча гап-сўз кўтарилмайди. Тўрттала ашуласини бирданига айтади: пешанасининг терини артиб, секин жойига ўтиради - тамом-вассалом!

Лекин ҳали унғача узоқ, кутиш керак. Тўй ҳам қиймат бўляпти-да: Мажид буғалтир ўғлини уйлантиряпти-я!

Қори осмонга қараб хомуза тортди. «Ёмғир ёғмасмикан?» — деб ўйлади.

Унинг тайин бир касби йўқ. Ёшлигида, кўзи дардга чалинмасдан илгари колхоз боғида ишлаб юрарди. Кўзи хиралашиб қолгач, пенсияга чиқаришди. Ўшанда қишлоқ шўросининг раиси, раҳматли Умар меш бир куни уни идорасига чақириб: «Қори, пенсадаман, деб узун кекириб ётаверманг, милтикнинг ўқидек овозингиз бор экан, юртнинг хизматини қилиб тулинг, кам бўлмайсиз», деб тайинлади. Ҳатто бир-икки тўйга ўзи етаклаб олиб борди. Шу-шу, Қори «Маҳаллий хушовоз хонанда» бўлиб қолди...

Сурнай узун нолиш қилиб тинди. Олағовур кучайди. Қори сергакланиб тиззалари орасидаги ирғай ҳассасини ўнг қўлига олди. Жингалаксоч йигит илжайиб ўртага чикди.

— Раҳма-ат, саломат бўлинглар! — дея хитоб қилди у машшоқларга. — Азиз меҳмонлар! Бугун Сотимбой билан Дилафрўзхоннинг бахт тўйига шаҳардан севикли хонандамиз Умархон акам ўз дўстлари билан ташриф буюрганлар. Ҳозир Умархон акам бу икки ёшга бахт тилаб, дил сўзларини қўшиқ орқали ифодаламақчилар. Марҳамат, Умархон ака.

Қори билинар-билинемас хўрсиниб, ҳассасини ёнига суяб қўйди. Навбат энди шаҳарлик меҳмонларга келган бўлса... Ҳали Обиджон бор, ундан кейин Фотих, кейин Кабиркул, ундан кейин...

— Ти-нганг, дўстлар: Умархон акам қўшиқ айтади, қалб кўрини қўшиб айтади!

Қори бош чайқади. Бу бола бунча сўзамолликни қаердан ўрганган экан-а? Ҳаммани оғзига қаратиб ўтирадиган бунақа чиройли гапларни қаердан оларкин? Тўйда отарчилар-ку бўлгувчи эди, энди даврани бошқарадигани «очарчилар» ҳам чиққан. Илгарилари бунақа эмас эди.

Илгарилари... Унинг кўнгли сув ичгандек бирдан ёришди. Илгари бутун бошли қишлоқда Қорининг ўзи ягона хонанда эди. Бирорта тўй, бирорта базм усиз ўтмасди. Кейин эса... Кейин оёқ тагидан мана шу зумрашалар чиқиб...

Лекин бугун Қори уларни боплайди. У ўзича сирли илжайиб кўйди. Ҳа-ҳа, барчасини боплайди! Ишқилиб, чоллар кетиб қолмаса бўлгани.

У пиёладаги совиб қолган чойдан хўплаб, ашулага кулоқ солди.

- *Ой юзингга тўймайма-а-ан...*

«Қизиқ, - деб ўйлаб кетди Қори, - бу, ашулани ёзадиган одамлар ашулага хотинини ёзармикан? Мана, ўзим ҳам доим «Жамолинг васфини эй, ой...» деб айтаман. Ахир, бу осмондаги ой эмас-ку! Хотиним... хотиним эмасдир, ҳарҳолда?»

У кўзларини юмди. Кўз ўнгига кимлиги номаълум «ой жамол» эмас, қоп-қора бўшлиқ келди.

«Пулни ҳам қириб оляпти. Эҳ!..»

Қори ўйлаб кетди: навбати келганда, индамай ўртага чиқади-да, «Яратибди»дан бошлайди. Кейин, йўқ, яхшиси... «Яратибди»дан бошласа, ғала-ғовурда биров билармикан? Ёки...

Қори безовта эди. Бироқ қуюқ-суюқ овқат тортилиб, «миллий ноғора базм» ва «хушовоз хонандалар» бир неча кур давра айлангунча сабр-тоқат билан кутиб ўтирди.

Сўриларда одам сийраклашиб қолган. Боягина игна ташласа ерга тушмайдиган қаторлар энди тишсиз оғиздек кўзга хунук кўринади. Ниҳоят, «очарчи» ўртага чиқиб илжайди:

- Энди навбат - маҳаллий хушовоз хонандаларимиздан Қори акага!

Уч-тўртта чол ўтирган тўрдаги чорпоя томондан: «Э, Қори қаердасиз?», «Ҳа, бўлақолинг, чаққонгина!» деган хитоблар янгради.

Қори каловланиб ўрнидан тураркан, негадир тиззаси қалтирагандек бўлди. «Оёғим увушиб қолибди-да», деб ўйлади.

У нимадан бошлаш ҳақида ҳали муқим бир қарорга келмаган эди - жингалаксоч йигит қўлига чилдирмани тутқазиб ишшайди:

- Мана, Қори ака, ишқилиб ўзингизга инсоф берсин, жудаям музлатворманг! Бир жуфтгина бўлса бас!

Қори беписанд илжайди. Сўнг чилдирмани одатдагидек так-так чертиб, хирқироқ овоз билан бошлади:

- *Ишқингда мани волаю ҳайрон яратибдур...*

Бир дам тинчиган тўйхона яна олаговурга кўмилди.

Қори ҳарчанд эътибор бермасликка тиришса-да, тўрт томондан ташланаётган луқмалар қулоғига чалинади эди:

- Яшанг, Қори ака, сиздан бошқа ҳеч ким ўлмасин!

- Оғзини қара, оғзини! Худди колхознинг боғига ўхшайди, ваҳ-ҳа-ҳа!

Пойгак томондаги бурчакда ўтирган кўқон дўппили озғин ўспирин афти буришганча кимгадир жаҳл қилиб баланд овоз билан қичқирди:

- Э, жўнатвор, тўртта қатламасини бериб!

Кенжа деган қоп-қора, бақалоқ йигит Қорининг чаккасига пул қистираркан, оғзидан ароқ ҳидини гупиллатиб:

- Ҳали ҳам даққионусдан қолган ўша пластинками, Қори ака! - деб кулди.

Қори ашулани шартта тўхтатиб: «Ука, мана, ҳозир кўрасиз!» — деб юбораёзди.

У «Яратибди»ни тезроқ тугатиш учун ҳеч қаёққа қарамай шоша-пиша айтаётган эди, тўсатдан дароз бўйли, эғнидаги кўк нейлон кўйлагининг этаги шимидан чиқиб кетган йигит гандираклаб ўртага тушди. Мингинчи лампочка тагида тўхтаб, чўнтагини кавлаштира бошлади, кўзини қисганча бир даста пулни ёруққа солиб кўрди. Иккита беш сўмликни ажратди-да, куракдек кафтида ёғимлаб, Қорига яқинлашди.

- *Тарсобачани зорати имон яратибдур...*

Йигит Қорининг енгидан тортди:

- Ҳўв, манга қаранг! Бу, ҳаде-еб, нима бало деб чулдираяпсиз? А? Чулчутмисиз ё?

Қори енгини унинг чангалидан чиқаришга уриниб, илжайди:

- Ука, бу Машрабнинг ашуласи...

— Бошши қотирманг! Ашрап-Машрапингиз билан ишим йўқ. Давай, бир «Лаълихон»ни тортинг, ҳа, қани шу ойимча бир йўрғаласин!.. Дў-ўст-т, қаддингдан!..

Қори уни, ҳазиллашяпти, деб гумон қилиб, кулди:

- Нимага иршаяпсиз? А? Ҳўв, сиздан сўраяпман, нега иршайдингиз? Ё очиб қўйибдимми?

Атрофда кулги қийқирик:

- Ҳа, Соли паранг, чўтал ундирмагунча қўймайсан!

- Шуни «Елпесе»га ўйнатсангиз-чи, Қори ака!

Қори атрофга жавдираб қаради. Жингалаксоч йигит сўрининг олдида гажакдор жувон билан гап сотиб турар, чоллар ўтирган чорпоя бўшаб қолган эди.

- Қани, айтмайсизми?. Мана пул, мана, кўряпсизми? «Лаълихон»ни битта айтасиз — ҳаммаси сизники. К-келишдикми?.. Хўв, кўзидан, қани, буёққа қаранг!.. Э, Қори, ҳалиям қаққайиб турибсизми?

- Уни билмайман, ука. Мен бошқа нарса айтиб бера қолай? Яқинда ўрганувдим.

- Бошқа нарса? Нима у? А? «Елпесе»ми?

- Мана, ҳозир...

- Шош-шошманг, олдин отини айтинг. Оти қандақа?

- «Кўча боғи, биринчи».

- Нима-а? Вей, сиз мани маст, деб, а? Биз сизга масхара бўп қолдикми? Ман мастми?! - у кўксига муштлади. - Айтинг, мастми?

- Йўқ, ука, сизни маст дедимми?

- Бўлмаса, нега... ҳиқ, уйингизнинг номерини айтиб бошимни қотирасиз? А? Хўв, манга қаранг...

Оломон сийраклашиб қолган, гур-гур кулги... Қорининг томоғига нўхатдек бир нарса тикилди. Атрофга жавдиради. Жингалаксоч йигит уларнинг ёнига яқинлашди:

- Э, нима жанжал? Ҳа, Қори ака, бўлдимми?

- Йўқ, Қори ҳозир «Лаълихон»ни айтади, нарироқ тур! Чақир анави опангни!

- Ҳа, Қори ака, айтсангиз айтақолинг, шу Соли паранг ҳам бир хурсанд бўлсин! - деди йигит кулимсираб.

- Билмайман-да, ука.

Соли паранг гандираклаб, унинг енгидан ушлади:

- Нега билмайсиз? А? Бизга келганда билмас бўп қолдингизми? Йўқ! Ё бизнинг пулимиз ҳаромми? Йў-ўқ, айтасиз! Айттираман!

- Ўлма, Соли паранг!

- Э, бўлди-да, ўртани ҳам совутиб юбординглар! - Ноғора базм бўлсин!

Жингалаксоч йигит ўртага тушиб келаётган иккита норғул йигитчага кўз қисиб қўйди-да, микрофонни қўлига олди.

- Яна навбат — ноғора базмга! Марҳамат, Усмон ака!

Йигитлар кула-кула Соли парангни судраб олиб чиқиб кетишди. У эса яккаш оғзидан тупук сочиб бақирар эди.

Сурнай янгради. Гажакдор жувон муқом билан даврага тушди. Келишган, атлас кўйлак чиппа ёпишган қомат ширакайф кўзлар ўнгида тагин жилва қила бошлади.

Жингалаксоч йигит Қорини етаклаб жойига ўтказди. «Чўталдан олинг энди», деб кулди-да, нари кетди.

Қори муздек клеёнкага тирсагини қўйиб ўтирар, бадани мисдек қизиб борар эди. Тўсатдан умрида қилмаган ишини қилди — стол устидаги ароқ шишасини очди. Пиёладаги совиб қолган чойни сепиб ташлади-да, тўкиб-сочиб ароқ қуйди, ёнида ўтирган йигитчаларни лол қолдириб, симириб юборди. Аччиқ суюқлик ичини ўт каби сидириб кетди.

Бир вақт кўзларини қисганча осмонга қаради. Етти қароқчи шундоқ тепасида милт-милт қилади. Осмон унга белангандек оппоқ...

У ҳассасини олди-да, шартта ўртага чиқди. Давра гувиллар эди. Довдираб қолган хушмўйлов доирачи индамай чилдирмасини узатди.

- Чақир... боягини... - деб илжайди. Қори ва ичкари уйда беҳузур ётган Соли парангнинг чиқишини кутмасдан ашулани бошлаб юборди:

- Дарянинг бетинде-е

Бир кавун еде-ем-м...

Хирқироқ товуши фавқулодда шанғиллар, бироқ ўзи эшитмас эди. Давра ҳамон гувилларди. Бирдан чилдирмани ерга урди-да, титроқ лабларини маҳкам тишлаганча гандираклаб тўйхонадан чиқиб кетди.

Остона ҳатлаб кўчага қадам қўяркан, кўксига муздек сой шамоли урилди. Зум ўтмай шамол миясида гувиллай бошлади: «Биров - худонинг бандаси, биров - банданинг бандиси...»

Дала йўлига тушиб олгач, пастак бир дўнгга ўтириб нафас ростлади. Ғира-шира қоронғиликда қишлоқ гун-гурсдек қорайиб кўзга чалинардн. Осмон бала-а-анд эди. Бирдан кайфи чоғ бўлиб кетди. Ирғай ҳассасини чертиб, аста хиргойи қилди:

Эй, сарвиноз, гулиани боғи малоҳатингни...

Кейин хилват боғкўчалар оралаб уйига жўнади.

* * *

МУҲАММАД ЮСУФ

ВАТАНИМ

Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзим хоқон,

Ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним,
Ёлғизим,
Ягонам дейми,
Топинган кошонам дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним...

Шодон куним гул отган сен,
Чечак отган изимга,
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга.
Синглим дейми,
Онам дейми,
Ҳамдарду ҳамхонам дейми,
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри
Илиғимсан, Ватаним.

Сен Машрабсан,
Халқда тумор,
Балхда дорга осилган,
Навоийсан, шоҳ ёнида
Фақирини дуо қилган.
Яссавийсан, меники деб,
Кўринган даъво қилган,
Минг бир ёғи очилмаган
Қўриғимсан, Ватаним.

Сен Хўжандсан,
Чингизларга
Дарвозасин очмаган,
Темур Малик орқасидан
Сирдарёга сакраган,
Муқаннасан қорачиғи
Оловларга сачраган,
Широқларни кўрган чўпон,
Чўлиғимсан, Ватаним.

Ким Қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда,
Жалолиддин – Курдистонда,

Бобуринг – Ҳиндистонда,
Бу қандай юз қаролиғ, деб
Ётарлар зимистонда,
Тарқаб кетган тўқсон олти
Уруғимсан, Ватаним...

Ўғлим десанг осмонларга
Ғирот бўлиб учгайман,
Чамбил юртда Алпомишга
Навкар бўлиб тушгайман,
Падаркушдан пана қилиб
Улуғбегинг қучгайман,
Ғичир-ғичир тишимдаги
Сўлиғимсан, Ватаним...

Ўтган кунинг – ўтган кундир,
Ўз бошингга етган кун,
Қодирийни берган замин,
Қодирийни сотган кун.
Қўлин боғлаб,
Дилин доғлаб,
Етаклашиб кетган кун,
Воҳ болам! деб айтолмаган
Дудуғимсан, Ватаним.

Ёнингда қон йиғлаган бир
Шоирингга қараб қўй,
Ғар Қўқонга йўлинг тушса,
Детдомларни сўраб қўй.
Ҳеч бўлмаса Усмон хокин
Келтирмоққа яраб қўй,
Олисларда қуриб қолган
Қудуғимсан, Ватаним...

Сен – шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,
Ота десам,
Ўғлим деб,
Бош эгиб турган чинорим,

Қўйнимдаги ифтихорим,
Бўйнимдаги туморим,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним!

* * *

ҚЎЧҚОР НОРҚОБИЛ

КИНОНИНГ ЎЗГИНАСИ

Ҳикоя

Саттор афғон ўлди, маҳалла раиси қутулди. Лекин ўзини сабабчи билиб ичи ёришмади, эзилди. Худди биров унга, сен айбдор, деяётгандай... Майит чиққан ҳовлига учинчи кун эрталаб яна борди. Ланг очик, лоғори-қийшиқ, отам замонидан қолган ёғоч дарвозага айтгулик-дегулиги йўқ, лиқилдоқ-сиқилдоқ эски курсилар тақаб қўйилган. Келган-кетган шуларга омонатгина чўкиб, марҳумнинг ҳақкига дуо қилади.

Раис эшик олдида тик туришни афзал билди, хушомадига Қудрат самоварчи югургилаб олиб келган бошқаларидан беҳироқ курсига ижирғаниб қаради:

– Керакмас. Олиб бор, жойига қўй...

Раис эзгинди, жигаридан айрилган мотамсаро қиёфасига киришга уринади. Ичидан бир оташ уради юзига, ҳа, юзи қизаради, ўзида одамийлик тамомила ўлиб кетмаганини ҳис қилади. Кўнглида хижиллик тугун боғлайди. Камига Қудрат самоварчи темир чойнакда чой дамлаб, ўзи томон қадамлайди, раис кўзини олиб қочади: “Довдир. Каттапарастлик калтафаҳм қип қўяди-да, одамни...”.

– Раис бова, чой ичинг... – дарбозанинг бир қанотига тиркалган кўҳна стол устида тўнкарилган пиёла Қудратнинг қўлида пайдо бўлиб қолади, – чой, раис бова, чой...

– Мен чой ичмайман, нега менинг олдимга келиб кино қўйяпсан, сен бола? – ўкрайди “падҳалим”га, – ўралашма бунча...

Раис рўпарасида бел боғлаб мотамқад турган кимсалар – марҳумнинг хеш-ақрабосига бир кўз қадаб, саф бошида ғўддайган Тўра мижғовга синчков назар солади. Мижғовнинг тунд ангоридан ҳеч нарсани англамади: “Демак, беҳабар. Саттор афғонни хонамдан ҳайдаб чиқарганим, кетар жафосига афғон ҳам соғ қўли билан қулоқ-чаккамга қарсиллатиб қўйиб юборганидан беҳабар. Айтмаган, ҳеч

кимга айтмаган, афғон раҳматли... Йўқса, одамларнинг оғзида эрмак, кўлида элак бўлардим. Ҳамма жим-ку...”

Шу тобда марҳумга ён кўшни Тўра мижғов ҳам маҳалла раисининг нигоҳига хавотиру ҳадик билан кўз қирини ташлади. Ҳеч бир маъно уқмади: “Айтмаган. Раис беҳабар. Ўлармидим, ўғилларимга айтиб шу тол ўлгурнинг қуриган шохлари тугул, таг-туғи билан кестириб ташласам...”

Саттор урушдан ногирон бўлиб қайтди. Сўл кўли йўқ. Кейинчалик ўнг кўли ҳам калталиқ қилиб қолди – турмушнинг тутуми-ю, рўзгорнинг ютуми аяб ўтирмади, оёқ-кўли бут, тўрт мучаси соғларни сарғайтирган бу ҳаёт тупканинг туби, тоғ тагидаги бир майда қишлоқдаги ногирон кимсага ҳам шафқат қилмади. Даромадли иш отлига топилмайди-ю, Саттор афғонга йўл бўлсин. Нафақасини нафсига бойлаб бир кунини кўраверди шўрлик. Ногиронга ноз қилувчилар кўп бўлди. Кеч уйланди. Қишлоқнинг четидаги чўнтаккўчанинг охиридан ер олиб, уй қурди. Қўлдан берганга қуш тўймас – ака-укалари ҳам ортганини илинди, лекин йўққа ямоқ не даркор, деганларидай, ўзингда бўлмаса қийин-да, хайрият, бир парча бўлса ҳам ери бор, хотини кўксига тиргак бўлади – томорқадан топгани боис қозонига қора куя ўрлайди.

Айтдик-ку, Сатторнинг ҳовлиси қишлоқ четига уланган чўнтаккўчанинг охирида. Тамом, нарёғи берк – зовлик. Аҳли қишлоқ бу жойни “жин кўча” деб айтади. Дунёбеҳабар бу шўрлик кўча пайдо бўлганига ўттиз йилдан ошди, лекин икки ҳовуч тош, бир арава шағал босилмаган. Асфальт ҳақида-ку гап бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига, Сатторнинг кўни-кўшнилари ҳам ўзидан қолишмайди, кўли юпқа, чўнтагида шамол ўйнайдиган кимсалар. Ўбир-дўққи, араванинг авра-астарини тўкадиган жинкўчага тош ётқизиб эпақага келтириш ғам-ташвишига тушган Саттор йўқ кўлининг енгини ҳилвиратиб, ғайрат-шижоат билан ҳокимиятга йўл олди. Рўпарасидаги кўшниси Тўра мижғов далда берди: “Кўшни, сиз афғонсиз. Жангчисиз. Бунинг устига, ярадор бўлиб, қўлдан айрилгансиз. Ҳокимият сизга кулоқ солмай, менга кулоқ солсинми?!”

Биринчи гал каттаконларни тополмади. Яна борди. Ҳокимиятдаги масъул раҳбар, ҳал қиламиз, фақат кейинги йиллар режасига киради, деб хонасининг остонасигача кузатиб келди-да, эшикни қарсиллатиб ёпди. Кейин бундан ҳам каттароқ амалдорга учради. У ҳам “кўриб чиқамиз”дан нарига ўтмади, кўчангиз режага кириши керак, деди.

– Қачон режага киради?..

– Кейинги йиллар.

– Ахир, мен бир ойдан кейин тўй қиламан. Қизимни турмушга чиқаряпман. Қуда-андалар олдида ноқулай-да, – асаби чатнади афғоннинг.

Мансабдор унга ажабсиниб қаради:

– Сиз бораверинг. Мен маҳаллангиз раисига айтиб қўяман. Бирорта тадбиркор-мадбиркор топилар, йўлини қиламиз.

Бу гал Саттор афғоннинг ўзи амалдор эшигини қарсиллатиб ёпди. Эртасига маҳалла раиси билан “сен-мен”га борди.

– Қаерда эшитгансан, маҳалла шағал тўшаб, асфальт ётқизиш билан шуғулланганини? – ижикилади раис.

Саттор афғон умрида бунча музтар бўлмаганди. Шундай ғавғога бош суққани учун ўзини ич-ичидан лаънатлади, умрида бировнинг олдида бунчалик мулзам бўлмаганди, худди тиланчига ўхшаяпман, деб ўйлади. Бироқ бир ойдан кейин қизининг тўйи, Худонинг ёдидан кўтарилган бу кўчага осмондан икки томчи ёғин тушса, юз ботмон лой бўлишини хаёлига келтирди. Ёғингарчиликсиз ҳам ўйдим-чуқур бундай кўчага кўникмаган одамларнинг ўпкаси тўкилади, бизлар-ку ўрганиб кетганимиз, деб ўйлади.

– Иложи йўқми? – ижирғанди.

– Иложи йўқ. Айтдим-ку, бу менинг вазифамга кирмайди деб, – хўмрайди раис.

– Давлат ичидаги давлатмиз, маҳалла ундай, маҳалла бундай, деб чиранасанлар-ку, – деди афғон ҳам боши қизиб, – қўлингдан ҳеч иш келмасканда-а?! Карриллайсанлар фақат!

– Тушунмас экансан-а? Афғон бўлсанг ўзингга. Нега менга кўзингни чакчайтирасан? Чик хонамдан, чик! Бор, қаерга борсанг, боравер! Ўша ёқдан ўлмай келибсан, шунга шукр қилиб юравер!

Раиснинг охирги гапи жон-жонидан ўтиб кетди. Асаби ўйнаб, қони қайнади. Соғ қўли билан раиснинг қулоқ-чаккасига тарсиллатиб тарсаки тортди.

Идорадан дарди дунёсига ўт кетиб қайтди. Мана шу, эскининг эсини кеткизар шалоғи шумшук ёғоч дарбозани тепиб очаркан: “Қаматсанг, каматавер, қўлингдан келганини қил!” – дея ёзғирарди. Шу тобда қаршисида қўшниси Тўра мижғов кўриниш берди:

– Ҳа, ҳамсоя, бўрими тулки? Ўхшамадими ишлар?

Саттор афғон унга ҳам ижирғаниб қараб қўйди-да, шахд билан ҳовлига кирди. Ичкаридан болта кўтариб чиқди. Томошаталаб қўшни Тўра мижғовнинг жонида жон қолмади, ортга тисланди:

–Э-й-е-е...

– Ҳамсоя, менга қаранг, манави қариб-чириб қуриган тол эпкин эсса, ерга шох ташлаяпти. Шунинг катта шохларини кесиб

ташланглар, кеча сўлоқмондай бўлиб бири ағнади. Томимни босиб қолди. Мана болта, уч ўғли бор уйнинг ҳам толи қуриб ётадими?

Тўра мижғов эшитмаганга олиб ўзини ҳовлига урди. Афғон бир кўлида болта бироз серрайиб турди, сўнг шимига тортилган қайишига болтани қистирди-да, бир кўли билан толга тирмашди. Жон аччиғида чирмашиб, танада бўртган новдага ўтирди. Ҳансиради. Кўз олди хиралашди, сўнг юрагида оғриқ туйди-да, вазнсиз бир ҳолатда ерга қулади...

Тез ёрдам машинаси шифохонага олиб кетди. У ерда бир кун шифтга термилиб ётди. Бошида жонсарак ўтирган хотинига армон билан шундай деди:

– Бизнинг ҳам ўғлимиз бўлганда эди. Сора, ўғлимиз бўлганда эди...

Кейин алаҳсиб кўп нарсаларни гапирди. Кўча... тол... тўй. Хотини Сора ҳеч нарса тушунмади. Саттор афғон тонг-саҳарда омонатини топширди.

...Хуллас, таъзиянинг учинчи куни ҳам элқўрсинга келган маҳалла раиси қаршисида серрайиб турган Тўра мижғовга бир қур назар ташлаб, нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, чўнтагидаги қўл телефони жиринглади. Телефонга қулоқ осган раиснинг туйқус ранги оқариб, тутилиб, гапини йўқотиб гандираклаб қолди.

– А-а-а, хўп. Мен шу ерданман. Бу ердами, ҳалиги Саттор афғонни сўраяпсизми? Уни у ёққа олиб боролмайман. У... У... У ўлиб қолди. Таъзияданман.

Атрофдагилар қулоғини динг қилишди. Тўра мижғов раиснинг ёнига келиб томоқ қирди:

– Тинчликми, раис?

– Тинчлик. Ҳоким, ҳокимимиз сўради. Қизиқ... – шивирлади раис.

– Кимни сўради? Сўраса сўрабди-да.

– Саттор афғонни сўради. Нима иш билан шуғулланыпти, аҳволи қандай, оиласининг шароити билан қизиқди.

Тўра мижғов алпанг-жалпанг бўлиб, раисга ҳайратланиб боқди:

– И-е-е, ҳоким сўрадимиз? Сиз нима дедингиз?

– Эшитмадингизми? Ўлган, дедим-ку, – минғирлади раис, – энди ўзи келяптийкин. Мен бу худобехабар кўчадан тезроқ катта йўлга чиқиб турай, балки аҳволни тушунтириб ўша ёқдан қайтарворарман.

Раис катта йўл томон лўкиллаб кетди.

Пешинга бориб Тоғтаги қишлоғида “алақуюн-оқтойлоқ”, тўс-тўполон бошланди. Қишлоқнинг бирдан-бир марказ кўчасидан тош-

шағал, тупрок, асфальт ортган турли-туман баҳайбат уловлар ўта бошлади. Олдида зил-замбил каттакон катогии бор асфальт ётқизғичдан тортиб, текислаш учун сургичи, қазिशга мос чўмичи бор техникалар пайдо бўлди. Борлиқ гувиллаган овоз ва тутин ичида қолди. Бирпасда замин пайдо бўлгандан бери сон-сафога кирмаган, қишлоқнинг қарғишга йўлиққан ўша “ўлик” кўчасида тиркамали тракторлар йўлни суриб текислашга киришиб кетди. Тош-шағал, асфальт ва яна алламбало юкланган баҳайбат уловлар ўз юklarини тўкиб, ғизиллаб изига қайтишар, улар худди асаларилар каби бири қўйиб, бири қатнади. Айниқса, Саттор афғоннинг уйидаги томошани кўрсангиз, бир автобус махсус кийимли ишчилар келишиб, уловдан тушишлари ҳамона афғоннинг уйига “хужум” бошлашди. Энг аввало, хароби чиққан ёғоч эшик олиб ташланди. Бир неча киши эса қийшайиб турган ўша қуриган толни кесишга киришибди, гувиллаган мотоарра кекса, баҳайбат толнинг шохларини бир зумда ғизиллатиб узиб ола бошлади. Ишчиларнинг ярми девор оқлашга киришди. Йўлакка шағал ётқизган ким, брусчатка тортган ким, рангин тошчалар тўшаб, тувакгуллар жойлаган ким... Хуллас, бир зумда уй деворлари оқланди, ромлар бўялди. Остонага қўшқанотли темир дарвоза ўрнатилиб, оч-яшил ранг урилди. Бир зумда Худо раҳмат қилгур афғоннинг уйи таниб бўлмас даражага келди. Ҳовлига ям-яшил чим ётқизилиб, “жони қаттиқ” қимматбаҳо ажнабий гул кўчатлари ўтказилди.

Эрталаб, ё қудратингдан, ўша икки чақиримга етар-етмас чўнтаккўча, жинкўча, қарғишкўча дейсизми, нима десангиз денг, тасмадай сип-силлик, равон асфальт йўлга айланибди. Кўча четидаги бошқа уйларнинг ҳам деворларига оҳак суркалиб, кўримли ҳолга келтирилибди. Айниқса, айниқса... Саттор афғоннинг баланд, ланг очик оч-яшил тусли қўшқанотли улкан дарвозаси ортида кўзга ташланган кўм-кўк чимзору гулу гулзор ҳовлисига кираверишда салобатли ва пўрим, нотаниш кимсалар саф тортиб туришарди. Кечаси билан киприк қоқмаган маҳалла раиси уйқусизликдан гарангсиб турган Тўра мижғовга шивирлаб қўйди:

– Ана, ҳокимимизнинг ўзлариям келиб турибдилар. Саф бошида. Вилоятнинг каттасиям келаркан.

– Бу дейман, Худо раҳматли Сатторжон ҳеч нарсани билдирмай юрарканда-а? – деди Тўра мижғов ич-ичидан ҳасрат ўти гуриллаб.

– Юртимиздаги энг катта раҳбарларнинг бири билан афғонда бирга жанг қилган экан. Ўша раҳбар вилоят марказига келгач, Олтинтепада менинг қуролдош жангчи ошнам бор, ўша ерга бориб, уни ҳам бир кўриб қўйсак, дебди. Афсус, у кишига Сатторжон билан

дийдор кўришиш насиб қилмади, – маҳалла раиси оғир ютиниб кўз ёшларини артган бўлди. Сўнг ер остидан ҳокимга назар солди, у киши ҳам саф бошида ғамгин бош эгиб турибди. Ёнида ҳалиги тунов кунлари бечора Саттор афғонни кўчанг таъмири режага кирмаган, деб қайтариб юборган икки мулозим ҳам қад тутган.

Йиғилганлар Сатторжон (энди)нинг яқин дўсти – энг катта раҳбарлардан бирини кутишмоқда эди... Қудрат самоварчи бир чойнак чой ва тўртта пахтагулли яп-янги пиёлани яп-янги юмшоқ курсилар ёнида ялтиллаб турган яп-янги стол устига қўяркан, ҳокимга тавозе этди ва маҳалла раисига илжайиб, хушомадгўйлик қилди:

– Азизларимиз келаркан, балки нону туз билан қарши олиш керакмикин? Иrimi шундай, шекилли?

Раиснинг жон-пони чиқиб кетди. Ўқрайиб қаради. Ўнг қўли бармоқларини бир нуқтага мушукпанжа қилиб, худди ҳар йили Тўхта чолнинг молхонаси олдида ўз-ўзидан ўсиб қолаверадиган кўкнорининг тумшуғидай тутиб сўз қотди:

– Мундайгина қилиб, қиси-и-иб ўтир, эси паст... Яна кинони бошладинг-а?

Бу машмашани хўжайин эшитмадимикин, деб саф бошига кўз югуртирганди, қўлтелефонда ким биландир гаплашаётган ҳоким юзини буриштирди-да, маҳалла раисига ижирғаниб қаради, “бу ёққа кел” маъносида қўли билан ишора қилди. Раис авзойи аёзни қўрқитар даражага келган ҳокимнинг ёнига пилдираб бориб, дами ичига тушиб кетди.

– Э-е-ей, тентаккалла, миянгга қурт тушганми? Каттаконнинг афғон ошнаси бошқа Саттор экан-ку. Сувлисой хўжалигидаги мактаб директори Саттор Тўраев у киши билан афғонда бирга бўлган экан... Кечкурун ўша ёққа бориладиган бўлибди.

Раис анграйиб қолди, ичидан нимадир чирт узилгандай бўлди. Қулоғи динг қўшни Тўра мижғов қахрли, бироқ қувонч туйғулари ифодаланган табассум билан илжайди. Ҳоким... ҳоким эса қўлтелефони орқали кимгадир захрини сочди.

– Сувлисойдаги, анави директорнинг уйини топинглар. Нима? Кўча-пўчасини эпақага келтиринглар...

Бирпасда таъзияли хонадон атрофида ҳеч ким қолмади. Ҳамма гумдон бўлди. Йўқ, биргина Қудрат самоварчи яп-янги курсига чўккан кўйи, сип-силлиқ асфальт йўлга қараб, жилмайиб турарди. Хаёлида маҳалла раисининг захар-заққум афт - ангори жонланди.

– Мана, сенга кино! Сенга кино керакмиди? Кинонинг зўри шу! – дея шивирлади ва ичкарига, ҳовлидагиларга эшиттирмай ич-ичидан, ўзини тўхтатолмай, чайқалиб кула бошлади.

ГЛОССАРИЙ

Адабий алоқа ва таъсир – адабиётларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири, бир адабиётда пайдо бўлган илғор тажриба ва анъаналарнинг бошқа адабиёт томонидан ўзлаштирилиши ва ривожлантирилиши. Бирор-бир халқ ўз қобиғида ривожланмагани каби, унинг адабиёти ҳам ташқи таъсирларсиз тараққий этиши мумкин эмас. Адабиётлар бир-бирини ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан бойитади. Адабий алоқа ва таъсир натижасида адабиётларга янги жанрлар кириб келади, янги услублар қарор топади, сайёр сюжетлар, муштарак анъаналар вужудга келади.

Адекват таржима – латинча адекватус сўзидан олинган бўлиб, тенглаштирилган маъносини билдиради, яъни тенг, мувофиқ, муқобил. Асл нусхани тўлиқ акс эттирувчи, унга ҳар жиҳатдан мувофиқ ва билан тенглашадиган таржима.

Аморф тиллар. Аффиксларга эга бўлмаган, сўзлар орасидаги грамматик алоқалар битишув йўли билан ёки ёрдамчи сўзлар воситасида ифодаланадиган тиллар. Масалан, хитой тили.

Антиномия (юнонча: anti – зид, nomos – қонун) – зиддиятлар ҳақидаги қонун (зиддиятли қонуниятлар). Таржимашуносликда ҳам бир қатор ўзаро зид, бир-бирини инкор этадиган қонуниятлар мавжуд: таржима назарияси тилшунослик асосига қурилиши керак – таржимашунослик адабиётшунослик асосига қурилиши керак; асар ҳижжалаб, сўзма-сўз ўгирилиши керак – асар эркин ижодий таржима қилиниши керак; таржима жараёнида асарни миллийлаштириш лозим – таржимада асарда тасвирланган миллий хусусиятларни айнан акс эттириш зарур; таржима аслиятдай ўқилсин – таржиманинг таржималиги билиниб турсин; таржима муаллифнинг услубини акс эттирсин – таржима мутаржимнинг услубини акс эттирсин ва ҳ.

Анъана – авлоддан авлодга ўтиб келадиган моддий ва маънавий қадриятлар. Миллий, маданий, маиший, адабий ва бошқа анъаналар мавжуд. Бирор-бир соҳа муайян анъаналардан холи эмас. Жумладан, бадиий таржима ҳам ўзининг кўп асрлик анъаналарига эга. Масалан, у ёки бу адабиётдан, тилдан, адиб ижодидан ўгириш анъанаси; тажмага турлича ёндашув анъанаси; таржима жараёнида ҳар хил усул ва қоидаларни қўллаш анъанаси; ҳар турли принциплар асосида таржима қилиш анъаналари; миллий сўзлар, тушунчалар, ибораларни таржима қилиш анъанаси ва бошқалар.

Аслият – таржима учун асос бўлган асар, оригинал. Лекин бу таъриф бевосита таржимага тааллуқли бўлиб, билвосита таржима учун унинг бошқа тилдаги таржимаси, баъзида ҳатто таржимасининг таржимаси ҳам аслият вазифасини бажаради.

Автоматик таржима – машинавий таржима. Бу кибернетика фанининг кашфиёти бўлиб, математик мантиқ асосида тил материалларини дастурлаштиришга асосланган. Автоматик таржима фақат бир маъноли сўзлар ва бир хил грамматик тузилишга эга тиллардан бўлган таржимадагина муваффақият келтириши мумкин. У сўзларни ўз ўрнида таржима қилиб қўяди – кейин улар асосида қайта гап тузиш, яъни иккинчи иш қилиш керак бўлади. Автоматик таржима асло ижодий таржиманинг ўрнини босолмайди.

Автосемантик гап. Мустақил гап, грамматик жиҳатдан бошқа гап билан боғланмаган, коммуникатив жиҳатдан тугалланган гап.

Афоризм. Ихчам шаклли, чуқур мазмунли, муаллифи аниқ гап: Оз демак ҳикматга боис, оз емак сиҳатга боис (Навоий).

Бадиий матн – насрий, шеърий, драматик ва публицистик асарлар матни. У бошқа матнлардан тилнинг ифодавийлик ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Бадиий матннинг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) образлилик; 2) тасвирийлик; 3) ифодавийлик; 4) услубий бўёқдорлик; 5) таъсирчанлик.

Бадиий таржима – бадиий асарлар – насрий, шеърий, драматик асарлар таржимаси. Тилдан муқобил воситалар излаб топиш ва танлаш хусусиятига эгаллиги жиҳатидан ҳар қандай таржима ижодий характер касб этади, лекин тилнинг ифодавийлиги билан чамбарчас боғлиқлиги ва бадиият қонуниятларига бўйсунити туфайли бадиий таржима санъат ҳисобланади. Шунинг учун бадиий таржима тил билган ҳар қандай мутахассис шуғулланиб кетаверадиган соҳа эмас, унга шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунослар ва бадиий таъдан бобаҳра кишиларгина қўл урадилар.

Бевосита таржима – бир тилдаги асарнинг иккинчи тилга тўғридан-тўғри аслиятдан ўгирилиши. Бу – энг тўғри ва мақбул йўл бўлса-да, барча тиллардан бевосита таржима қилиш имконияти ҳамиша ҳам мавжуд эмас. Шунинг учун воситачи тил хизматидан фойдаланишга тўғри келади.

Билвосита таржима – воситачи тил орқали таржима қилиш. Билвосита таржиманинг икки шакли мавжуд: 1) муайян асарни унинг бошқа тилдаги таржимаси орқали таржима қилиш; 2) тил

билмайдиган таржимон учун махсус тайёрлаб бериладиган таглама асосида ўгириш.

Билингвизм (лотинча: bu – икки, lingvia – тил) – икки тиллилик, зуллисонайнлик. Жаҳон адабиёти тарихида уч (масалан, Убайдий ўзбек, форс-тожик ва араб, А.К.Толстой рус, француз ва немис), ҳатто тўрт (масалан, И.С.Тургенов рус, немис, француз ва инглиз) тилда ёзган адиблар ўтган бўлса-да, кўпчилик икки тилда ўз салоҳиятини намоён қилган. Билингвизм (зуллисонайнлик, двуязычие) ҳодисаси кенг тарқалган тушунчадир.

Гап бўлақларининг тартиби. Гап бўлақларининг ўзаро маълум грамматик қонун-қоида асосида, маълум синтактик, семантик, стилистик қиймати билан боғлиқ ҳолда жойлашуви. Гап бўлақлари тартибининг икки тури бор: 1) тўғри тартиб, 2) тескари тартиб ёки инверсия.

Гапнинг грамматик (синтактик) структураси. Гапнинг уни ҳосил этган синтактик элементлардан (компонентлардан) иборат структураси.

Грамматик стилистика. Сўз туркумлари ва уларга хос формаларнинг таъсирчанлик хусусиятлари, синтактик конструкцияларнинг стилистик имкониятлари, шунингдек нутқда грамматик воситаларни мақсадга мувофиқ тарзда танлаш ва қўллаш ҳақидаги таълимот.

Ибора (фразеологик бирлик). Тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ процессида яратилмай, балки нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик. Турғун бирикмаларнинг образли, кўчма маънога эга тури. Масалан, ўзб. томдан тараша тушгандай, оёғини қўлига олмоқ, бурнини кўтармоқ, сичқоннинг ини минг танга ва б. Фразеологик бирликларнинг одатда уч типи кўрсатилади: 1) фразеологик қўшилма, 2) фразеологик бутунлик, 3) фразеологик чатишма.

Идиома (фразеологик чатишма). Маъноси таркибидаги сўзларнинг маъносидан келиб чиқмайдиган, ҳатто унга зид маъно ифодалайдиган фразеологик бирликлар. Масалан, ўзб.: оёғини қўлига олмоқ (“жуда тез юрмоқ, тез югурмоқ”) каби.

Ижодий таржима – асл нусхага ижодий муносабатда бўлиш орқали унинг ғоявий мазмуни, шаклий жиҳатлари, услуби, жарангини янги тилда қайта тиклаш. Моҳиятан бадий таржима ижодий ёндашувни тақозо этади. Аслиятга ижодий муносабатда бўлмай туриб унга мувофиқ таржима яратиб бўлмайди. Ижодий таржима орқали ўқувчига манзур бўладиган сўз санъати дурдонаси яратилади.

Изоҳли таржима – ўқувчига тушунарли бўлсин учун таржимада баъзи сўз ва тушунчаларни изоҳлаб кетиш. Аслият ўқувчисига шундоғам тушунарли бўлган сўз, тушунча ёки ташбеҳ таржима ўқувчисига етарли даражада тушунарли бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бундай ҳолларда таржимонлар баъзида қўшимча изоҳ бериб ўтадилар.

Индивидуал услуб – ёзувчининг бутун ижодига хос асосий услубий унсурлар мажмуи. Таржимада уларни акс эттиролмаган таржимон аниқлик даъво қилолмайди.

Калка. Ўзга тил материалидан қисмма-қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз ёки бошқа бир тил бирлиги. Калкалар лексик, семантик, фразеологик бўлиши мумкин.

Калкалаш. Ўзга тилнинг лексик, фразеологик бирликларининг моделлари асосида ўз тил элементларидан фойдаланиб сўз ёки фразеологик бирликлар ҳосил қилиш.

Кетма-кет таржима. 1. Оғзаки таржиманинг ушбу тури нотиқнинг сўзи (нутқи) тинглангандан сўнг бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш, суҳбатдош, нотиқ нутқи, радио хабарларини тўлиқ баён қилиш; нутқни идрок этиб, оғзаки нутқни шакллантириш. 2. Оғзаки нутқни тинглаб бўлингандан сўнг оғзаки таржима қилиш. Кетма-кет таржиманинг турлари: ёзиб олиб таржима қилиш; абзацли-фраза таржима; бир томонлама ва икки томонлама таржима. Кетма-кет таржима деганда таржиманинг профессионал таржима фаолияти сифатида эшитиб оғзаки таржима қилиш тушунилади.

Миллийлик – ҳар бир миллатнинг бошқалардан ажралиб турадиган, ўзигагина хос хусусиятлар мажмуи.

Муқобил (арабча: қарши, зид) – бу сўзнинг жавоб бўлувчи, жавобан амалга оширилган; тенг, баробар, тўғри келадиган маънолари ҳам бор. Таржимашуносликда бу сўз айнан тенг, баробар; мос, мувофиқ маъносида қўлланади. Адекват таржима баъзида муқобил таржима деб ҳам юритилади.

Реалистик таржима (реализм юнонча: мавжуд, ҳақиқий) – бу реалистик адабиёт билан боғлиқ тушунча бўлиб, реалистик адабиёт ҳаётни ҳақиқатга мувофиқ тасвирлаганидек реалистик таржима асарни аслига мувофиқ акс эттиради.

Реалия – миллий хос сўзлар. Реалия лотинча сўз бўлиб, буюмга, нарсага оид деган маънони билдиради. Таржимашуносликда у ёки бу миллатга хос сўз ва тушунчалар реалия деб юритилади. Реалиялар халқнинг миллий хусусиятини ифодалаб, бадиий асарда миллий колоритни юзага чиқаради. Реалияларга киши ва жой номлари,

маросимлар, кийимлар, таомлар, рўзгор анжомлари, чолғу асбоблари ва бошқалар киради.

Синхрон таржима – оғзаки таржима турлари орасида энг мураккаби бўлиб, мазкур турдаги таржимада махсус жиҳоздан фойдаланиб таржима амалга оширилади. Бу нотик нутқ сўзлаётган чоғида таржимоннинг уни бўлмасдан узлуксиз нутқ мазмунини тингловчиларга етказиб беришнинг оғзаки таржима усулидир. “Синхрон таржима” атамаси таркибидаги “синхрон” сўзи юнон тилидан олинган, “syn” – биргаликда, “chronos” – вақт, яъни (*synchronos*) “бир пайтда”, “бир вақтга мос келиш”, “бир-бирига мос равишда, айти бир вақтда содир бўлган ёки бўладиган”, “синхронизмга, синхронликка тегишли” маънолари билан соҳанинг муҳим атамаларидан бири сифатида дунёнинг бир неча тилига ўзлашиб олган.

Синхронлаштириш – икки ёки ундан ортиқ такрорланувчи жараёндаги унсурларнинг ўзгаришсиз вақт оралиғида бир-бирига нисбатан мослаштирилиши (масалан, синхрон таржимада нотик билан таржимон нутқи) демакдир. Дунёнинг айрим тиллари (масалан турк тилида синхрон таржима “*simültane çeviri*” дейилади (лот. “*simul*” ва фр. “*simultane*” сўзининг маъноси “бир пайтда”, “бир вақтнинг ўзида”, “*çeviri*” сўзи эса соф туркча “таржима”дир).

Сўзма-сўз таржима – ҳеч нарсани алмаштирмасдан ёки қайта гуруҳлаштирмасдан, сўзни сўз билан таржима қилиш. Таржимада сўзни эмас, маънони бериш муҳим. Шунинг учун сўзма-сўз таржимадан қочишга даъват қилинади. Лекин баъзида сўзма-сўз таржима қилиш имконияти ҳам мавжуд бўлади, яъни бунда аслият айнан сўзма-сўз таржима тилига кўчади. Бундай имкониятдан фойдаланиш керак. Чунки сўзма-сўз таржима муайян ҳолларда қонуний ҳодисадир. Айниқса, яқин тиллардан таржимада сўзма-сўз ўгириш имкони кўпроқ. Оддий жумлаларнигина эмас, баъзида ҳатто фразеологизмларни ҳам сўзма-сўз таржима қилиш мумкин ва ўзини оқлаган ўринларда бу усулни рад этиб бўлмайди. Масалан: Терпи казак, атаманом будешь. – Сабр қил, казак, атаман бўласан. Если не сдается, его уничтожают. – Агар душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлайдилар. Ҳолва деган билан оғиз чучимаиди. – “Халва” сколько не говори, во рту сладко не станет. Сўзма-сўз таржимадан мақсад аниқликка эришиш бўлиб, бунда матннинг ботиний мазмунидан кўра зоҳирий сўзини беришга ҳаракат қилинади. Сўзма-сўз таржиманинг кўпинча хижжалаб таржима қилиш маъносида қўлланилиб келишини кўзда тутиб, Ғ.Саломов унинг ўрнига “аниқ таржима” терминидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини таклиф этган эди. Чунки рус

тилида ҳам “дословный перевод” кўп ҳолларда формалистик – “буквальный перевод” маъносида ишлатилганлиги сабабли А.В.Федоров тавсия қилган “точный перевод” термини маъқул кўринади.

Таглама – асл нусха тилини билмайдиган таржимон учун махсус тайёрлаб бериладиган сўзма-сўз, жумлама-жумла, сатрма-сатр (шеърий таржимада) айнан таржима, тахтул лафз, подстрочник.

Таржима (арабча: бир тилдан иккинчи бир тилга ағдариш; ўгириш, изохлаш, шарҳлаш) – муайян бир тилда оғзаки ёки ёзма равишда баён қилинган фикрни бошқа тил воситалари билан қайта ифодалаш. Таржима сўзи таржимон сўзидан ҳосил бўлган, таржимон сўзи эса форсча тарзабон сўзидан келиб чиққан. Маълумки, қадимда Ўрта Осиё ва Эрон халқлари орасида нотиклик санъати жуда ривожланган. Нотикларни эса тарзабон деб атаганлар. Тар – форс тилида янги, ширали, тароватли, нозик, латиф каби маъноларни билдиради. Забон – тил дегани. Тарзабон – нотик, чиройли гапирувчи, сўз устаси, янги ва ўткир сўзларни айтувчи демак. Тарзабонлар чуқур билим, кенг дунёқараш, нотиклик маҳоратига эга бўлишдан ташқари, бир неча тилларни ҳам билганлар ва ўз нутқларида улардан фойдаланганлар.

Шундай қилиб, таржимон – тарзабон сўзининг арабча таржимаси бўлса, таржима таржимон сўзидан келиб чиққан. Таржима ўтмишда ҳозирги маъносидан ташқари, баён этиш, тушунтириб бериш, матнни шарҳлаш, тафсир, маънони чақиш, содда қилиб ифодалаш маъноларини ифодалаб келган. Чунончи, таржимаи ҳол – аҳволни баён этиш.

Таржимон (арабча: таржима қилувчи) – бир тилдаги оғзаки нутқ ёки ёзма матнни иккинчи тилга таржима қилувчи киши, мутаржим, тилмоч.

Таржимон маҳорати – таржимоннинг таржима қилишдаги усталлиги, моҳирлиги, санъаткорлиги. Бунга ҳар икки тилни бирдай билиш, ижодкорлик истеъдоди, тажриба ва малака орқали эришилади. Ижод заҳмати чеклишда таржимоннинг ҳам қисмати муаллифникидан қолишмаслигини бот-бот таъкидлаб, образ, вазият ва руҳий ҳолат ифодаси тақозосига кўра унинг ҳамиша етти қат контекстнинг тагига тушиб, айти керакли сўзни топишига тўғри келишига эътибор қаратган Ғ.Саломовнинг ёзишича, “агар бир асарни турмуш тажрибаси, маълумоти, маҳорати, сўз бойлиги ҳар хил бўлган иккита таржимон бир тилга ағдарса, бир-биридан жиддий фарқ қиладиган иккита – деярли бошқа-бошқа асар ҳосил бўлиши ҳам шу сабаблидир.

Таржима жараёни – таржимоннинг муайян асар таржимаси билан машғул бўлиши. У аслида таржима учун асар танлашдан бошланади. Кейин у асарни ўрганади, идрок этади, таҳлил ва талқин қилади. Ниҳоят она тилидан сўз, сўз бирикмалари, грамматик шакллар каби мувофиқ воситалар топиб, уни таржима қилади. Таржимашуносликда таржима жараёни уч босқичдан иборат деб кўрсатилади: 1) асл нусхани идрок этиш; 2) асл нусхани талқин қилиш; 3) асл нусхани қайта ифодалаш.

Таржимашунослик – тилшунослик ва адабиётшунослик фанлари кесишган нуктада вужудга келган умумфилологик фандир.

Таржимон (арабча: таржима қилувчи) – бир тилдаги оғзаки нутқ ёки ёзма матнни иккинчи тилга таржима қилувчи киши, мутаржим, тилмоч.

Таржимон маҳорати – таржимоннинг таржима қилишдаги усталиги, моҳирлиги, санъаткорлиги. Бунга ҳар икки тилни бирдай билиш, ижодкорлик истеъдоди, тажриба ва малака орқали эришилади.

Услуб – арабча сўз бўлиб, усул, тартиб, йўсин, шакл каби маъноларни билдиради. Адабиётшуносликда у ҳар бир ижодкорнинг ёзиш усули, баён тарзи, тасвир манзараси мазмунида қўлланади.

Услуб кенг ва тор маъно доирасига эга. Тор маънода услуб умуман тасвирлаш, баён этиш, сўзлаш усули. Кенг маънода эса бирор-бир ижодкорнинг (А. Қодирий, А. Қаҳҳор), асарнинг (“Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз”), ёзувчилар гуруҳининг (жадидлар, маърифатпарварлар), адабиётнинг (Шарқ ва Ғарб, ўзбек, рус), даврнинг (XV аср, XIX аср), оқимнинг (романтизм, реализм) услуби ва ҳоказо.

Фразеологизмлар – турғун сўз бирикмалари: мақол, матал ва ибора (идиома)лар. Фразеологизмлар таржимасида қуйидаги усуллар қўлланади: 1) асл нусхадаги фразеологизмга таржима тилидан тенг қийматли эквивалент қидириб топиш; 2) муқобил вариант топиб қўйиш; 3) фразеологизмни айнан, сўзма-сўз таржима қилиш. Ҳар учала ҳолат ҳам учрамаган тақдирда таржимон уларнинг умумий маъносини акс эттириш билан кифояланади.

Эркин таржима – асл нусханинг ғоявий мазмуни ва бадиий хусусиятларини ўзгартирувчи, уни бутунлай бошқа изга солиб юборувчи таржима принципи. Бундай таржимада муаллиф услуби эмас, балки таржимон услуби устун туради. У аслиятни хоҳлаганча ўзгартиради, қисқартиради, унга ўзидан қўшади. Баъзида асл нусха мазмуни ва сюжетини сақлаган ҳолда уни ўз сўзлари билан янгидан ёзиб чиқади.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР

Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эй умри азиз. – Тошкент: “Шарқ”, 1997.

Ғафуров И. Таржимашунослик мутахассислигига кириш. – Тошкент, 2008.

Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: “Зарқалам”, 2006..

Комилов Н. Хизр чашмаси. – Тошкент: “Маънавият”, 2005.

Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: “Фан”, 2005.

Олимов С., Матёқубов А. Лермонтовнинг ўзбек таржимонлари. – Тошкент: “Фан”, 1989.

Очилов Э. “Тухфат ул-афкор” таржималарининг қиёсий таҳлили // Навоийнинг ижод олами (Мақолалар тўплами). 2-китоб. – Тошкент: “Фан”, 2011. 46-72-бетлар.

Очилов Э. Барҳаёт сиймолар. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.

Очилов Э. Муборак сарчашмалар. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1997.

Очилов Э. Таржима назарияси ва амалиёти (ўқув қўлланма). – Тошкент, 2012.

Саломов Ғ., Комилов Н., Салимова З., Жўраев К., Отажонов Н. Таржимон маҳорати. – Тошкент: “Фан”, 1979.

Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари (Монография). – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2011.

Султонова Д. Шеър ва таржима. – Самарқанд, 2009.

Таржима масалалари (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент: Шарқшунослик институти, 2012.

Таржима муаммолари. Уч китобдан иборат. – Тошкент-Самарқанд, 1991.

Таржима назарияси ва абадий-лисоний алоқалар (Ғ.Саломовнинг 60 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент, 1992.

Умиров С. Солланиб оқаётган дарё. – Тошкент: “Фан”, 1992.

Усмонова Ш., Алимбеков А., Ҳамидов Х. Азиз Несин асарлари бадииятининг таржимада акс этиши. – Тошкент: “Нодирабегим”, 2021.

Усмонова Ш., Ҳамидов Х. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. – Тошкент: “Нодирабегим”, 2021.

Ўзбекистонда бадиий таржима тараққиёти (таржима тарихидан лавҳалар). – Тошкент: “Фан”, 1986.

Ўзбекистонда бадиий таржима тарихи (таржима тарихидан лавҳалар). – Тошкент: “Фан”, 1985.

Ўзбекистонда таржимачилик. – Тошкент: “Фан”, 1988.

Ҳамидов Х. Ўткир Хошимов асарлари турк тилида. – Тошкент: “Нодирабегим”, 2020.

Шарипов Ж. Русчадан ўзбекчага шеърий таржиманинг баъзи масалалари. – Тошкент: “Фан”, 1959.

O'zbekiston tarjimashunoslari forumi - 2020. - Toshkent, TDSHU, 2020.

Yosh tarjimashunos VI. – Toshkent, TDSHU, 2021.

РУС ТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР

Бархударов Л.В. Язык и перевод. – Москва, 1975.

Комиссаров В.Н. Общая теория перевода. – Москва, 1999.

Левый И. Искусство перевода. Перевод с чешского Вл.Россельса. – Москва: “Прогресс”, 1974.

Лилова А. Введение в общую теорию перевода. – Москва, 1985.

Морозов М.М. Пособие по переводу. – Москва: Иностранная литература, 1985.

Россельс Вл. Сколько весит слово (Статьи разных лет). – Москва: “Советский писатель”, 1984.

Рыльский М. Искусство перевода. – Москва, 1986.

Федоров А.В. Основы общей теории перевода. – Москва, 1983.

Чуковский К.И. Высокое искусство. – Москва, 1968.

ЛУҒАТЛАР

Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Академнашр”, 2010.

Литературный энциклопедический словарь. – Москва, 1987.

Ўзбек тилининг изохли луғати. Беш жилдлик. 1-5-жилдлар. – Тошкент, 2006-2008.

Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча луғати (тўлдирилган иккинчи нашри). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1983.

БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР

Алишер Навоий. Асарлар. XV жилдлик. 5-жилд. 1-2-китоблар. – Тошкент: “Бадий адабиёт нашриёти”, 1965.

Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. 18-20-жилдлар. – Тошкент: “Фан”, 2002-2003.

Мир Алишер Навоий. Фоний гулшани (Ж.Камол таржимаси). – Тошкент: “Меринос”, 2011.

Нодира. Асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд. 2-китоб. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1971.

Ойбек. Асарлар. Ўн жилдлик. 10-жилд (Таржималар). – Тошкент, 1975.

Орипов А. Танланган асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.

Пушкин А.С. Евгений Онегин (М.Кенжабек таржимаси). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

Умар Хайём. Рубоийлар (Форс, ўзбек ва рус тилларида). – Тошкент: “Радуга”, 1985.

Умар Хайём. Тириклик тилсими. Рубоийлар (Э.Очилов таржимаси). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.

Уч булбул гулшани. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

Фозилов Э. XIV аср Хоразм ёдномалари. – Тошкент: “Фан”, 1973.

Шекспир В. Сайланма. Уч жилдлик (Ж.Камол таржимаси). – Тошкент: “Фан”, 2007-2008.

Hamidov X. Abdulla Aripov. Secme Siirler. – Toshkent: “Nodirabegim”, 2021.